

Ахмедов Боходир Абдуваитович

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ
ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ**

Монография

Тошкент-2017

Ахмедов Б.А. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, 2017. – 123 б.

Ушбу монографияда Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари назарий ва амалий жиҳатдан кўриб чиқилган. Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Монография миллий хавфсизлик муаммолари бўйича илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар, магистрантлар, шунингдек, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан ўқув ва илмий қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин.

Такризчилар: ю.ф.д., доцент Бобокулов И.И.
с.ф.н., доцент Умаров Х.П.

Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби Илмий кенгашининг 2017 йил _____ даги __-сонли баённомасига асосан тасдиқланган ва нашр этишга тавсия этилган

©Ўзбекистон Республикаси Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби,
2017 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I БОБ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ	
1.1. Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида.....	9
1.2. Ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатлари.....	16
1.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник ва ғоявий-мафкуравий жиҳатлари.....	27
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ	
2.1. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг шаклланиш босқичлари.....	42
2.2. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг ўзига хослиги.....	47
2.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимининг шаклланиши.....	53
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ, ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ	
3.1. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари шаклланишининг бугунги ҳолати.....	60
3.2. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари.....	66
3.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш чора-тадбирлари.....	75
IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	
4.1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришда хориж тажрибаси.....	83
4.2. Минтақавий ташкилотлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиги.....	96
4.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш истиқболлари.....	101
ХУЛОСА	108
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	111
ТЕРМИНЛАР ГЛОССАРИЙСИ	120

Қисқартмалар рўйхати

АКТ	—	Ахборот-коммуникация технологиялари
АҚШ	—	Америка Қўшма Штатлари
ОАВ	—	Оммавий ахборот воситалари
ДНК	—	Дезоксирибонуклеиновая кислота
ISO	—	International Organization for Standardization
АТ	—	Ахборот технологиялар
АХ	—	Ахборот хавфсизлиги
MRA	—	Mail.Ru Агент (Интернет орқали хабарлар алмашиш дастури)
CCRA	—	Common Criteria Recognition Arrangement (Arrangement of the Recognition of Common Criteria Certificates in the field of Information Technology Security)
PIN	—	Personal Identification Number
МО	—	Марказий Осиё
CNN	—	The Cable News Network
BBC	—	British Broadcasting Corporation
ЮНИСЕФ (UNICEF)	—	United Nations International Children's Emergency Fund
UZCERT	—	Компьютер инцидентларига жавоб бериш хизмати
ТВ	—	Телевидение
D-DoS	—	Distributed Denial of Service
БТҚК	—	Бошқарув тизимларига қарши курашиш
IPIG	—	International Public Information Group
CNIL	—	Commission Nationale del' Informatique et des Libertes
ХХР	—	Хитой Халқ Республикаси
CNNIC	—	China Internet Network Information Center
ЭИР	—	Эрон Ислом Республикаси
МДХ	—	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги
ШХТ	—	Шанхай ҳамкорлик ташкилоти
ШХТ МАТТ	—	Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси
ХАХ	—	Халқаро ахборот хавфсизлиги
БМТ	—	Бирлашган миллатлар ташкилоти

КИРИШ

Бугун халқаро ахборот маконида турли ғаразли кучлар томонидан олиб борилаётган ахборот-ғоявий курашлар *миллий манфаатларга* қарши чиқиш ва уларни инкор этишга қаратилган. Ахборот хуружлари эса асосан миллат маънавияти ва қадриятларини емириб ташлаш мақсадида амалга оширилмоқда. “Бу Шарқ ёки Ғарб мамлакатлари бўладими, олис Африка ёки Осиё қитъаси бўладими – жаҳоннинг қайси бурчагида бўлмасин, маънавиятга қарши қандайдир таҳдид пайдо бўладиган бўлса, ўзининг бугунги куни ва эртанги истиқболини ўйлаб яшайдиган ҳар бир онгли инсон, ҳар бир халқ ташвишга тушиши табиий, албатта. Бу ҳақда гапирганда, фақат битта миллат ёки халқ ҳақида фикр юритиш масалани ўта тор тушуниш бўлар эди, – деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов. – Яъни, бу ўринда сўз фақат бизнинг маънавиятимизга қарши қаратилган тажовузлар ҳақида, азалий фазилатларимиз, миллий қадриятларимизни ана шундай хужумлардан асраш хусусидагина бораётгани йўқ. Муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ушбу муаммони кенг миқёсда, дунёнинг барча мамлакатлари ва халқлари ҳаётига дахлдор масала сифатида ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш мақсадга мувофиқдир”¹.

Ривожланган мамлакатлар томонидан ахборотлар тарқатишдан мақсад ўз турмуш тарзини ташвиқот қилиш орқали ғоявий ҳукмронликка эришишдир. Бугунги кунда ахборот оқимлари ҳаддан ташқари тезлашиб, кўпайиб бормоқда. Сўнгги 50 йил ичида дунё бўйлаб айланадиган ахборот ҳажми миллион мартага кўпайгани ва у илғор технология воситасида кундан-кунга янада ошиб бораётгани кузатилмоқда.

Шу билан бирга, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ўртасидаги чегаралар йўқолиб бормоқда. Бу эса миллий хавфсизликни таъминлаш борасида янгидан-янги услуб ва воситаларни яратиш, уни таъминловчи механизмларни шакллантириш ва такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Миллий хавфсизликни таъминлаш – бу давлат органлари, жамоат уюшмалари ва фуқароларнинг шахс, жамият ва давлат ҳаётий муҳим манфаатларини ички ва ташқи таҳдидлардан тизимли асосда самарали фаолият олиб бориши саналади.

Ҳаётий муҳим миллий манфаатлар – хавфсизлик субъектлари томонидан англаб етиладиган, тизимга солинадиган, тегишли сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйиладиган, маълум тарихий даврда давлатнинг мавжуд бўлиб қолиши, фаровонлиги ва тараққиётнинг зарур ҳамда ҳимоя қилиниши шарт бўлган шахс, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларидир².

Миллий хавфсизлик бир қатор соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Шулардан бири – бу *ахборот хавфсизлиги соҳасидир*.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б. 13.

² Бобокулов И.И., Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2011. – Б. 45.

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги №439-П сонли “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунда ахборот хавфсизлиги ахборот борасидаги хавфсизлик деб белгиланган ва у ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолатини англатади¹.

Ахборот соҳасида шахс манфаатлари фуқароларнинг ахборотдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда, қонунда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланишида ҳамда жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишда ахборотлардан фойдаланишларида, шахсий хавфсизликни таъминловчи ахборот ҳимоясида намоён бўлади.

Ахборот соҳасида жамият манфаатлари бу соҳада шахс манфаатларини таъминлашда, демократияни мустаҳкамлашда, ижтимоий ҳуқуқий давлатни қуришда, ижтимоий ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлашда ўз аксини топади.

Ахборот соҳасида давлат манфаатлари миллий ахборот инфратузилмасининг ривожланишига шароитлар яратишда, ахборот олиш соҳасида шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда, Ўзбекистоннинг ҳудудий бирлигини, суверенитетини ва конституциявий тузумининг мустаҳкамлигини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ахборотдан фойдаланишда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни қатъий амалга оширишда, ўзаро тенглик ва манфаатдорликдаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ифодаланadi.

Давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи миллий хавфсизликни таъминлашнинг асосий ва ажралмас қисми бўлиб, ахборотни муҳофаза қилиш эса давлатнинг бирламчи масалаларига, давлат сиёсати даражасига айланмоқда.

Мазкур монографияда кўтарилган мавзунинг асосий объекти ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат институтларининг фаолияти ҳисобланади. Ушбу давлат институтларининг, айнан, ахборот, ахборот ресурслари ва ахборот инфратузилмаси ҳимояси билан боғлиқ бўлган ҳамда халқимиз миллий манфаатларига қарши қаратилган ғаразли ахборотлардан ҳимоялаш борасида фаолиятлари кўриб чиқилади.

Бугунги кунда давлат органларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолияти давлат сирларини ва хизматга оид ахборотларни ҳимоялашга қаратилган. Ушбу йўналишда ҳар бир ташкилот ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада ягона стандарт ва қоидаларнинг мавжуд эмаслиги мувофиқлаштириш ишларни мураккаблаштиради. Бу эса ахборот хуружлари ёки киберҳужумлар юз берган вақтда уларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари амалга оширишни қийинлаштиради.

Мазкур йўналишда фаолият юритаётган давлат институтлари фаолиятини ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи билан шуғулланувчи бўлинмалар ишини такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабрь 439-П-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –2003. –№1. –2-м.

аҳамиятга эга. Шунингдек, хориж давлатлари тажрибасини ўрганган ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича янги институтлар фаолиятини йўлга қўйиш масаласини ҳам кўриб чиқиш лозим.

Бунда, аввало, ахборот хуружлари ва кибертаҳдидларнинг олдини олиш мақсадида ахборот хавфсизлиги ҳолатини мониторинг қилиб бориш тизимини яратиш мақсадга мувофиқдир. Бу борада ҳозирги кунда ишлар етарлича йўлга қўйилмаган. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги таркибидаги “ахборот хавфсизлигини таъминлаш” маркази ушбу йўналишда UZ домени ҳудудидаги сайтларнинг бузилиши, вируслар ҳужуми ва бошқа ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоялаш бўйича доимий мониторингини йўлга қўйган. Бу орқали Интернет миллий сегменти фойдаланувчилари вируслар билан зарарланган сайтлар ҳақида маълумотларга эга бўлиб боради. Бироқ, Интернет сайтларида нашр қилинаётган ахборотларнинг мазмуни бўйича мониторинг ишларини олиб бориш йўлга қўйилмаган. Мисол учун, Россия Федерациясида Интернет фойдаланувчиларига сайтларнинг “оқ” ва “қора” рўйхатлари тақдим этилади. Бу каби ишлар кўплаб ривожланган давлатларда қонунийлаштирилган. Бу орқали фойдаланувчиларни салбий мазмундаги ахборотлардан ҳимоялаш мумкин бўлади.

Бундан ташқари, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг яна бир муҳим жиҳати бу – шахсий ахборотларни ҳимоялаш масаласидир. Бу борада ҳали ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш лозим. Бугунги кунда фуқароларнинг шахсий маълумотлари давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан тўпланмоқда. Бу базаларни ягона базага бирлаштириш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Лекин, бу борада ишларни мувофиқлаштирадиган ягона давлат ташкилоти фаолияти тасдиқланмаган.

Юқорида айтиб ўтилган масалалар республикамызда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришда алоҳида эътибор қаратиладиган жиҳатлар ҳисобланади. Бу орқали ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал тузилмасини шакллантиришда алоҳида эътибор қаратиладиган йўналишларни белгилаб олиш мумкин. Бу йўналишлар ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал тузилмасини ривожлантиришда муҳим концептуал асос бўлиб хизмат қилади. Бу доимий равишда такомиллаштирилиб бориладиган тизим ҳисобланиб, унинг ташкилий тузилмасини ривожлантиришни назарий ва илмий жиҳатдан ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Шу боис, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ўрганиш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш мамлакат *миллий хавфсизлигининг таъминланишида* муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, мазкур масалани илмий жиҳатдан тадқиқ этиш юзага келаётган муаммоларнинг назарий ва амалий ечимларини топишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ахборот хавфсизлиги муаммоларини тадқиқ этишга бағишланган илмий ишлар жуда кўп бўлиб, аксарият ишлар сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт, техника, социология ва психология фанлари доирасида амалга

оширилган. Ҳозирда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, унинг турли жиҳатлари, ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилиши жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш масалалари хорижлик ҳамда республикамиз олимлари томонидан чуқур ўрганилмоқда, кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жумаладан, жамият ва давлат ахборот хавфсизлиги масалаларини ўзаро алоқадорликда ўрганган хорижий тадқиқотчилар қаторига А.Чернов, Г.Атаманов, В.Бахметьев, Б.Вербенко, А.Бородин, О.Литвиненко, М.Иншаков, И.Пеньков, О.Вершинская, И.Мелюхин, Т.Ершова ва бошқаларни келтириш мумкин. Жумладан, алоҳида давлат, минтақа ва халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари В.Кулаков, И.Сафронова, А.Кисляковский, Т.Полякова, Т.Мартirosян, Д.Сорокин, Г.Крыловларнинг амалга оширган илмий ишларида ўз аксини топган. Шунингдек, Ю.С.Уфимцев, Е.А.Ерофеев, В.П.Мельников, С.А.Клейменов, А.М.Петраков, И.Ю.Алексеева, В.А.Семенов, И.Н.Панарин, В.И.Ярочкин, В.А.Галатенколар ўз китоб ва монографияларида шахс, жамият ва давлат ахборот хавфсизлиги тушунчаси, унинг асосий мазмуни, сиёсий ва ижтимоий-психологик жиҳатлари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш методологияси, ахборот уруши, давлат ахборот хавфсизлигига таҳдидлар, уларга қарши курашиш усуллари ва шу каби масалалар илмий асосланган ҳолда ёритилган¹.

Мамлакатимизда ҳам миллий хавфсизлик масаласи, шу жумладан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари, хавф-хатар ва таҳдидларни бартараф этишнинг назарий ва амалий жиҳатларига доир илмий изланишлар амалга оширилган.

Айтиш жоизки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари (ОАВ) фаолиятини такомиллаштиришда ахборот хавфсизлигининг аҳамияти билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бир қатор асарлари ва халқаро анжуманларда сўзлаган нутқларида ўз аксини топган.

Шунингдек, Р.Алимов, С.Отамурадов, Ф.Толипов, М.З.Мунаваров, И.З.Абдуллаев, У.Ҳасанов, Б.Умаров, М.Шарипов, Н.Умарова, У.Саидов, А.Қодиров, Н.Қосимова, Г.Р.Ибрагимова ва бошқа тадқиқотчилар халқаро ва минтақавий миқёсда ахборот хавфсизлиги муаммоларини, хусусан, миллий манфаатларни ҳимоялашнинг турли жиҳатларини (сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий, ахборот) ўз илмий ишларида назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этган².

И.Бобокулов, Б.Хўжанов, Х.Умаров, Н.Моисеев, Ф.Мўминов, А.Яковенко каби олим ва тадқиқотчилар ахборот хавфсизлигининг миллий хавфсизлик тизимидаги ўрни ҳамда глобаллашув жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, уни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш билан боғлиқ муаммоларни ёритиб берган.

¹ Қаранг: Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

² Қаранг: Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ўрганишга бағишланган мазкур монографияда кўйидагилар ёритиб берилди:

- миллий хавфсизлик тизимида ахборот хавфсизлигининг ўрни;
- ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатлари;
- ахборот хавфсизлигининг техник ва ғоявий-мафкуравий жиҳатлари;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари-нинг шаклланиш босқичлари;
- Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришнинг ўзига хослиги;
- ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимининг шаклланиши;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари-нинг бугунги ҳолати;
- Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш чора-тадбирлари;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришда хориж тажрибаси;
- минтақавий ташкилотлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиги;
- Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш истиқболлари.

Юқоридагилар асосида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш масаласи алоҳида тадқиқот иши сифатида ўрганилмаган. Шу нуқтаи назардан ушбу монографияда кўтарилган мавзу миллий хавфсизлик муаммолари ичида ўз долзарблигини сақлаб қолади.

I БОБ. АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1.1. Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида

Миллий хавфсизлик тизимида ахборот хавфсизлигининг тутган ўрнини белгилаш учун мазкур соҳани хавфсизликнинг бошқа соҳаларидан фарқли жиҳатларини ажратиб олиш, унинг субъектлари, объектлари ва йўналишларини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Ахборот хавфсизлиги субъектлари – давлат, жамият ва фуқаролар.

Ахборот хавфсизлиги объектлари – субъектларга тегишли ахборот соҳаси объектлари (ахборот ресурслари, ахборот ва телекоммуникация тизимлари) киради.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органлари, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, фуқаролар Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлаш тизими сифатида белгиланган. Мазкур тизимга ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими сифатида ҳам қараш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг асосий функцияларига таянилган ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг функциялари сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳаси бўйича давлат сиёсатини шакллантириш ва уни амалга ошириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

– ахборот хавфсизлигига қаратилган ташқи ва ички таҳдидларни холисона, атрофлича таҳлил қилиб аниқлаш ва уларни бартараф этиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш;

– ахборот таҳдидларининг манбалари тўғрисида маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг назоратини амалга ошириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи ихтисослашган илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;

– ёшларни баркамол шахслар этиб шакллантириш мақсадига қаратилган давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган махсус дастурлар қабул қилиш ва бу борада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳамкорликдаги фаолиятини кучайтириш;

– Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларига мос келадиган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Булардан ташқари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилади:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига ҳамда ахборот соҳасидаги ҳаётий муҳим миллий манфаатларга зид бўлмаган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган нормаларига риоя қилиш;

– шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини қонунлар асосида ҳимоялаш;

– шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларининг ўзаро бирлиги, боғлиқлиги ва мувозанатига риоя этиш ҳамда устуворлигини таъминлаш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлашда шахс, жамият ва давлат масъулиятининг бирлиги;

– миллий хавфсизликнинг бошқа соҳалари билан ахборот хавфсизлик уйғунлигини таъминлаш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш юзасидан амалга ошириладиган ишларни назорат қилиш.

Ахборот хавфсизлиги ўзининг субъекти, объекти ва тизимига эга эканлиги уни миллий хавфсизликнинг бошқа соҳаларидан фарқли жиҳатларини белгилаб беради.

XXI асрда шахс, жамият ва давлат тараққиётида ахборот ресурслари ва технологияларининг ролини ортиши натижасида Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ахборотлаштирилган жамият сифатида қуриш масаласини ҳал этиш билан бирга қуйидаги омиллар миллий хавфсизликни таъминлаш тизимида ахборот хавфсизлигининг етакчи ўрин эгаллашини белгилайди:

– миллий манфаатлар, уларга тажовуз ва уларни бу тажовуздан ҳимоялаш ахборот ва ахборот соҳаси орқали ифодаланади, амалга оширилади.

– инсон ва унинг ҳуқуқлари, ахборот ва ахборот тизимлари ҳамда уларга эгаллик қилиш – бу нафақат ахборот хавфсизлигининг асосий объектлари, балки хавфсизлик соҳасидаги барча хавфсизлик объектларининг асосий элементлари ҳамдир;

– ахборот ёндашувидан асосий илмий-амалий усул сифатида фойдаланиш орқали миллий хавфсизлик масалаларини ҳал этиш мумкин;

– миллий хавфсизлик муаммоси яққол ажралиб турувчи ахборот тавсифига эга.

Ахборот хавфсизлиги тизими давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсатини мамлакатда миллий хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсати билан чамбарчас боғлайди. Бунда ахборот хавфсизлиги тизими давлат сиёсатининг асосий ташкил этувчиларини яхлит бир бутунликка бириктиради. Бу эса ахборот хавфсизлигининг роли ва унинг мамлакат миллий хавфсизлиги тизимидаги мавқеини белгилайди. Ахборот соҳасидаги Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини, уларга эришишнинг стратегик йўналишларини ва уларни амалга ошириш тизимларини ўзида акс эттирувчи мақсадлар яхлитлиги давлат ахборот сиёсатини англатади. Шу билан бирга давлат ахборот сиёсати мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатининг асосий ташкил этувчиси ҳисобланади ҳамда жамиятнинг барча жабҳаларини қамраб олади.

Ахборот хавфсизлигининг замонавий концепцияси ахборот хавфсизлигини таъминловчи мақсадлар, вазифалар, тамойиллар ва асосий йўналишлар бўйича расмий нуктаи назарлар мажмуини билдиради.

Қуйида ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчилари ва жиҳатлари келтирилган:

– ахборотни муҳофаза қилиш (шахсий маълумотларни, давлат ва хизмат сирларини ва бошқа турдаги тарқатилиши чегараланган маълумотларни қўриқлаш маъносида);

– компьютер хавфсизлиги ёки маълумотлар хавфсизлиги – компьютер тармоқларида маълумотларнинг сақланишини, фойдаланишга рухсат этилганлигини ва конфеденциаллигини таъминловчи аппарат ва дастурий воситалар тўплами, ахборотдан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари;

– ахборот эгаларига ёки ахборотдан фойдаланувчиларга ҳамда уни қўллаб-қувватловчи инфратузилмага зарар етказиши мумкин бўлган табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки қасддан таъсир этишлардан ахборот ва уни қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг ҳимояланганлиги;

– фуқаролар, алоҳида гуруҳлар ва ижтимоий қатламлар, умуман олганда аҳолининг яшаш фаолияти, таълим олиш ва ривожланишлари учун зарур бўлган сифатли ахборотга бўлган талабларининг ҳимояланганлиги.

Ахборотни муҳофаза қилиш – ахборот хавфсизлигининг (маълумотларнинг бутунлиги, фойдалана олиш ва зарур бўлганда, маълумотларни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишда фойдаланилувчи ахборот ва унинг захиралари конфиденциаллиги) муҳим жиҳатларини таъминлашга йўналтирилган тадбирлар мажмуидир.

Хавфсиз тизимда тегишли аппарат ва дастурий воситалардан фойдаланиб, ахборотни ўқиш, ёзиш, ҳосил қилиш ва ўчириш ҳуқуқига эга шахслар ёки улар номидан амалга оширадиган жараёнлар орқали ахборотдан фойдалана олиш бошқарилади.

Маълумки, абсолют хавфсиз тизимлар мавжуд эмас, лекин “ишончли мумкин бўлган тизим” маъносига ишончли тизимлардан фойдаланилади. Етарлича аппарат ва дастурий воситалардан фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида турли махфийлик даражасидаги маълумотларни фойдаланувчилар гуруҳи томонидан фойдаланиш ҳуқуқларини бузмаган ҳолда қайта ишлаш имконини берувчи тизим ишончли ҳисобланади.

Ахборотни муҳофаза қилиш ахборотга бўлган салбий таъсир манбаларини ҳамда сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш маъносини англатади. Бу манбалар ахборот хавфсизлигига таҳдидларни ташкил этади.

Ахборотни муҳофаза қилиш қуйидагиларга йўналтирилган:

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича таҳдидларнинг олдини олиш;

– тизимли таҳлил ва назорат орқали реал ва эҳтимоли катта бўлган таҳдидларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида олдини олиш чоралари;

– аниқ таҳдидлар ва жиноий ҳаракатларни аниқлаш мақсадида таҳдидларни топиш;

– жиноий ҳаракатларни бартараф этиш, шунингдек аниқ жиноий ҳаракатларни ҳамда таҳдидларни йўқ қилиш бўйича чоралар кўриш;

– таҳдид ва жиноий ҳаракатларнинг оқибатларини йўқ қилиш ва мавқеини сақлаш.

Ушбу барча усулларнинг мақсади ахборот ресурсларини ноқонуний таҳдидлардан ҳимоя қилиш ва қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

– конфиденциал ахборотларнинг тарқаб кетишини олдини олиш;

– конфиденциал ахборот манбаларига ноқонуний киришни тақиқлаш;

– ахборотнинг бутунлиги, тўлиқлиги ва ундан фойдалана олишни сақлаш;

– ахборот конфиденциаллигига риоя қилиш;

– муаллифлик ҳуқуқларини таъминлаш.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, ахборотни муҳофаза қилиш деганда давлат, жамият ва шахсларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган усул, восита ва чоралар мажмуини тушуниш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлик даражаси ишлаб чиқиладиган қонун ҳужжатларининг мукамаллиги, яъни уларда қонунчилик техникасини самарали амалга оширилиши билан боғлиқдир. Ҳозирда республикамизда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни бевосита тартибга солувчи 17 та қонун ва 30 тадан ортиқ қонун ости ҳужжатлари мавжуддир.

Ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг ажралмас қисми сифатида тармоқлараро хусусиятга эга эканлигини ҳам алоҳида эътироф этиш зарур. Чунки хавфсизликнинг бошқа соҳаларида, жумладан, сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ҳам ахборот хавфсизлигини таъминланганлик даражаси, санаб ўтилган йўналишларнинг барқарорлигини белгилаб беради.

Шундан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, ахборот соҳасида шахс манфаатлари фуқароларнинг ахборотдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда, қонунда тақиқланмаган фаолият билан шуғулланишида ҳамда жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишда ахборотлардан фойдаланишларида, шахсий хавфсизликни таъминловчи ахборот химоясида намоён бўлади.

Ахборот соҳасида жамият манфаатлари бу соҳада шахс манфаатларини таъминлашда, демократияни мустаҳкамлашда, ижтимоий ҳуқуқий давлатни қуришда, ижтимоий ҳамжиҳатликни қўллаб-қувватлашда ўз аксини топади.

Ахборот соҳасида давлат манфаатлари миллий ахборот инфраструктурасининг ривожланишига шароитлар яратишда, ахборот олиш соҳасида шахс ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда, Ўзбекистоннинг ҳудудий бирлигини, суверенитетини ва конституциявий тузумининг мустаҳкамлигини, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш мақсадида ахборотдан фойдаланишда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни қатъий амалга оширишда, ўзаро тенглик ва ўзаро манфаатдорликка асосланган халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” номли асарида таъкидлаганидек, “Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин. Мана шундай вазиятда ёшларимиз ўз мустақил фикрига, законлар синовидан ўтган ҳаётий-миллий кадриятлар соғлом негизда шаклланган дунёқарашга ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ яширин кўринишдаги таъсирига бардош бериши амримаҳол”¹.

Бу қарашлар ва мулоҳазалар айнан ахборот-психологик урушга нисбатан айтилгани айни ҳақиқатдир. Ахборот-психологик уруш нафақат бир мамлакат ёки ҳудуд хавфсизлигига раҳна солади, балки инсоният тараққиёти омилига мутлоқ зид бўлган салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Албатта, ахборотсиз инсон ҳам, жамият ҳам тараққий этиши мумкин эмас. Дунё

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008. - Б. 82.

халқлари манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ахборот манбаи ўрнини ҳеч нарса боса олмайди.

Ахборот ва ахборот технологиялари асри сифатида эътироф этилаётган айна даврда миллий ўзликни сақлаб қолиш, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий қудратини тиклаш билан бир қаторда глобал ахборот майдонида ўзининг манфаатларини ҳимоя қилиш, четдан содир этилаётган ахборот хуружларига қарши тура олиш, бир сўз билан айтганда ахборот хавфсизлигининг қай даражада таъминлангани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бир қарашда ушбу муаммоларнинг хатарли ёки кўрқинчли томони йўқдек туюлади. Бироқ, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялаш нуқтаи назаридан ахборот хуружларига қарши доимий курашиш, уларнинг манбаларини доимий мониторинг қилиш талаб этилади. Жаҳон ахборот бозорининг тобора кенгайиб бораётганлиги, замонавий ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланаётганлиги давр тараққиётининг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Бироқ, айнан, дунё миқёсида кенг кўламда ахборот майдонининг шаклланиши ҳамда ахборотнинг интеллектуал мулк сифатидаги қийматининг ортиб бориши ахборотга эгаллик қилиш учун интилишларнинг кучайишига сабаб бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиши эса инсоннинг уларга нисбатан тобелигини орттирмоқда. Геосиёсат фанидан биз яхши биламизки, “Ўрта ер денгизини эгаллаган давлат бутун дунёга эгаллик қилади”, деган қараш мавжуд эди. Лекин, ахборот технологиялари юксак тараққий этган, ахборот жамияти қарор топиб бораётган бугунги кунда юқорида келтириб ўтилган назариянинг моҳияти кескин ўзгарди ва бошқача кўриниш тус олди: “Ким ахборот тарқалишига эгаллик қилса, дунёнинг тартиби ўшанинг кўлида”.

Шиддаткор глобаллашув даврида воқелик ҳеч нима, алоқа эса ҳамма нарсадан устун, цивилизацияларнинг тақдири ахборот етказиб бериш тезлигига боғлиқ ҳисобланади. Ўз вақтида ахборотга эга бўлган, унга таъсир қилиш имконини топган давлат, жамият ҳаммадан ҳам қудратлидир.

Бугун асосий кураш майдони ҳисобланадиган ахборот макони, асосий мақсади ер ёки бойлик эмас, балки инсон онгини эгаллаш эканлиги бежизга эътироф этилаётганлиги йўқ. Бу эътироф ахборот таъсири ва хуружларга қарши тура олишнинг аҳамиятини ҳамда жамият, давлат манфаатларининг кўп жиҳатдан ахборот соҳасида миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари билан боғлиқлигини янада орттиради.

Ҳар бир давлатнинг ахборот соҳаси шахс, жамият, давлатнинг манфаатларидан келиб чиқиб, конституциявий тузумига қарши бўлган ғоялардан, миллатлараро ва диний конфессионал, куч ишлатиш, маънавий ва турли кўринишдаги ҳаракатлардан қонуний равишда ҳимояланган бўлиши лозим.

Сўнгги пайтларда хорижий давлатлардан кириб келган турли жамоат ташкилотлари ёшлар ўртасида ҳар хил кўрик-танловлар ўтказиш, улар орасида турли адабиётларни тарқатиш каби ҳолатлар учраб турганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Улар жамиятнинг “нозик нуқталари”ни аниқлаш мақсадида олимларни ҳар хил мавзулардаги грантлар устида ишлашга ҳамда форумлар ташкил этишга жалб этмоқдалар. Булар ўз навбатида, инсонлар руҳиятига

таъсир қилиш, миллатнинг урф-одатлари, қадрият ва тарихий хотирасини йўқотишга ҳаракатлари ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, республикамизга қарши қаратилган ахборот хуружларидан мақсад жамиятнинг тафаккурига таъсир кўрсатиш, одамларни бошқариш учун ўз миллий манфаатларига қарши боришга мажбурлашдир. Буни худди вирусли касалликка ўхшатиш мумкин. Тиббиётга оид китобларда ёзилишича, ҳужайрага ўхшаган вирус ДНК молекулалари ичига жойлашиб олиб, уларни бошқариш жараёнига таъсир қилади. Гарчи ҳужайранинг ташқи ҳолати ўзгармасда, амалда молекулалар ҳаракатини вирус бошқаради. Шу тарзда вирус ҳужайрага мустаҳкам ўрнашиб олиб, бутун организмга ёйилади ва сўнгра захар ажратиб чиқара бошлайди. Ахборот хуружида эса бошқарув идораларининг ҳаракатини бузиш, фаолиятини аста-секин издан чиқариш мақсадида давлатни четдан бошқарадиган “бешинчи колонна” (бирор-бир мамлакат ичида иш олиб боровчи бошқа давлатларнинг хоинлар гуруҳи) вирус ролини ўйнайди.

Маълумки, вирусли касалликнинг яширин даври тугаши билан организм ҳолсизланади ва унинг ўткир даври бошланади. Айнан мана шу давр организмнинг ҳалокатига сабаб бўлади. АҚШ Марказий разведка бошқармаси асосчиси ва собиқ директори А. Даллес томонидан таъкидланган ғоявий ҳаракатлар ҳам мавжуд давлат бошқаруви ҳамда жамиятни фалаж ҳолатига олиб келишга мўлжалланган эди. Кейинчалик жосус ва хоинлардан иборат “жамоат ташкилотлари” ёрдамида “демократияни таъминлаш” ниқоби остида мамлакатдаги вазият издан чиқарилади. Бунинг учун жараёнлар бошқарувини қўлга киритиш кифоя қилади. Бундан ташқари бу жараёнда давлат раҳбарлари, сиёсий арбобларнинг фикрлаши, феъл-атвори, мавжуд фавқулодда ҳаракат реакциялари илмий асосда ўрганилиб чиқилади. Шу билан бир қаторда ўз давлати манфаатларига қарши боровчи “муҳолифат” шакллантирилади ва мустақил ОАВ ташкил қилинади. Улар орқали демократия тартибларини жорий қилиш баҳонасида асосий эътибор ғарб турмуш тарзини тарғиб қилиш ва сингдиришга қаратилади¹. Шу ўринда айтиш жоизки, ахборот хуружида доимо аҳолининг зиёли қатлами ҳамда ёшлар нишонга олинади.

Шу жиҳатларни эътиборга олиб, республикада ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган қонунчилик жараёни таҳлил қилинганда, уни бугунги кундаги тегишли талабларнинг барчасига жавоб бера олмаслиги, шунингдек шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлиги керакли даражада таъминланмаганлиги маълум бўлди. Қонунчилигимизда замонавий ахборот технологияларида деструктив ахборот хуружларига қарши курашишга қаратилган ҳуқуқий нормаларни жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бундай ислохотлар ахборот хавфсизлигининг миллий хавфсизлик тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда давлатлар миллий хавфсизлик тизимида ахборот хавфсизлиги энг муҳим соҳалардан бири эканлиги маълум бўлмоқда, чунки ахборот технологияларининг ривожланиб

¹ Фатьянов В.М. Сетевые сообщества как пространство трансформации ценностных ориентации студенческой молодежи. Материалы XIII Международной научной конференции молодых ученых и аспирантов “Наука. Образование. Молодежь”. – Майкоп: редакционно-издательский отдел АГУ, 2016. – С. 178.

бориши, уларнинг янги шаклдаги ахборот тарқатиш воситаларига айланиб бораётганлиги, уларда мавжуд деструктив ахборотларга қарши курашишга эътибор қаратиш ҳар бир давлатнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлигига урғу берилмоқда.

1.2. Ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатлари

Маълумки, глобаллашувнинг асосий белгиларидан бири миллий чегараларнинг ахборот юзасидан ўз аҳамиятини йўқотиб боришидир. Ҳар қандай минтақани иқтисодий, ахборот ва хавфсизлик жиҳатидан жаҳон ҳудудининг ажралмас бўлагига айлантирган бу жараён ҳар бир миллат олдида ўзлигини сақлаб қолиш, давлатлар учун эса манфаатлар тўқнашувида ўз ўрнини топиш масаласини кўндаланг қўймоқда. Миллатни миллат, давлатни давлат сифатида сақланиб қолишида мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий қудрати билан бир қаторда унинг глобал ахборот майдонидаги ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиши, турли ахборот хуружларига қарши тура олиши, бир сўз билан айтганда, ахборот хавфсизлигининг қай даражада таъминлангани ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон сахнида ўзининг етарли мавқеига ҳали эга бўлмаган, халқаро сиёсатга таъсир этишнинг кенг имкониятларини қўлга киритиб улгурмаган, ривожланаётган давлатлар учун бу масала айниқса долзарбдир. Чунки айнан ўтиш даврида ахборот хуружлари, ижтимоий онгни эгаллаб олишга қаратилган тажовузлар, мамлакатнинг ахборот бошқарувини издан чиқаришга уринишлар доимий ва хатарли таҳдид бўлиб келган. Ҳаётнинг барча соҳаларида стратегик ресурс, ҳал қилувчи восита ва пировард мақсадга айланган ахборот бугун дунёни бошқармоқда десак муболаға бўлмас.

Куч-қудрат манбаи тўғрисида Шарқнинг “Куч – адолатда”, Ғарбнинг эса “Билим – бу куч” каби нақллари глобаллашган замоннинг бир нуқтасида кесишиб, “Куч – ахборотда” деган умумий бир қонуниятни шакллантирди. Вақтида ахборотга эга бўлган, ахборотга таъсир қилиш имконини топган ҳаммадан қудратлидир. Бошқача айтганда бугун одамлар онгини бошқариш, ижтимоий гуруҳ, миллат, элат, ҳаттоки бутун бир халқларни бўйсундириш, давлатларнинг сиёсий жараёнларига таъсир кўрсатиш учун энг универсал восита сифатида ахборот-коммуникация воситалари эътироф этилмоқда. Глобал ахборот оқимлари шиддат билан ҳудудий чегараларни парчалаб ташлаётган бир пайтда миллат, мамлакат ва давлат манфаатлари кўп жиҳатдан айнан ахборот соҳасидаги хавфсизлик билан боғлиқ бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам ахборот маконига таъсир этиш долзарб интилишлардан бирига айланмоқда. Бугун курашнинг бош майдони ахборот ҳудуди, асосий мақсад эса ер ёки бойлик эмас, балки инсон онгини эгаллашдир.

Ахборот макони асосий нишонга айланган экан, демак уни ҳимоя қилиш, ахборот таъсир ва хуружларга қарши тура олишнинг ҳам аҳамияти айни пайтда жуда муҳим.

Масаланинг яна бир аҳамиятли томонини алоҳида таъкидлаш лозим, ахборот хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг салмоқли бўлаги ва жамият барқарорлигининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Шиддаткор глобаллашув даврида воқелик ҳеч нима, алоқа эса ҳамма нарса, цивилизациянинг тақдири ахборот етказиб бериш тезлигига боғлиқ.

Зеро, “ҳозирги замонни тавсифловчи муҳим йўналишлардан бири – ахборот жараёнларнинг глобаллашувидир”¹. Ахборот ва ахборот технологиялари асрида давлатлар, қитъалар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий тўсиқларни бартараф этишга қодир ягона ахборот макони шаклланмоқда.

Демак, аввало, ахборот тушунчасининг ўзига таъриф берсак. Тор маънода “ахборот бу тақдим этилиш шаклидан қатъий назар, кишилар, нарсалар, фактлар, воқеа-ҳодисалар ва жараёнлар ҳақидаги маълумотлардир”.

Ахборот макони (“Information Space”) деганда эса ахборот ресурсларининг, ташкилий тузилмаларнинг (маълумотни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва тарқатиш институтлари) ҳамда шахс, жамият ва давлат фаол иштирок этадиган ахборот жараёнларининг ҳамжиҳатлиги тушунилади. Кенг миқёсда мазкур фикр, шунингдек, ахборот жамияти тушунчаси билан ҳам узвий боғлиқдир. Турли хил маълумотларни эркин оладиган, ҳеч қандай тўсиқларсиз ўзлаштирадиган ва эркин ОАВга эга жамият ахборот жамияти тушунчасини ўзида ифода этади².

Ахборотлар бошқа маҳсулот турларидан фарқли равишда бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

– ахборот захиралари мутлақо битмас-туганмасдир. Жамиятнинг ривожланиши ва ахборотга бўлган талабининг ортиб бориши уни камайтирмайди, аксинча ўстиради;

– ахборотдан фойдаланишнинг имконияти йўқолмайди, балки сақланади;

– ахборотни замонавий коммуникация воситалари орқали бир зумда исталган жойга етказиш мумкин. Аҳамиятлиси, бу жараён кўп вақт ёки муайян механизм талаб этмайди;

– ахборот мазмуни вақт ўтиши билан эскирмайди, тарихий факт бўлиб қолаверади;

– ахборот захиралари мустақил эмас, фақат бошқа захиралар билан бирлашган ҳолда ҳаракатланувчи куч сифатида намоён бўлади;

– ахборотнинг бундай хусусиятлари унинг мулк сифатидаги қийматини оширади ҳамда уни олиш, тасарруф этиш ва турли мақсадлар йўлида фойдаланиш истагини кучайтиради.

Маълумки, амалдаги қонунчилигимизга асосан олиш имкониятига кўра ахборотлар қуйидагича фарқланди:

– фуқаролик муомаласидаги ахборотлар;

– оммавий ахборотлар;

– олиш имконияти чекланган ахборотлар.

Фуқаролик муомаласидаги ахборотлар муайян шахсларга тегишли персонал маълумотлар ҳисобланади. Бундай ахборотга эга шахс уни ўз хоҳишига кўра тасарруф қилади, яъни бу ахборотни олиш имкони ва тартибини, амалдаги қонун ҳужжатлари доирасида, унинг ўзи белгилайди.

¹ Эрнazarов Қ.Т., Маматова Ё.М., Тошалиев И.Э., Эрнazarов Ш.Қ. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т.: 2002, – Б. 32.

² Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашр. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю. ва бошқ. – Т.: БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010. – Б. 26.

Шуниси эътиборлики, “жамиятда айланаётган ахборотларнинг катта қисмини айнан шахсга оид ахборотлар ташкил этади”¹.

Омма учун мўлжалланган, бевосита қонунчилик талабларига мувофиқ ҳужжатлаштирилган маълумотлар оммавий ахборотлар мажмуи ҳисобланади.

Давлат, жамият манфаатлари ёки эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотлар олиш имконияти чекланган ахборотлар тоифасига киради.

Ахборотларнинг бундай таснифини келтириш ахборот хавфсизлиги тушунчасини шахс, жамият ва давлат манфаатлари доирасида асослаш имконини беради.

Энди бевосита хавфсизлик тушунчаси хусусида тўхталсак. Хавфсизлик бу барча ҳимоя объектларининг ташқи ва ички хатарлардан ҳоли бўлган оптимал даражадаги ҳолатидир. “Хавфсизлик таъминланиш жиҳатидан миллий, минтақавий ва халқаро бўлиши мумкин”².

Миллий хавфсизлик муайян мамлакатнинг миллий кадриятлари, манфаатлари, турмуш тарзига, умуман суверен ривожланишига нисбатан реал ташқи ёки ички хатарлар мавжуд бўлмаган ёки йўқ қилинган ҳолат ҳисобланади.

Минтақавий хавфсизлик деганда, ҳудуддаги давлат ва халқларга уруш ёки бошқа хатарлар мавжуд бўлмаган барқарор вазият тушунилади.

Глобал ёки халқаро хавфсизлик эса халқаро муносабатлар жараёнида турли низолар, зиддиятлар ва бошқа таҳдидларнинг олди олинган ҳолатдир.

Таъминланиш соҳасига кўра хавфсизлик ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, экологик, гуманитар, инфорацион каби турларга ажратилади. Ундан ташқари хавфсизлик шахсга, жамиятга ва давлатга тегишли бўлиши мумкин³.

Маълумки, янги асрда жамият олдида турган энг долзарб масалалардан бири - ахборотлаштириш дастурини амалга ошириш ва илғор ахборот технологияларини жорий этиш; жаҳон ахборот интеграциясига қўшилишнинг энг асосий вазифаларидан бири эса жамиятнинг ахборот ресурслари захирасини ошириш ва инсон фаолиятида улардан фойдаланиш сифатини юксалтириш ҳисобланади.

Жаҳон ахборот ресурсларининг геометрик ўсиши, юқори ахборот тизимлари ва технологияларининг жадал ривожланиши муносабати билан, замонавий ахборотлашган жамиятда глобал тармоқларнинг улкан афзалликларидан фойдаланиш баробарида улардаги ахборот ресурсларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос муаммоларни ҳам ечишга тўғри келмоқда. Шу боисдан ҳам ахборотнинг махфийлиги ва бутунлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган барча ишларни амалга ошириш учун самарали воситаларни яратиш ва қўллаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан бирига айланган.

Ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш жараёнида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг йўлга қўйилиши, компьютер тармоқлари

¹ Волчинская Е. К. Защита персональных данных. Опыт правового регулирования. – Фонд защиты гласности МИД. “Галерея”. 2001, - С. 5.

² Мукаев Р. Т. Политология. Пособие для общеобразовательных учебных заведений. Москва. И. Д. “Дрофа”, 1997, - Б. 372.

³ Юкоридаги манбага қаранг.

орқали ахборотни қабул қилиб олиш ва узатишда алоқа воситаларидан фойдаланишнинг кенг жорий этилиши ҳамда ахборотлаштиришнинг жадал тараққиёти ахборот узатиш тизимларини, хусусан ахборотларни тасодифий ёки олдиндан кўзланган таҳдидлардан, рухсат этилмаган фойдаланишлардан, ўчириб ташлашдан сақлаш ёки ҳимояланган ахборотларни мадификация қилиш, яъни ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммосини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлиги, аввало, ахборот технологиялари тизимларининг хавфсизлиги, муайян шахс, ташкилот ёки давлат идорасига тегишли ахборотларнинг дахлсизлиги, яъни маълумотлар базасидаги ахборотларнинг компьютер вируслари ҳамда турли хуружлардан ҳимоя қилинганлиги билан боғлиқ. Демак “ахборот хавфсизлиги деганда дастлаб ахборот жараёнининг ахборот соҳаси объектларига уларни йўқ қилиш, тўсиш, чалкаштириш, тузатиш, таништириш мақсадида муайян тасодифий ва атайлаб қилинадиган таъсирлардан ва бошқа рухсат этилмаган ҳаракатлардан муҳофаза қилинганлик ҳолати тушунилади”¹.

Бирок, айти пайтда ахборот соҳасига таъсир этиши ва ахборот хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган манбалар фақат ахборот технологиялари билан боғлиқ эмас. Ахборот технологиялари ва ахборот менежменти юқори даражада ривожланган мамлакатлар ўзидаги бу устунликдан ижтимоий онгга таъсир этиш йўлида фойдаланишдан манфаатдор. Бундай ҳаракатлардан кўзланган мақсад информацион, сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳарбий экспансиядан иборат бўлиб, халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан чекланмаган замонавий курул тури – ахборотдан фойдаланишни назарда тутди².

Бугунги кунда ҳар қандай ахборот яшин тезлигида дунёнинг турли чеккаларига етиб бориши, миллионлаб одамлар ундан бир зумда хабар топиши оддий ҳол бўлиб қолган. Бундай одатийликнинг қулайликлари билан бир қаторда салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган хавфли томонлари ҳам бор. “Чунки сир эмаски баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади”³.

Ер юзида бугун етти миллиарддан зиёд одам истиқомат қилаётган бўлса, уларга етказилаётган ахборот унданда кўп. Булардан қай бири холис, қайсиниси кимнинг манфаатлари учун хизмат қилади? Ушбу саволларга ҳар бир фуқаро учун ҳар бир ахборот юзасидан жавоб қайтаришнинг ёки буни энг минимал даражада амалга оширишнинг имкони йўқ.

Масаланинг яна бир томони шундаки, жамиятда абсолют кўпчиликнинг манфаатларини кенг даражада ҳимоя қилиш мумкин эмас. Боиси, ҳар бир доира, ҳар бир ижтимоий гуруҳ, ҳар бир шахснинг манфаатлари турлича бўлади ва бу ранг-барангликда маълум манфаатлар тўқнаш келиши табиий.

¹ Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида Низом. 1999, - Б. 2.

² Аль-Бухари Мухаммад Абдусаттор. Общественные отношения как цель международного информационного обмена. -Т.: ТашГИВ. 2000, - Б. 42-43.

³ Каримов И.А. “Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин” // Баркамол авлод орзуси (Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида публицистик мулоҳазалар) – Т.: “Шарк”, 1998, - Б. 33.

Шунинг учун бу ерда барча манфаатлар ҳимоялангани эмас, балки ушбу манфаатлар оптимал мувозанатга келган ҳолат тўғрисида гапириш маъқулроқ.

Шу нуқтаи назардан ёндашсак, *ахборот хавфсизлиги* деганда ахборот соҳасидаги миллий манфаатларнинг ҳимоялангани тушунилиб, булар шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мутаносиблиги билан белгиланади. Яъни жамиятда ахборот муҳитининг фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаатлари доирасида шаклланиши, фойдаланилиши ва ривожланишини таъминлайдиган ҳимояланганлик ҳолати ахборот хавфсизлиги ҳисобланади. Ахборот хавфсизлиги муаммоси давлат ва жамиятнинг барча соҳалари – иқтисодиёт, сиёсат, илм-фан, маданият, миллий ва халқаро хавфсизликнинг сифатли ахборот алмашинуви, ахборот ва телекоммуникация тизими, технология ва воситаларига тобе бўлиб қолганига асосланади. Мазкур ҳолат шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг ҳимоя механизмлари мажмуининг ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилиши билан боғлиқдир. “Булар таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этишни таъминлайдиган ташкилий, техник, дастурий, ижтимоий, ҳуқуқий механизмлар бўлиши мумкин”¹.

Шу ўринда *шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари* нималардан иборат эканлигини аниқлаштириб оласак.

Шахснинг ахборот соҳасидаги манфаатлари унинг ахборотга эга бўлиш, қонунан тақиқланмаган фаолиятни, яъни жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланиш жараёнида ахборотдан фойдаланиш борасидаги конституцион ҳуқуқларининг амалга оширилишининг таъминланишини назарда тутаяди. Шу билан бирга шахснинг ахборот билан боғлиқ муҳим эҳтиёжларидан бири унинг шахсий хавфсизлигини таъминлайдиган персонал маълумотларнинг ҳимояланганидир.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши зарур шароитлари ва кафолатларини яратиш, шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, худди шунингдек шахсий ҳаётига тааллуқли сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар бу ахборотдан

¹ Мухаммадиев Ж.Ў. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар: Монография. – Т.: 2011. - Б. 25.

фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллиф номи фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Жамиятнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари қуйидагича изоҳланади:

– қонунга хилоф равишда ижтимоий онгга ахборот воситасида руҳий таъсир кўрсатишга, уни чалғитишга йўл қўймаслик;

– жамиятнинг маънавий, маданий ва тарихий бойликларини, мамлакатнинг илмий ва илмий-техникавий салоҳиятини асраш ҳамда ривожлантириш;

– миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни бузишга қаратилган ахборот экспансиясига қарши ҳаракат тизимини барпо этиш;

– мамлакатда кечаётган маънавий янгиланиш жараёнларида ижтимоий ҳамжиҳатликка эришиш.

Умуман олганда жамиятнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари шахс манфаатларининг давомий қисми сифатида ижтимоий мувозанатга эришиш ва уни сақлаб туришда ўз аксини топади.

Давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари эса қуйидаги жиҳатларни ўз ичига олади:

– ахборот хавфсизлигига нисбатан мавжуд таҳдидларга қарши ҳаракатлар юзасидан иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа турдаги чоратadbирларни амалга ошириш;

– давлат сирларини ва давлат ахборот ресурсларини рухсатсиз тарзда фойдаланишдан муҳофаза қилиш;

– конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитликни, давлат суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очикдан-очик даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатларни амалга ошириш.

Соддароқ қилиб айтганда, давлат манфаатлари ахборот инфратузилмасининг уйғун ривожланиши, шахс ва фуқароларнинг ахборот олиш ва ундан давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига дахл этмаган ҳолда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш йўлида фойдаланиш борасидаги конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш, қатъий ҳуқуқий тартибни ўрнатиш, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

“Ахборот хавфсизлиги тушунчаси ахборот маконининг фуқаролар, ташкилотлар ва давлат манфаати йўлида шаклланиши ва ривожланишини таъминловчи ҳолат сифатида изоҳланади”¹.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлат ахборот инфратузилмасининг ривожланиши жамият ва давлатнинг барча жабҳаларини, жумладан, одамларнинг дунёқарашини ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш шартларини ўзгартириб, жамият ривожланишини тезлаштиради. Глобаллашув ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув ҳам шахс даражасида, ҳам давлат даражасида ташқи дунё билан алоқаларни мисли кўрилмаган даражада кенгайтириб юборди. Бу эса ўз навбатида замонавий ахборот маконида ҳаракат қилишни мураккаблаштириб, ички ва ташқи ахборот алмашинувида бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Жумладан, шахсий, тижорат ва давлат сирларининг, умуман миллий ахборот захираларининг назоратсиз чиқиб кетиши ҳамда нотўғри ахборотлар тизимининг назоратсиз мамлакат ҳудудларига кириб келиши. Шу жиҳатдан олиб қараганда, мамлакат ҳудудида мавжуд бўлган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, фуқаролар умуман жамиятда истеъмолда бўлган ахборотларнинг эркин ва қонуний айланишини ҳимоя қилиш ва таъминлаш ҳам ахборот хавфсизлигининг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Жамият бошқарувида ахборот билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш учун давлат органлари ва бошқа ижтимоий институтларда ўз вақтида зарур ва тезкор ахборот таъминотининг амалга оширилиши, махфий ахборотнинг яхши ҳимоялангани, ахборот хуружларининг потенциал таҳдидлари ўрганилгани ва “мудофаа” чоралари кўрилгани ахборот хавфсизлигининг таркибий қисмлари сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Бугун дунё сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий қадриятлар соҳасида глобаллашув томон юз бураётган бир пайтда ҳар бир давлат ўзининг миллий манфаатларини таъминлашга, ўз негизларидан узоқлашиб кетмаслик ва жаҳон саҳнидаги бошқа қудратли объектлар таъсирига тушиб қолмасликка интилоқда. Чунки глобаллашувнинг илмий-техник тараққиёт билан бирга кечаётгани, ҳам давлат даражасида, ҳам шахс даражасида ташқи дунё билан алоқаларнинг кенгайиб бориши мамлакатнинг ахборот инфратузилмасига нисбатан регионал ва глобал таҳдидларнинг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Ахборот технологияларининг жадал суръатлар билан ривожланиши, ижтимоий жараённинг глобаллашуви, ахборот телекоммуникациялар соҳасида инқилобий ўзгаришларнинг амалга ошиши инсоният жамиятида қатор муаммоларни келтириб чиқарди. Жумладан, компьютер тизимларининг яратилиши ва ахборот тармоқларининг пайдо бўлиши ахборот тизимлари ва тармоқларининг хавфсизлиги муаммосини юзага келтирди”².

Ахборот хавфсизлигининг моҳияти – ҳимоя объектларининг оптимал ҳолати, унинг хатар манбалари ва хусусиятлари аниқланганлиги билан белгиланади. Шу билан бирга хавфсизликни таъминлаш йўллари ва усуллари масаласига аниқлик киртилиши талаб этилади. Ундан кейин бу борадаги чора-

¹ Аль-Бухари Мухаммад Абдусаттор. Общественные отношения как цель международного информационного обмена. Т.: ТашГИВ. 2000. - С. 55.

² Борсиков В.С., Водолазкий В.В. Современной технологии безопасности. Москва: “Нолидж”, 2000. - С. 18.

тадбирларни йўлга қўйишнинг ташкилий ва таркибий жиҳатлари таҳлил қилиниши керак.

Ахборот хавфсизлиги муаммоларининг ечими учун фойдаланиладиган ташкилий чора-тадбирлар ва тартиблар ахборот тизимларини йўналтиришда ва лойиҳаларнинг барча босқичларида ҳал қилинади. Улар орасида энг муҳими – ҳимояланаётган ахборот тизими жойлашган объектни кўриқлашдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, аввало, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳимояга муҳтож асосий объектларни белгилаб олсак. Бу борада биринчи ўринда турадиган категория шубҳасиз, ижтимоий онгдир. Чунки ижтимоий онг доимий равишда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари ҳамда турли ахборот манбалари таъсирида бўлиши билан хусусиятли. Бундан ташқари омма биргина электорат сифатида намоён бўлиш билан чекланмайди. Яъни ижтимоий онгга ҳокимият учун кураш олиб бораётган доиралардан ташқари ҳам кўплаб таъсир ўтказишни истовчи кучлар мавжуд.

Ахборот тизимининг ижтимоий онгдан бошқа объектлари:

– сиёсий қарорлар қабул қилиш тизими. Мазкур соҳада кўп нарса вақтида етказилган ва ишончли ахборотга боғлиқ;

– жамоатчилик фикрини шакллантириш тизими;

– сақлаш шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, давлат сири, олиш чекланган тижорат сири ва бошқа ошкор қилиб бўлмайдиган маълумотларни ўз ичига олган ахборот маҳсулотлари;

– ҳар хил даража ва кўрсаткичли ахборот тизимларини ўз ичига олган, ахборот маҳсулотларини қайта ишлаш, тарқатиш, улардан фойдаланиш тизимлари, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари;

– ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва узатишнинг тартиб ва жараёнлари;

– фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ахборот олиш, тарқатиш ва фойдаланиш, яширин ахборотларни ҳамда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

– ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, сақлаш, узатиш марказларини, воситаларини, технологияларини, жумладан, ахборот алмашиш тармоқлари иш фаолиятини таъминлаш механизмлари.

“Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари тасодифий ва олдиндан кўзланган бўлиши мумкин”¹. Дастурий таъминотдаги камчиликлар, техник воситаларнинг носозлиги, малаканинг етишмаслиги ёки фойдаланувчининг хатолари тасодифий таҳдидлар ҳисобланади. Олдиндан кўзланган таҳдидлар эса ахборот захираларига зарар етказиш мақсадида атайин амалга оширилади. Улар фаол (актив) ва нофаол (пассив) бўлади. Нофаол таҳдидларга ахборот захираларидан уларнинг вазифаларига таъсир кўрсатмаган ҳолда рухсат берилмаган фойдаланишга бўлган интилишлар киради.

Техник ва дастур воситаларига, ахборот захираларига таъсир қилиш йўли билан тизимнинг мўътадил фаолиятини бузишга қаратилган таҳдидлар фаол таҳдидлар ҳисобланади.

¹ Галатенко В.А. Основы информационной безопасности. - М.: Интернет - Университет информационных технологий, 2005. // URL-адрес: www.intuit.ru.

Маълумки, хавфни бартараф этишнинг энг осон йўли, шу хавфни олдиндан аниқлаб, унга қарши эҳтиёт чораларини қўллаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳам соҳага нисбатан потенциал таҳдид манбаларини аниқлаш ва ҳимоя чораларини қўллаш бирламчи вазифалардан ҳисобланади.

Мутахассисларнинг эътирофи этишича, ахборот хавфсизлигининг долзарб муаммога айланишига асосан ташқи манбалар сабаб бўлган. Чунки, бугун замонавий дунёга эгаллик қилиш учун курашнинг асосий воситаси сифатида ахборот тилга олинмоқда. Бундай вазиятда ахборот технологиялари ва ахборот бошқаруви юксак даражада тараққий этган давлатлар ўзидаги бу устунликдан ижтимоий онгга таъсир кўрсатиш йўлида фойдаланишдан том маънода манфаатдор ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдид манбалари ички ва ташқи манбаларга бўлинади¹.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ташқи манбалари:

- чет эл жосуслик ва махсус хизматларининг фаолияти;
- чет эл оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари;
- халқаро гуруҳлар, тузилмалар ва алоҳида шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари;
- ахборот тарқатиш ва фойдаланиш бўйича хорижий давлатлар сиёсатининг амалга оширилиши;
- табиий офатлар ва фожеалар.

Ахборот хавфсизлигига таҳдиднинг ички манбалари:

- сиёсий, иқтисодий ва жамоат ташкилотларининг, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг ахборот тўплаш, тарқатиш ва фойдаланиш соҳасидаги ноқонуний фаолиятлари;
- ахборот соҳасида фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келувчи давлат тизимларининг қонуний ҳаракатлари ва кўзда тутилмаган хатолари;
- ахборот тизимларининг дастурий-техник воситаларининг базавий технологияларини яратиш, синаш ва ишлаб чиқариш бўйича маҳаллий саноатнинг талаб даражасида эмаслиги.

Ахборот маконининг вужудга келиши нафақат уни бўлиб олиш, балки унда кечаётган жараёнларни назорат қилиш ва бошқаришни хоҳловчи томонларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу гуруҳларнинг кураш воситаси ҳам айнан ахборот қуролидир. Таҳлилчилар ахборот қуроли деганда одамларга руҳий таъсир кўрсатадиган ва уларнинг устидан назорат қилиш имконини берувчи воситаларни, компьютер вирусларини, мантиқий бомба, телекоммуникация тармоқларида ахборот алмашинувини бостирувчи мосламаларни, давлат ва ҳарбий соҳаларни бошқаришда ахборотларни сохталаштириш каби ҳаракатларни назарда тутишади.

Ахборот хавфсизлигига нисбатан таҳдидларнинг асосий таъсир воситаси бир марталик ташвиқот акциялари, узоқ муддатли тарғибот кампаниялари,

¹ Ярочкин В.И. Информационная безопасность: Учебник для студентов вузов. — М.: Академический Проект; Гаудеамус, 2-е изд. 2004. — С. 26.

мафкуравий таъйик, ахборот экспансияси каби ахборот-ғоявий таъсир воситалари ҳисобланади.

Ахборот-ғоявий таъсир асосан қуйидаги усуллар орқали амалга оширилади:

- дискредитация – воқеанинг аҳамиятини пасайтириб бериш;
- дезинформация – ахборотнинг маъносини ўзгартирган ҳолда тақдим этиш;
- тухмат;
- эътиборни чалғитиш;
- фактларни манфаат учун бузиб талқин қилиш.

Ахборот-ғоявий таъсир оммавий ахборот ва глобал коммуникация воситалари орқали амалга оширилади ҳамда давлатнинг ички сиёсатига ишончсизлик уйғотиш, ички ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, муҳолиф кайфиятларни кўзғатиш, ҳаттоки исёнга ундаш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашган ахборот майдонида руҳий-информацион таъсир воситаларини тўлиқ чеклаш ёки назорат қилиш имконсиз. Демократик бошқарув, фикрлар хилма-хиллиги бунга йўл қўймайди. Аслида тарқатилаётган ҳар бир ахборот қайта-қайта текширилган бўлиши керак. Аммо реаллик бу саробни амалга оширишга йўл қўймайди. Шунинг учун муаммонинг бошқа ечимларини излаган маъқул. Яъни:

Биринчидан, ташқи таҳдид кучларига нисбатан муносабатни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, фуқароларнинг билимини ва таҳлил қилиш маҳоратини ўстириш лозим. Токи уларнинг ўзи оқни қорадан ажратиш олиш имкониятига эга бўлсин.

Учинчидан, ахборот оқимида жамият ва давлат манфаатларига мос бўлган ахборотни одамлар тезроқ қабул қиладиган ва ишонадиган даражага олиб чиқиш. Агар бу вазифа етарли даражада амалга оширилса, салбий ахборотларнинг ижтимоий онгга таъсири кескин тушиб кетади.

Тўртинчидан, миллий ОАВга ишончни ошириш. Чунки, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг муҳим шартлари жамиятда ахборот тақчиллигини бартараф этиш масаласи билан боғлиқ. Агар аҳоли маҳаллий ОАВга ишонмаса, уларни асосий ахборот манбаи сифатида қабул қилмаса, бошқа манбаларни излаши табиий.

Бешинчидан, ахборот бошқаруви ва технологиялари соҳасини малакали кадрлар билан таъминлаш.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувининг кучайиши улардан глобал ахборот майдонида ўз имижини яратишни талаб қилмоқда. Чунки глобаллашув инсон ҳаётини қанчалик шиддаткор қилмасин, ҳар бир миллатнинг ўзига хослиги, миллий қадрият ва анъаналарига содиқлиги, умуман, унинг миллат сифатида ўзлигини сақлаб қолишига жиддий таҳдид солмоқда. Шунинг учун ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бугун нафақат ривожланаётган, балки дунёнинг етакчи давлатларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Негаки, ахборот қуроллари ривожланиб бораётган бир пайтда, уни чеклаш, тартибга

солиш ёки назорат қилиш бўйича ҳеч қандай халқаро нормалар ишлаб чиқилмаган. Бундай вазиятда ҳар бир давлат ўзининг жаҳонда тутган ўрни, мақсад-интилишлари ва миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хуружларидан сақланиш ва уларга қарши курашиш масаласида ўзича иш олиб бормоқда. Бинобарин, мамлакатнинг барқарор ривожланиши, жамиятни бунёдкорлик йўлида бирлаштириш, халқ ишончи ва хотиржамлигини сақлашда ахборот соҳасидаги хавфсизликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, ҳар қандай ривожланаётган мамлакатда ислохотларнинг самараси, тараққиёт натижаларининг қай даражада кўзга ташланиши ҳам кўп жиҳатдан ушбу юртда шаклланган мафкура ва аҳоли томонидан ҳукуматнинг фаол қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ. Демак, бу жараён ҳам жамиятдаги ахборот тизимларининг оптимал даражада фаолият юритишини талаб этади.

Ахборотлаштириш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг замонавий тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини яратишга қаратилган¹.

“Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз олиш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди². Дарҳақиқат, 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган бу қонунда³ “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати ахборот соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишларини белгилайди” деб белгиланган.

Ахборот хавфсизлиги – кўп қиррали фаолият соҳаси бўлиб, унга фақат тизимли, комплекс ёндашув муваффақият келтириши мумкин. Ушбу муаммони ҳал этишда ҳуқуқий, маъмурий, процедурали ва дастурий-техник чоралар қўлланилади.

Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар даражасига кўра қуйидагича тоифаланиши мумкин⁴:

а) шахс учун:

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – №1–2. – 10-м.

² Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:, 2010.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабрь 439-П-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –2003. – №1. –2-м.

⁴ Ахборот хавфсизлиги асослари. Маърузалар курси // физика-математика фанлари номзоди, катта илмий ходим И.М.Каримовнинг умумий тахрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 15-16.

– ахборотларни қидириш, олиш, узатиш, ишлаб чиқиш ва тарқатиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилиши;

– фуқароларни шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқидан маҳрум қилиш;

– ғайриихтиёрий зарарли ахборотлардан фуқароларнинг ўз соғлиқларини ҳимоя қилиш ҳуқуқлари бузилиши;

– интеллектуал мулк объектларига таҳдид.

б) жамият учун:

– ахборотлаштирилган жамиятни қуришга тўсиқлар;

– жамиятнинг маънавий янгиланиши, унинг маънавий бойликларини сақлаш, фидойилик ва холислик, мамлакатнинг кўп асрлик маънавий анъаналарини ривожлантириш, миллий, маданий меросни тарғиб қилиш, ахлоқ меъёрлари каби ҳуқуқларидан маҳрум этиш;

– замонавий телекоммуникация технологияларининг тараққий этиши, мамлакат илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва сақлаб қолишга қаршилик қилувчи муҳитни яратиш.

в) давлат учун:

– шахс ва жамият манфаатлари ҳимоясига қарши ҳаракатлар;

– ҳуқуқий давлат қуришга қарши қаратилган ҳаракатлар;

– давлат бошқаруви органлари устидан жамоат назорати институтларини шакллантиришга қарши ҳаракатлар;

– шахс, жамият ва давлат манфаатларини таъминловчи давлат бошқаруви органлари томонидан қарорларни тайёрлаш, қабул қилиш ва татбиқ этиш тизимини шакллантиришга қаршилик;

– давлат ахборот тизимлари ва ресурслари ҳимоясига тўсиқлар;

– мамлакатнинг ягона ахборот муҳити ҳимоясига қарши ҳаракатлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатлари умумий ҳолда миллий манфаатларни ўзида қамраб олади. Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш эса ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг икки муҳим жиҳати (техник ва ғоявий-мафкуравий) орқали амалга оширилади.

1.3. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник ва ғоявий-мафкуравий жиҳатлари

Ҳозирги кунда хавфсизлик муаммоларини тизимли равишда ўрганишга катта эътибор берилмоқда. Хусусан, ахборот хавфсизлиги соҳасининг, нафақат, техник жиҳатларига, балки ғоявий-мафкуравий жиҳатларига ҳам аҳамият қаратилаётганлигини айтиш мумкин.

Монографиянинг ушбу қисмида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник ва ғоявий-мафкуравий жиҳатларини алоҳида ажратган ҳолда кўриб чиқамиз ва уларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ўзига хослигини белгилаймиз.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг умумий усуллари ҳуқуқий, ташкилий-техник ва ғоявий-мафкуравий гуруҳларга бўлинади. Ахборот

хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий усуллари жумласига ахборот соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир дастурлар, стратегиялар ишлаб чиқишни киритиш мумкин.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтадиган бўлсак, ҳозирги кунда давлатлардан ахборот инфратузилмаси объектларининг хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиш зурурлигини тақозо этмоқда. Бироқ, мазкур масала ўта мураккаб ва кенг қамровли бўлиб, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳозиргача жуда кўплаб тадқиқотлар, ишланмалар, йўриқномалар, қонунлар ва бошқа шу кабилар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган. Мисол сифатида, Ўзбекистон Республикаси Давлат стандарти томонидан 2008 йилда жорий этилиб, 2016 йилда қайта ишланган “Хавфсизликни таъминлаш методлар ва воситалари. Ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш мезонлари” стандартини¹ келтириб ўтишимиз мумкин. Шу билан бирга бу соҳа бўйича халқаро ташкилотлар ҳам тузилган ва улар ҳозирги кунда ҳам фаолият олиб бормоқдалар.

1990 йилдан бошлаб мазкур масалага жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Маълумки, шу йили Халқаро стандартлаш ташкилоти (ISO) ва АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия ва Нидерландиянинг давлат муассасалари ҳамкорлигида ахборот технологиялари (АТ) хавфсизлигини баҳолаш борасида “Умумий мезонлар” (УМ) номини олган халқаро ҳужжатни ишлаб чиқишга киришдилар. Ушбу мезонни ишлаб чиқишдан асосий мақсад куйидагиларда намоён бўлади:

- АТ хавфсизлигини баҳолаш миллий стандартларни бир хиллаштириш;
- АТ хавфсизлигини баҳолашга бўлган ишончлилик даражасини ошириш;
- сертификатларни ўзаро тан олиш орқали АТ хавфсизлигини баҳолаш учун кетадиган сарф-харажатларни қисқартириш.

Умумий қоидалар мазкур стандартлар асосида АТ хавфсизлигини баҳолаш натижаларини халқаро майдонда ўзаро тан олиш масалаларига қаратилган.

Бу борада қатор изланишлар олиб борилиб, 1998 йилда умумий мезонга мос келувчи олинган баҳоларни ўзаро тан олиш борасида Канада, Буюк Британия, Франция, Германия ва АҚШ муассасалари ўзаро келишув – The International Mutual Recognition Arrangement (MRA) имзолайдилар. Келишувга қўшилган давлатларда ахборот билан ишловчи ташкилотлар шартнома талабларини қаноатлантирувчи АТ тизимлари ва маҳсулотларига берилган сертификатларни умумий мезон асосида ўзаро тан олишни келишиб оладилар. МРАда ўрнатилган қоидалар томонларга УМга мос сертификатларни тан олиш ҳамда бундай сертификатларни бериш сифатида қўшилиш имконини беради.

¹ О'z DSt ISO/IEC 15408-1:2016. Информационная технология. Методы обеспечения безопасности. Критерии оценки безопасности информационных технологий. Часть 1: Введение и общая модель. Агентство “УЗСТАНДАРТ” Узбекское агентство стандартизации, метрологии и сертификации // URL-адрес: <http://www.standart.uz/ru/page/view?id=143>

1999 йил 1 декабрда ISO/IEC 15408 рақам остида халқаро стандартни қабул қилди¹.

2000 йилнинг май ойига келиб 14 та давлат (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Германия, Нидерландия, Италия, Греция, Испания, Швеция, Норвегия, Финляндия, Австралия ва Янги Зеландия) вакиллари томонидан МРАга нисбатан универсалроқ CCRA (Arrangement of the Recognition of Common Criteria Certificates in the field of Information Technology Security) келишувини имзолайдилар. CCRA келишуви янги иштирокчи давлатларнинг кўшилиш имкониятларини кенгайтирди. 2001 йилда мазкур келишувга Исроил, 2002 йилда Австрия, 2003 йилда Туркия, Япония ва Венгрия давлатлари кўшилди.

CCRA келишувига мувофиқ умумий мезон сертификатларини тан олиш ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш қабул қилинган баҳолаш усулларини қўллаш орқали амалга оширилганлигига асосланиши лозим. CCRA келишувида баҳолаш методи ҳужжати сифатида баҳолашнинг умумий услубияти (БУУ) қабул қилинган.

Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар ахборот хавфсизлигини техник жиҳатдан таъминлаш ва баҳолашда муҳим омиллардан бири саналади.

Республикамизда ҳам миллий хавфсизлик билан бир қаторда ахборот хавфсизлиги масалаларига ҳам эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси 2008 йилда юқорида тилга олинган ҳужжатга кўшилган².

Бирок, ушбу мезонларни ахборот хавфсизлигининг ғоявий-мафкуравий таҳдидларига нисбатан қўллаб бўлмайти. Сабаби, турли давлат ва ташкилотлар томонидан тарқатилаётган маълумотлар умуммиллий кадриятларга доимо мос келмайти. Афсуски, аксарият ҳолларда оммавий ахборот воситаларида бир томонлама ёндашилган маълумотлар тарқатилиш ҳоллари кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатлар манфаатлари билан бевосита боғлиқ.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда ахборот хавфсизлигини техник жиҳатдан таъминлашдаги асосий соҳаларидан бири банк тизими бўлиб, унда банк ва банк миждозларининг маълумотларини сақлаш масалалари билан боғлиқ хавфсизликни таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларининг шиддат билан ривожланиши кибержиноятчиликни кенгайтишига имконият яратиб бермоқда. Мазкур ҳолат эса ўз навбатида бу йўналиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруратини келтириб чиқармоқда.

Маълумки, “Кибержиноятчилик” – бу ноқонуний хатти-ҳаракатларни компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда маълум шахс ёки гуруҳлар томонидан амалга оширилишини англатади. Яъни, кибержиноятга ахборот

¹ Information technology – Security techniques –Evaluation Criteria for IT Security. Part 1: Introduction and general model. ISO/IEC 15408_1:1999.

Information technology – Security techniques –Evaluation Criteria for IT Security. Part 2: Security functional requirements. ISO/IEC 15408_2: 1999.

Information technology – Security techniques –Evaluation Criteria for IT Security. Part 3: Security assurance requirements. ISO/IEC 15408_3: 1999.

² Методы и средства обеспечения безопасности. Критерии оценки безопасности информационных технологий. Государственный стандарт Узбекистана. – Т.: Узбекское агентство стандартизации, метрологии и сертификации, 2009. – С. 53.

оламидаги жиноят тури сифатида қараш мумкин. Кибержиноят ўз ўрнида миллий ва глобал миқёсга бўлинади.

Кибержиноятнинг объекти – бу ахборот сақловчи қурилмаларда сақланаётган маълумотлар ва ахборотлардир.

Маълумотларга кўра, кибержиноятчиликнинг аксарият қисми банк тизими ва муаллифлик ҳуқуқлари соҳасида содир этилмоқда¹.

Кўплаб экспертларнинг фикрича, банк тизимида амалга оширилаётган кибержиноятлар асосан банкдан маълумот ва хабарларни, моддий пул маблағларни ўғирлаш кўринишида намоён бўлмоқда. Бундай жиноятларни амалга оширишда қандай усуллардан фойдаланилаётганлигини аниқлаш ва уларнинг ечимларини топиш қатор тадқиқотчиларни қизиқтирмоқда.

Банкларда банк ходими ва мижозларига тегишли бўлган маълумотлар қуйидагича таснифланади:

- банк мижозларининг ҳисоб рақамлари;
- электрон қурилмалар ва компьютердаги ҳисоб қайдномалари;
- ҳисоб рақамларига кириш ҳуқуқини берувчи шахсий маълумотлар;
- шахсий маълумотлар, жумладан туғилган кун ва давлат томонидан берилган ҳужжатларининг идентификацион рақамлари;
- шахсий маълумотларнинг ўғирланишини олдини олиш учун ҳисоб қайдномаси эгаси томонидан киритилган махфий рақам – PIN кодлари ва бошқалар.

Маълумки, шахсий маълумотларни сақлаш учун ҳар бир мижозга банклар томонидан махфий рақам – PIN код берилади. Бу махфий код эса мижозларга ўз ҳисоб рақамидаги маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, аксарият жиноятлар мижоз PIN кодини ўғирлаш масалалари билан боғлиқ. Ҳозирги кунда PIN кодларини ўғирлашда қуйидаги усуллардан кенг фойдаланилмоқда:

- яширин камералар орқали;
- компьютер “фишинги” орқали;
- қалбаки банк қурилмалари орқали ва бошқалар.

Шу билан бир қаторда шахсларга тегишли бошқа маълумотларни ўғирлаш ҳоллари ҳам кибержиноятчиларнинг асосий мақсадларидан бири саналади. Маълумотларга кўра, сўнгги 15 йил давомида шахсий маълумотларнинг ўғирланиши АҚШда энг кенг тарқалган жиноят тури бўлиб келмоқда².

Ҳозирги вақтда шахсий маълумотларнинг ўғирланиши халқаро жинойий синдикатлар томонидан амалга оширилаётганлиги ҳам диққатга сазовор. Бу эса, ўз навбатида, давлатлараро муносабатларга ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, ахборот технологияларини жадаллик билан ривожланиб бориши банк соҳасида ҳам хавфсизликни таъминлашга эҳтиёж туғдирмоқда.

¹ Голубев В.А. Компьютерная преступность - угрозы и прогнозы // URL-адрес: http://www.crime-research.ru/interviews/golubev_interv06. Дата: 08.02.2007.

² Marilyn Tremaine. A Business Model for Evaluating the Feasibility of Keypad Biometrics to Prevent Identity Theft // Report. Rutgers the State University of New Jersey.

Хусусан, ҳозирги кунда банк соҳасида хавфсизликни таъминлаш уч босқичда амалга оширилмоқда:

- белги (идентификацион карта, смарт-карта ва ҳоказо);
- калит сўз (PIN коди, кредит карта рақами ва ҳоказо);
- иккиламчи калит сўз (қўшимча PIN код, шу коднинг амал қилиш муддатининг тугаш санаси ва ҳоказо).

Табиийки, ушбу тизимлар билан боғлиқ муаммолар ҳам мавжуд. Муаммо – калит сўзларни бошқа шахсларга айтилиши ёки ўғирланиши билан боғлиқ. Масалан, яқин қариндошларга пластик карточкаларни фойдаланиш учун берилиши ёки пластик карталарга кўп ҳолларда жуда қисқа код (0 ёки 1 сонлари) ва калит сўзларни олишимиз мумкин. Бу ҳолатлар банк тизимида хавфсизликни таъминлашда муаммоларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда банк фаолиятида ахборот хавфсизлигини таъминлашга нисбатан икки хил ёндашув мавжуд. Яъни, банк хавфсизлигини таъминлаш халқаро стандартлар¹ ва ҳар бир давлатнинг ички имкониятлари асосида олиб борилади.

Айни пайтда АҚШ банкларида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг энг самарали ечими сифатида биометрик усуллардан фойдаланиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистондаги миллий банклар ҳам жаҳон банк тизимида ўзининг барқарор фаолиятини таъминлаб, мустаҳкам мавқега эга бўлиб бормоқда. Бу эса республикадаги банкларнинг ахборот хавфсизлигини яхши таъминланганлиги билан боғлиқдир. Бироқ, миллий банк тизимидаги жиноятлар асосан соҳа ходимлари томонидан амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, миллий банк тизимидаги ички ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- банк мижозлари орасида банк идентификацион белгиларини сир сақлаш кўникмасини шакллантириш;
- банклар ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида янги услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш;
- банк тизимида ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун махсус компьютер дастурларини ишлаб чиқиш ва улардан самарали фойдаланиш.

Таъкидлаш жоизки, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник жиҳатлари, асосан, электрон ахборот ресурсларини турли ноқонуний фойдаланишдан, тўлиқлигининг бузилишдан ва хакерлик ҳужумлари орқали олиб чиқиб кетилишидан ҳимоялаш вазифаларни ҳал этишга қаратилади.

Умуман олганда, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник жиҳатлари ўрганилаётганда, унинг объекти сифатида ахборот сақловчи, қайта ишловчи қурилмалар, тармоқлар, автоматлашган тизимлар қаралади. Ушбу тизимларга нисбатан қуйидаги таҳдидлар амалга оширилиши мумкин:

- техник қурилмаларни ишдан чиқариш;

¹ Қаранг: Умаров И. Ахборот хавфсизлигини баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари // “Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. 2012 йил 9 ноябрь.

- электрон маълумотлар ўғирлаш ёки ўзгартириш;
- тизимлар ва дастурларни ишдан чиқариш;
- шахсий мақсадларда хавфсизлик тўсиқларини бузиб кириш;
- алоқа каналларини ишдан чиқариш;
- сервис хизматларини тўхтатиш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий-мафкуравий жиҳатларига тўхталсак, ҳозирги глобаллашув шароитида оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти тобора ортиб, бугунги кунда реал ижтимоий-сиёсий омил сифатида нафақат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий масалаларга, балки миллатнинг маънавиятига, дунёқарашига ва маданиятига бевосита таъсир этмоқда. Бугунги кундаги замонавий ОАВнинг муҳим жиҳатларидан бири нафақат маълумотларни тарқатиш, балки ижтимоий фикр ва кадриятларни шакллантириш, уларни ҳимоя қилиш каби вазифаларни ҳам бажармоқда. Кўп ҳолларда ОАВ исонларнинг дидини, эҳтиёжларини, дунёқарашларини, қизиқишларини ва бошқа шу каби хусусиятларини белгилаб беради.

Агар ОАВга уларнинг асосий вазифаси бўлган маълумот тарқатиш нуқтаи назаридан қаралса, у ҳолда замонавий маънодаги тушунчада “объектив” ва “муस्ताқил” маълумотлар ўзларининг дастлабки қийматини йўқотади. ОАВнинг бундай ҳолатга тушишига асосий сабаб – бу уларнинг глобаллашув ва бозор шароитида фаолият олиб бораётганлигидир.

Ҳозирги кунда маълумотларнинг ишончлилигига оид масала долзарб муаммога айланиб қолган. Авваллари ишончсизликка асосий сабаб инсонлар билимининг камлиги ва янглиш талқин қилишлари бўлган бўлса, ҳозирги кунда бундай ишончсиз маълумотлар кўп ҳолларда ғараз мақсадларни назарда тутиб тарқатилмоқда. Бу эса маълумотлардан ишончли ҳимояланиш ҳамда уларнинг ишончлилиги бўйича текшириш ишларини олиб бориш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Инсонлар онгини ахборотнинг ғоявий-мафкуравий таъсиридан ҳимоя қилиш муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Айнан бу ҳолатда маънавий ва мафкуравий ахборотлар ҳужумидан фуқаролар онгини ҳимоя қилиш киради. Бундан келиб чиқадики, ғоявий-мафкуравий ахборот хавфсизлиги соҳаси давлатнинг қатъий назорати остида бўлиши билан бирга, уни тарқатилаётган турли хил маълумотлардан ҳимоя қилиши лозим. Шу сабабли, миллий хавфсизлик соҳасида ОАВни тартибга солиш ҳамда аниқ ва мақсадли тез мослашувчан сиёсатни амалга ошириш зарур бўлади.

Ғоявий-мафкуравий ахборот хавфсизлиги йўналишида эса тадқиқотлар жуда кам ўтказилган ёки аксарият тадқиқотлар ҳозирда ўтказилмоқда. Кўпгина тадқиқотларда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник жиҳатларига эътибор қаратилмоқда.

Лекин шундай бўлсада, олиб борилган тадқиқотларнинг айримлари халқаро ахборот хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Масалан, М.Либики¹ ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига халқаро микёсда юз бераётган ахборот ҳужумлардан давлатлар ахборот тузилмаларини ҳимоя қилиш юзасидан ёндашиб, бу ҳужумларни қуйидагича таснифлаган:

¹ Libicki M. What is information warfare? – Washington DC: NDU Press, 1995. – P. 104.

- бошқариладиган ахборот ҳужумлар;
- жосуслик ахборот ҳужумлари;
- электрон ҳужумлар;
- мафкуравий ахборот ҳужумлари;
- иқтисодий ахборот ҳужумлар.

М.Либики мафкуравий ахборот ҳужумларининг ташкил этилишини уч турга ажратади:

- фуқароларнинг онгини заҳарлаш;
- қуролли кучларнинг жанговор руҳини йўқотиш;
- бошқарув органлари фаолиятини издан чиқариш.

Бу ерда қайси соҳалар энг кўп ахборот ҳужумига нишон бўлиши аниқланса, у ҳолда ахборот ҳужумини тоифалаш имконияти янада ошади ва ахборот ҳужумини техник ёки ғоявий-мафкуравий қисмларини қайси бирига тегишли эканлигини яққол ажрата олиш имконияти пайдо бўлади. Ахборот хавфини тоифаларга ажратиб етарлича баҳоланмаса, оқибати башорат қилиб бўлмайдиган даражада сиёсий, иқтисодий, экологик ва моддий йўқотиш ва инқирозни келтириб чиқариши, ҳаттоки фуқаролар орасида қурбонлар бўлиши эҳтимоллигини ҳам ошириб юборади.

Ахборот хавфини баҳолашни бошлашдан олдин давлат ичида беқарорликни келтириб чиқариши мумкин бўлган энг муҳим омилларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ:

- ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги меъёрий ва ҳуқуқий вакуумлар;
- атайин ёки беҳосдан ахборот хавфсизлиги бўйича қонунчиликнинг бузилиши;
- турли миқёсдаги сиёсий ва ҳарбий низолар;
- жинсий гуруҳларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасига нисбатан муносабатларининг кескинлашуви.

Шу сабабли, ғоявий-мафкуравий маълумотларни таҳлил қилиш зарур бўлади. Бунда асосий эътибор ахборот манбаига қаратилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ички ва ташқига манбалар алоҳида ажратилади.¹

Ички ахборот хавфининг манбаи сифатида куйидагилар бўлиши мумкин:

- республика ҳудудида фаолият олиб бораётган шахслар, гуруҳлар, ташкилотлар ахборот хавфи манбаси ҳисобланиб, улар Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига қарши ёки уни камситишга қаратилган фаолиятида ташқи ғаразли ташкилотлар ва хорижий ОАВ маълумотларидан фойдаланади;
- республика ҳудудида фаолият олиб боради, лекин Ўзбекистоннинг ичидаги хусусий ва давлат ташкилотлари ҳамда ОАВ ахборот ресурсларидан, жумладан миш-мишлардан фойдаланадилар. Бундай тузилмалар одатда ўзлари хоҳламаган ҳолда республика ғоявий-мафкуравий йўналишини тушунмасликлари оқибатида жамиятга қарши ахборот хавфи манбаига айланиб қолади. Бундай ҳаракатлар баъзан “ўз халқига қарши ахборот уруши”, деб ҳам таърифланади.

¹ Қаранг: Общая теория национальной безопасности / под общ. ред. А.А.Прохожева. Изд. 2 / - М.: Изд-во РАГС, 2005. – С. 320.

Ташқи ахборот хавфининг манбалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- давлатга стратегик рақобатчи бўлган давлатлар ва ташкилотлар
- давлатга стратегик ҳамкор, жумладан ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий соҳаларда ҳамкор давлатлар ва ташкилотлар.

Кейинги қадамда ахборотнинг асосланганлигини аниқлаш талаб қилинади. Бунда, албатта, асосланганлик даражаси қуйидаги ахборот манбаларида юқори бўлишини инобатга олиш керак бўлади:

- давлатлар расмий баёнотларга асосланган маълумотлар;
- давлатлараро ва халқаро ташкилотлар томонидан расман тарқатилган маълумотлар;
- маълум бир давлат томонидан тарқатган маълумотлар;
- ҳар бир давлат расмий ташкилоти, муассасалари томонидан тарқатилган маълумотлар;
- муайян давлат доирасида фаолият олиб бораётган нодавлат ноижорат ташкилотлари томонидан тарқатилган маълумотлар.

Бундан сўнг ахборотларнинг характерини қуйидагича кўринишда аниқлаш зарур бўлади:

- буюртма;
- атайин;
- тасодифий.

Ахборот хавфини мафкуравий нуқтаи назардан баҳолашнинг дастлабки босқичи сифатида ахборот ҳужумларининг асосий кўринишлари, манбаи ва уларнинг характерларини тўғри баҳолаш ўта муҳим саналади. Бунинг учун, албатта, керакли механизмларни шакллантириш, уларнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий-мафкуравий жиҳатлари таҳлил этилаётганда, таҳдид объекти сифатида шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият ва давлат қаралади. Бу таҳдидларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

- давлат суверинитети, чегаралар дахлсизлиги ва конституцион тузимга қарши чиқиш;
- миллатлараро тотувликни бузиш орқали давлатда беқарорлик келтириб чиқариш;
- аҳолини маънавий жиҳатдан қашшоқлаштириш орқали моддий ва маънавий меросга салбий муносабат муҳитини шакллантириш;
- ОАВ, хусусан, Интернет орқали ёшлар онгини захарлаш;
- шахслар онгини ва сиёсий қарашларини бошқариш орқали жамиятда сиёсий беқарорликни келтириб чиқаришга уринишлар.

Ушбу келтириб ўтилган таҳдидларни олдиндан пайқаш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш ахборот хавфсизлигини таъминлашда, унинг ҳолатини баҳолашда яхши самара беради. Бугун хорижий ОАВ орқали тарқатилаётган маълумотларда ҳақиқий юз бераётган воқеа-ҳодисаларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари кўп учрайди. Бундан маълумотларни мазмунига қараб қуйидагича таснифлаш мумкин:

- сиёсий маълумотлар;
- мафкуравий маълумотлар;
- иқтисодий маълумотлар;
- техник маълумотлар.

Ахборот хавфсизлигининг ғоявий таҳдидлари асосан сиёсий ва мафкуравий маълумотлар орқали тарқатилади. Бундай маълумотлар сирасига:

- давлат тизимини ўзгартиришга қаратилган маълумотлар;
- миллатлараро тотувликни бузишга қаратилган маълумотлар;
- аҳолини маънавий жиҳатдан қашшоқлаштиришга қаратилган маълумотлар.

Айтиш жоизки, бугунги кунда бир қатор хорижий сайтлар орқали Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига зид бўлган турли мазмундаги ноҳолис ахборотлар тарқатилаяпти. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тўғрисида турли мазмундаги ахборотлар тарқатаётган 700 га яқин сайт аниқланган¹.

Интернет маконининг мониторинги шуни кўрсатмоқдаки, ҳар ҳафта хорижий Интернет тармоқлари орқали Ўзбекистон тўғрисида ўртача 350 тадан 450 тагача мақола ва хабарлар тарқатилмоқда. Шуларнинг ўртача 35% – Россияга тегишли Интернет-сайтларида, 25% – Марказий Осиё ва бошқа МДҲ мамлакатларига тегишли, 10% – инглиз тилидаги хорижий ва 30% – ўзбек тилидаги тенденциоз сайтларда чоп этилмоқда. Кўпинча ушбу ахборотларнинг 2/3 қисми ноҳолис, тенденциоз характерга эга бўлиб, бу жараён ҳамон давом этиб келмоқда².

Ўзбекистон тўғрисида кўпинча тенденциоз ахборотларни тарқатадиган Интернет-сайтлари қаторига асосан “Ozodlik.org”, “BBC.com”, “Ferghana.ru”, “Eurasianet.org”, “Centr1.com”, “Uzخالqharakati.com”, “Eltuz.com”, “knews.ru” ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ноҳолис ахборотлар тарқатиш борасидаги яна бир ахборот канали – айрим Ғарб мамлакатларида жойлашган инсон ҳуқуқлари мавзусини ёритувчи Интернет-сайтларидир. Буларга мисол қилиб, “Фридом хоус”, “Хьюман райтс вотч”, “Британиянинг уруш ва тинчликни ёритиш институти”, “Сорос фонди” ва бошқа ташкилотларнинг сайтларини келтириш мумкин.

Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучи нашр этилаётган материалларнинг тезкорлиги, кўтарилаётган масалаларнинг долзарблиги ҳамда таҳлилийлик даражаси ва мавжуд муаммоларнинг самарали ечимларини таклиф этишига кўп даражада боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, *“Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тизимли, шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди”*³.

Бундан ташқари, Марказий Осиё (МО) давлатларида фаолият олиб бораётган бир қатор ахборот агентликлари сайтлари хорижий аудитория учун

¹ Ёшлар телеканалда намоиш этилган “Ахборот маконида” кўрсатуви маълумотларидан. 2014.

² Коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази ҳисоботидан (февраль 2017 й.).

³ Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008. - Б. 74.

Ўзбекистон тўғрисида салбий муносабатнинг шаклланишида етарлича ҳисса қўшмоқда.


Хусусан, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон домен ҳудудларида рўйхатга олинган 12 та сайт танлаб олиниб, уларда нашр этилаётган, сарлавҳасида “Ўзбекистан” сўзи қатнашган материаллар таҳлил қилинди. Булар куйидаги сайтлардир:

1. Kazakhstan Today (www.kt.kz) ахборот агентлиги.
2. PRESS.KZ (www.ia.press.kz) ахборот агентлиги.
3. Интерфакс-Казахстан (www.interfax.kz) ахборот агентлиги.
4. Казинформ (www.inform.kz) ахборот агентлиги.
5. Казправда (www.kazpravda.kz) ахборот агентлиги.
6. Ховар (www.khovar.tj) миллий ахборот агентлиги.
7. Avesta (www.avesta.tj) ахборот хизмати.
8. ASIA-Plus (www.news.tj, www.asiaplus.tj) мустақил ахборот агентлиги.
9. АКИpress (www.akipress.kg) ахборот портали.
10. 24.kg (www.24.kg) ахборот агентлиги.
11. Чалкан.kg (www.chalkan.kg) ахборот агентлиги.
12. Novosti.Izde (www.novosti.izde.kg) ахборот портали.

Ушбу сайтлар янгиликлар ва ахборот-таҳлилий материаллар порталлари ҳисобланиб, МО давлатларида юз бераётган турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият хусусида материаллар нашр қилади. Ушбу сайтларнинг айримлари давлат ва бошқалари нодавлат ташкилотлари томонидан молиялаштирилаётгани маълум бўлди.

Мазкур сайтларда охириги 4 ой ичида (январь 2017 й. – апрель 2017 й.) нашр этилган материаллар контент таҳлил қилинди. Натижада “Ўзбекистан” сўзи қатнашган 1000 дан ортиқ мақолалар орасидан 255 таси танлаб олинди. Булар асосан янгилик ва хабарлар кўринишидаги материаллар ҳисобланиб, уларнинг мазмуни 4 та, яъни *ижобий, салбий, мувозанатлашган ва нейтрал* мезонлар асосида баҳоланди. Бу ерда “мувозанатлашган” сўзи материалларда ҳам салбий, ҳам ижобий фикр ва ёндашувларнинг мавжудлиги билан изоҳланади¹.


¹ Қаранг: Имиджи иностранных государств в региональных СМИ. / Под ред. Мозолина А.В. –М.: Исследовательский центр “Аналитик”, 2012. - С. 7-8.




1-диаграмма. Материаллар мазмунидаги ёндашувлар таҳлили (фоиз ҳисобида)

Давлатлар ўртасидаги бирор иқтисодий соҳага ёки чегарага оид муаммолар юзага келганда ушбу сайтларда бир ёқлама ёндашувга асосланган материалларнинг сони ошиб кетади.

Шунингдек, Ўзбекистон мавзусини ёритишда ушбу сайтларнинг ҳиссаси ҳам ўрганилди. Бу ерда асосан Қирғизистон ва Қозоғистон домен ҳудудларидаги сайтларнинг фаоллиги кузатилди. Қозоғистон домен ҳудудидаги сайтлар Ўзбекистон мавзусига нисбатан мувозанатлашган ва нейтрал ҳолда ёндашаётган бўлсада, лекин аксарият материаллар мазмунида бир ёқлама ёндашувлар ҳам мавжуд. Хусусан, мигрантлар билан боғлиқ ҳолатларга оид материалларда салбий ёндашув яққол кўзга ташланди. Қирғизистон ва Тожикистон домен ҳудудидаги ахборот порталларида нашр этилган материалларнинг учдан икки қисми бир ёқлама ёндашувга асослангани маълум бўлди.





2-диаграмма. Сайтларнинг Ўзбекистон тўғрисида бир ёқлама ёндашувни шакллантиришидаги ҳиссаси (метериаллар сони)

Таъкидлаш жоизки, ташқи аудитория Марказий Осиё давлатларда юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан ушбу сайтлар орқали ҳам хабардор бўлади. Демак, бу сайтларда нашр этилаётган материаллар ташқи аудитория учун Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон тўғрисида турли мазмундаги фикрларнинг шаклланишида етарли аҳамияга эга. Бундан ташқари, бугунги кунда қамров даражаси кенг бўлган дунёдаги йирик CNN (The Cable News Network), BBC (British Broadcasting Corporation) ва Рейтер ахборот агентликлари ҳам Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид маълумотларни тайёрлашда айнан юқоридаги сайтларнинг материалларига таянади. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон ташқи имижининг шаклланишида бу ахборот порталларининг ҳиссаси юқоридир.

Айтиш жоизки, Қирғизистон ва Тожикистондаги бир қатор ахборот агентликлари сайтларининг фаолияти сайловлар ва бошқа сиёсий жараёнлар вақтида тўхтатилади ёки уларнинг ушбу жараёнларда қатнашиши ҳукумат томонидан чекланади. Бунга сабаб, уларнинг маълум бир гуруҳлар манфаатларига хизмат қилиши ёки айрим хориж давлатлари томонидан молиялаштирилиши билан изоҳланган¹.

Умуман олганда, оммавий ахборот воситалари орқали уюштирилаётган маънавий-ғоявий таҳдидлар ҳақида гап кетар экан, энг аввало, ғараз мақсадларда амалга оширилаётган ташқи ғоявий таъсирлар, мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга “холис” ёндашув байроғи остида берилаётган бир ёқлама қарашлар ва баҳоларнинг олдини олиш, уларга қарши объектив маълумотларни кишиларга тезкор, тизимли ва тадрижий етказиб бериш масаласи долзарб бўлиб турганини алоҳида қайд этиш зарур. Шундай вазиятда ҳар хил шакл-шамойилда чиқаётган бундай уринишларга қарши халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи чуқур таҳлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларимизнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа, гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётини манфаатларини ёритиш ҳар қачонгидан ҳам ҳаётини-амалий аҳамият касб этади.

¹ Хусаинова Ж. Европейский союз: Информационные агентства в Кыргызстане должны использовать все законные возможности для отстаивания своих прав. // URL-адрес: <http://www.24kg.org/election2011/105660-tujgunaaly-abdraimov-v-kyrgyzstane-vopros.html>

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари олдида Ўзбекистондаги вазият, турли соҳаларда эришилган ютуқлар бўйича ҳолисона ахборотларни жаҳон жамоатчилигига вақтида етказиб бериш ҳамда мамлакатдаги реал воқеликнинг ундан ташқарида ҳам тўғри ва ўринли қабул қилишларига эришишдек муҳим вазифа борлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё давлатларидаги алоҳида ахборот порталлари орқали тарқатилаётган бир ёқлама ёндашувга асосланган янгиликлар, хабарлар хорижий аудитория кўз ўнгида Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаёт тўғрисида ноҳолис фикрларнинг шаклланишида етарлича аҳамият касб этмоқда. Ушбу сайтлар фаолиятида қуйидаги ҳолатлар кўзга ташланди:

– айрим сайтлар фаолияти хориждаги нодавлат ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда ва молиялаштирилмоқда;

– бир қатор сайтларнинг таҳририятлари ноҳукумат ташкилотлар, рўйхатга олинмаган жамоатчилик фондлари ҳамда турли марказлар билан ҳамкорлик қилмоқда.

Келгусида бу ахборот порталлари Ўзбекистон мавзусига оид бир ёқлама материалларни чоп этишда давом этади. Шу сабабли, ташқи аудитория учун Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бу ахборот сайтларининг ушбу ҳолатга таъсирини бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– мамлакатимиз ҳаётида юз бераётган турли воқеа ва ҳодисалар тўғрисида сифатли, тезкор ва рақобатбардош Интернет материаллар тайёрлаш, уларни нашр этадиган сайтлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва молиялаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– кенг қамровли аудиторияга эга ва ахборот-таҳлилий материалларни чоп этишда ҳолислик ёндашуви асосида фаолият олиб бораётган ахборот порталларининг ютуқларини ўрганиш ва татбиқ қилиш;

– хориж давлатларида ўзбек тилида сўзлашувчи фойдаланувчиларнинг Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган воқеа ва ҳодисалардан Интернет орқали хабардор бўлишини таъминлаш;

– ахборот таҳдидлари ортиб бораётган бир даврда барча ахборот жараёнларини бошқарувчи, мувофиқлаштирувчи давлат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш.

Ўз навбатида иқтисодий ва техник маълумотлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бироқ, ғоявий ва мафкуравий хавфсизлик ижтимоий тарангликни юзага келтириши ва хавфсизликнинг бошқа ўлчамларига бевосита дахл қилиши мумкин. Мафкуравий хуружлар ҳар қандай жамият учун ҳам ўта хатарли саналади.

Маълумотлар орасида ғоявий ва мафкуравий таҳдидларни ифода этувчи маълумотларни ажратиб олиш нисбатан мураккаб вазифа ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби, бундай маълумотлар турли хил ниқобланган кўринишларга эга бўлади. Мисол учун, бирор давлат тизими демократик ва ошкоралик тамойилларига амал қилинмайди, - деб аҳоли фикрини ўзгартиришга уринишларни келтиришимиз мумкин. Бунда шу давлат ҳудудида беҳаё мазмундаги маълумотлар (видеофильмлар, газеталар, журналлардаги мақолалар

ва бошқалар) тақиқланганлигидан фойдаланилади. Бу йўл билан давлатда демократик, ошкоралик ва энг асосийси, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари чекланган деб талқин этилиши орқали мафкуравий таҳдид юзага келтирилади. Бир қарашда хавфсиз кўринган бундай маълумот пировард натижада жамиятда ўта салбий оқибатларни келтириб чиқариши ва нотинчликка олиб келишини мафкуравий хуруж ташкилотчилари олдиндан прогноз қиладилар. Агар бундай маълумотга давлатнинг расмий оммавий ахборот воситалари орқали тезда холис жавоб берилмаса, у ҳолда мафкуравий хуружга давлатнинг ўзи замин яратиб берган бўлади ва юзага келадиган таҳдидларга қарши курашиш ҳамда унинг оқибатларини баҳолаш янада мураккаблашади.

Ёвуз кучлар Интернетдан фахш, гиёхвандлик ва зўравонлик, терроризм, фашизм, нацизм ва шовинизм каби таҳдидларни тарқатиш воситаси сифатида фойдаланаётгани катта ташвиш уйғотади. Халқаро экспертлар дунё миқёсида 38 фоиз бола зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26 фоиз бола миллатчилик характеридаги веб-саҳифаларни мунтазам кузатиб боришини аниқлаган.

ЮНИСЕФ томонидан ўтказилган сўровларга кўра, Интернетдан фойдаланадиган болаларнинг 90 фоизи ахлоқсиз сурат ва видеоларга дуч келиши, 60 фоизи эса бу турдаги ахборотни мақсадли равишда излаганини кўрсатди¹. Ҳатто ўзимизнинг баъзи ёшларимиз учун ҳам Интернет ва қўл телефонлари ахлоқсизлик манбаига айланаётгани ўта ташвишлидир. Негаки бундай зиёнли таъсир домига тушиб қолган фарзандларимизда яқинлари ва қариндошларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғулари сусайиб, эгоизмга мойиллик кучайиб бормоқда.

Мафкуравий хуружлар, аввало, ёшларнинг онгини эгаллашга йўналтирилган бўлиб, “оммавий маданият” деб қаралаётган мазкур иллат халқимизнинг маънавий хазинаси бўлган одоб, ахлоқ, ибодат, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, ифқат-андиша каби фазилатларимизга тажовуз қилиб, кўп минг йиллик миллий қадриятларимизнинг илдизига путур етказмоқда.

Айрим Европа давлатларида “анъанавий ҳокимиятни тан олмаслик, ундан кўрқмаслик” ғояси остида бирлашаётган NET авлод, Интернет болалари ёки фуқаролари (netizens) гуруҳи пайдо бўлди. Бу гуруҳ давлат ҳокимиятининг расмий хабарларига қарши чиқувчи сиёсий кибер халқаро уюшма сифатида ташкил топди. Уларнинг биринчи сиёсий партияси 2006 йил Швецияда пайдо бўлди. 2009 йилда бу партия 7,1 % овоз билан Европа парламентида 2 та жойга эга бўлди. 2011 йилда ушбу партиянинг 33 та давлатидаги фаолияти аниқланди. Хусусан, партиянинг рўйхатга олинмаган аъзолари АҚШ ва Россияда фаол ҳаракат олиб бормоқда. Партия аъзоларини 20-30 ёш оралиғидаги ўсмирлар ташкил этади².

Аҳолида, жумладан, ёшларимизда ахборот истеъмоли маданиятини шакллантириш ва изчил юксалтириш орқалигина бундай таъсирларнинг олдини олиш мумкин. Кимда ахборот истеъмоли маданияти шаклланган бўлса, албатта, ана шу шахс миллий қадриятларимизга зид хабар, маълумотлар билан танишиш пайтида уларни ўз қарашлари, қадриятлари тизимига таянган ҳолда баҳолай

¹ Мирзаев Ғулум, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари. Ахборот асри ва касри. Интернет сайтидаги мақола // URL-адрес: <http://www.fikr.uz/blog/poems/11623.html>

² Держачев В. Киберинтернационал поколения NET. // URL-адрес: http://dergachev.ru/geop_events/160111.html

олади. Бошқача айтганда, ҳамма гап Интернетнинг бой ахборот ресурсларидан ким ва қандай мақсадларда фойдаланишига боғлиқ. Глобал тармоқни тақиқлаш, ундан иллат излаш билан овора бўлмасдан, аксинча, Интернетнинг имкониятларидан Ватанимиз шон-шуҳратини дунё миқёсида кенг ёйиш йўлида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бу жараёнларда тарқатилаётган маълумотларнинг тенденциоз характерини ва ноҳолислигини баҳолаш мезонлари миллий манфаатларга асосланган ҳолда ишлаб чиқиши ва доимий тарзда такомиллаштирилиб бориши лозим.

Шундай қилиб, ахборот хавфсизлигининг техник ва ғоявий-мафкуравий жиҳатларининг ўзаро боғлиқлигини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

– ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши ахборот хавфсизлиги соҳасида техник ҳамда ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг кучайишига туртки бўлмоқда;

– ҳар иккаласида ҳам таҳдидларни амалга ошириш воситаси бу - ахборот-коммуникация технологияларидир;

– ахборот хавфсизлиги соҳасида техник ҳамда ғоявий-мафкуравий таҳдид объектлари ҳар хил бўлсада, ҳар иккаласида ҳам таҳдидларни амалга оширувчи субъект инсон ҳисобланади;

– ахборот хавфсизлиги соҳасида техник ҳамда ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг объектлари, вазифалари, фаолияти, турлари ва хусусиятлари ҳар хил бўлсада, лекин уларнинг мақсади бир хил яъни, фақат инсон онгини манипуляция қилиш ва моддий, маънавий зарар етказишдир;

– ахборот хавфсизлиги таъминлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари амалга оширилиши жараёнида ҳам техник, ҳам ғоявий-мафкуравий жиҳатлари эътиборга олинади. Ушбу икки жиҳатга алоҳида ёки бирини биридан ажратган ҳолда ечимлар ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш кўзланган натижани бермайди.

Шу билан бирга уларнинг *фарқли жиҳати* шундаки, техник таҳдидларда кўпроқ моддий зарар етказиш орқали инсонга таъсир этилса, ғоявий-мафкуравий таҳдидларда эса, инсонга тўғридан-тўғри ҳам моддий ҳам маънавий зарарлар етказилади.

Ахборот хавфсизлиги соҳасида техник ва ғоявий-мафкуравий таҳдидларнинг объектлари, вазифалари, фаолияти, кўринишлари, турлари ҳамда хусусиятлари ҳар хил бўлсада, уларнинг мақсади бир хил, яъни фақат инсонга зарар етказишдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ахборот хавфсизлигининг техник ва ғоявий-мафкуравий тизимидаги энг нозик бўғин, бу инсон ва унинг онги ҳисобланади. Инсон турли техник воситалар ёрдамида хавфсизлик масалалари таъминланадиган тузилмаларда фаолият олиб боради. Ҳеч нарса инсон каби зарар келтира олмайди, чунки у одатда тузилманинг барча сирларига эга бўлади, шунинг учун у объект муҳофазаси тизимига айёрлик билан кира олиши ва бошқа инсонлар онгига салбий таъсир эта олиши ёки техник жиҳатдан маълумотлар базаси муҳофазасини буза олиш имкониятига эгадир.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, техник ва ғоявий-мафкуравий жиҳатдан баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, маълумотларни зарарлилиги

ва ноҳолислигини аниқлаш тизимини, унинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини шакллантиришда таҳдид объектларини аниқлаб олиш ҳамда бу борада тегишли давлат органларининг функционал вазифалари белгиланиши мақсадга мувофиқ.

II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

2.1. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг шаклланиш босқичлари

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратишга бўлган объектив эҳтиёж миллий хавфсизлик муаммолари ичида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришни муҳим йўналиши сифатида белгилаб берди. Бунда Ўзбекистоннинг геосиёсий жиҳатдан Марказий Осиёнинг марказида жойлашганлиги, унда юз берадиган воқеаларнинг кўшни давлатлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга таъсири унинг етакчи давлатларининг манфаатлари тўқнашадиган маконга айланишига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини миллий ва халқаро тажриба уйғунлиги асосида ривожлантириш заруриятини белгиламоқда.

Маълумки, миллий қонунчилигимизда ахборот хавфсизлиги тушунчасига ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати деб изоҳ берилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда шахснинг ахборот соҳасидаги манфаатлари фуқаронинг ахборотга эга бўлиши, қонунан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишда, жисмоний, маънавий ва интеллектуал ривожланишда ахборотдан фойдаланиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишдан, шунингдек, шахсий хавфсизликни таъминлаш тартибида ахборотни ҳимоя қилишдан иборатдир.

Жамиятнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари шахснинг мазкур соҳадаги манфаатларини таъминлашдан, демократияни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, Ўзбекистонда кечаётган янгиланиш жараёнларида ҳамжиҳатликка эришиш ва уни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари Ўзбекистонда ахборот инфратузилмасининг уйғун ривожланиши, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигининг дахлсизлигини таъминлаш мақсадида ахборот олиш ва ундан фойдаланиш борасидаги конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, қонунийликни, ҳуқуқий тартибни таъминлаш, тенг ҳуқуқли халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборатдир.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими – мазкур соҳани тартибга солувчи органлар, усуллар, куч ва воситалар мажмуидир. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ушбу соҳада давлат

сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган ва мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади¹.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати қуйидаги тамойиллар асосига қурилган²:

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни амалга оширишда Конституция, қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига амал қилиш;

– давлат ҳокимияти органлари ва жамоат уюшмаларининг функцияларини амалга оширишда ошкораликни таъминлаш;

– ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнлари барча иштирокчиларининг, қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мақомга эга бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг ахборотни қонуний тарзда эркин қидириш, олиш, бериш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш борасидаги конституцион ҳуқуқига асосланган ҳуқуқий тенглигини таъминлаш;

– республикада замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, миллий телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва уларни дунё миқёсидаги ахборот тизимларига улаш имконини берадиган техник ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини шакллантириш мустақилликнинг илк кунларидан бошланган бўлиб, қуйидаги босқичларда амалга оширилмоқда.

Биринчи босқич 1991-2001 йилларни ўз ичига олади. Бу йиллар давомида соҳага оид бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жумладан:

– 1992 йил 13 январдаги Ўзбекистон Республикасининг “Алоқа тўғрисида”ги Қонуни;

– 1993 йил 7 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни;

– 1994 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонуни;

– 1996 йил 30 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни;

– 1997 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги ва “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни;

– 1997 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни;

– 1998 йил 25 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида”ги ва “Реклама тўғрисида”ги Қонуни;

¹ Ахборот хавфсизлиги асослари. Маърузалар курси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. –Б. 120.

² Муҳаммадиев Ж. Ахборот хавфсизлиги, уни таъминлашнинг усуллари ва тамойиллари. –Т.: ТДЮИ, 2014. // URL-адрес: <http://huquqburch.uz/uz/view/1200>.

– 1999 йил 20 августдаги Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни.

– 1999 йил 15 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг “Архивлар тўғрисида”ги Қонуни¹.

Ушбу қонунларга ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор моддалар киритилди. Хусусан, “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасида “Давлат сирларини сақлаш - бундай сирларга эга бўлган барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг мансабдор шахслари ва фуқароларининг бурчи” деб белгилаб қўйилди. Шунингдек, ошкор этилиши республика ҳарбий-иқтисодий салоҳиятининг сифат ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки Ўзбекистоннинг муҳофаза қилиниши, давлат хавфсизлиги, иқтисодий ва сиёсий манфаатлари учун бошқа оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган маълумотлар давлат сирини ташкил этиши ҳам келтириб ўтилди.

Ушбу босқичда *муҳим институционал ислоҳотлардан* бири 1992 йил 5 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек ахборот агентлигини Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига ўзгартириш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Мазкур агентлик фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири республика ички ва ташқи сиёсатига оид ахборотларни тўплаш ва тарқатишни такомиллаштириш ҳисобланиб, бу вазифалар Вазирлар Маҳкамасининг “Миллий ахборот агентлиги фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан мустаҳкамлаб қўйилди.

Иккинчи босқич 2002-2012 йилларни қамраб олиб, бу даврда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-институционал асослари шакллантирилди. Ахборот хавфсизлигига оид тушунчалар бир қатор қонун ҳужжатларида ўз изоҳини топди. Жумладан, 2002 йилда қабул қилинган “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга (12.12.2002 й.) ахборот хавфсизлигининг асосий тамойилларини белгилайдиган 5 модда киритилди. Қонунга мувофиқ, ахборот хавфсизлиги деганда, ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланиши тушунилади. Ахборот хавфсизлиги масаласи ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим бўлган субъектларга ҳам, бундай ҳимояни таъминлайдиган бошқа субъектларга ҳам бирдай тааллуқлидир.

Орадан бир йил ўтиб, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (11.12.2003 й.) қабул қилинди. Ушбу қонунда ахборот хавфсизлиги масаласининг техник ташкил этувчилари ёритилган 4 модда киритилди. Қонунга мувофиқ, ахборот хавфсизлиги - ахборот тизимлари ва ресурсларига бўладиган ноқонуний ҳаракатлар, уларни ўзгартириш, ўчириш, нусхалашдан ҳимояланганлик ҳолатидир. Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш бўйича миллий ҳуқуқий-меъёрий асосни шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича фармон, қарор ҳамда қонунлар қабул қилинган. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг

¹ История организации и принципы функционирования глобальной компьютерной сети Интернет. Роль и значение современных информационных технологий в государственном управлении. UZINFOCOM. -Т.:, 2008. – С.14.

ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадлари, вазифалари, тамойиллари ва асосий йўналишларини ўзида мужассам этган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сонли “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасида ахборотлаштиришни ривожлантириш концепцияси”га асосан қуйидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари аниқланган:

- ахборот хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий–ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

- ахборот ва компьютер технологиялари соҳасидаги ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва маълумотлар узатиш тармоғига киритилган ҳимоялаш воситаларининг самарадорлигини баҳолаш, лойиҳаларни ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб беришини текшириш мақсадида экспертизадан ўтказиш ҳамда ахборотларни ҳимоялаш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

- ахборотларни криптографик ҳимоя қилишнинг воситаларини ишлаб чиқиш ва маълумотлар узатиш тармоғида ҳамда Интернет тармоғига киришда ахборотларни ҳимоялаш воситалари тизимини қўллаш;

- киберхавфсизлик маданиятини жорий қилиш ва қўллаш;

- шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ва ҳимоясини таъминлаш.

Бу вазифаларни бажариш ахборот ресурсларини бутунлигини таъминлашга, ноқонуний йўқ қилиш, шаклини ўзгартириш, бузиш, нусха олиш, ахборотни тўсиб қўйиш ҳамда бошқа ахборот тизим ва тармоқларига ноқонуний аралашининг олдини олишга омил бўлади.

Мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 ноябрдаги 555-сонли “Оммавий коммуникациялар соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан “*Оммавий коммуникациялар соҳасидаги мониторинг маркази*” ташкил этилди. Марказ фаолияти доирасида миллий ахборот маконида конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, суверенитетини бузишга, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний нифокни авж олдиришга, давлат тузумига қарши қаратилган бошқа тажовузлар содир этилишига оммавий даъват этувчи материаллар мавжудлигини, шунингдек уруш, зўравонлик, порнография ва ёвузликни, терроризм ва диний экстремизм ғояларини тарғиб этишга қаратилган ахборотларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар тақдим этади.

Бундан ташқари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини такомиллаштириш ҳамда ахборот хавфсизлиги масаласи бўйича тузилмавий ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, миллий ахборот-коммуникация тизимлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2005 йили *Компьютер инцидентларига жавоб бериш хизмати (UZCERT)* ташкил этилди. UZ-CERT миллий ахборот тизими ва Интернет сегментида компьютер инцидентлари (можаролари) бўйича ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилишни таъминловчи, фойдаланувчига ахборот

хавфсизлигини бартараф қилишда маслаҳат бериш ва техник кўмаклашиш бўйича ягона марказ сифатида фаолият бошлади.

Учинчи босқич 2012-2017 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-институционал асосларини шакллантиришига қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2012 йил 21 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида давлат органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича идолараро ягона талабларни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон ахборот маконидаги кибертаҳдидларни бартараф этиш ва уларга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асосни мустаҳкамлаш вазифалари белгиланди. Ушбу қарор 2011-2012 йилларда бир қатор давлат органлари сайтларига киберхужумлар уюштирилиши оқибатида юзага келган миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш чораларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

2013 йил 27 июндаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурида давлат муассасалари шаклидаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш ҳамда “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” марказлари ташкил этилди. “Электрон ҳукумат” тизими ахборот тизимлари комплекслари, ресурслари ва маълумотлар базаларининг ҳимоялаш “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” марказининг асосий вазифалари этиб белгиланди. Ушбу марказ 2005 йилда ташкил этилган UZCERT маркази базасида шакллантирилди ва республика телекоммуникация тармоқларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифалари кенгайтирилди.

2015 йил 4 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан “*Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги*” ташкил этилди. Вазирлик фаолиятининг муҳим вазифалари қаторида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, коммуникация тармоқларини ҳимоялаш, дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш учун замонавий технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, кадрларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш киритилди. Умуман олганда, вазирлик фаолиятининг асосий йўналишини электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш ва унинг ташкил этувчилари ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади.

Тўртинчи босқич 2017 йилдан бошлаб соҳада олиб борилаётган ислохотларни ўз ичига олади. Бу босқичдаги муҳим дастурлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев фармони билан қабул қилинган “**2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси**” ҳисобланади. Мазкур стратегиянинг бешинчи бўлими “**Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи**

сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар” деб номланиб, ушбу йўналиш хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга йўналтирилган давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил кўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш масалаларини қамраб олади. Айнан, *“ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш”* устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Давлат бошқаруви тизимида замонавий АКТнинг қўлланилиши мамлакатни сиёсий ва иқтисодий модернизация қилишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Республикамизда ахборотлаштириш соҳаси жадал ривожланмоқда, бироқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг шаклланиши биров секинроқ кечмоқда. Соҳага оид ҳуқуқий, методик, илмий ва ташкилий чоралар ишлаб чиқилса, бу борадаги давлат сиёсатини шаклланишига асос бўладиган ягона давлат ахборот хавфсизлиги концепцияси яратилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда давлат ахборот хавфсизлиги тизимидаги камчиликлардан бири соҳага ягона институционал механизмни қўллашнинг мураккаблигидир. Бунга сабаб ҳар бир ҳудуд, алоҳида вазирлик, давлат органи ёки ташкилоти ахборот хавфсизлигига оид чора-тадбирларни мустақил амалга оширмоқда. Ўзаро ҳамкорлик қоидалари мавжуд эмас, олиб борилаётган ишлар эса ҳар доим ҳам профессионал даражада ташкил этилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан шаклланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Соҳага оид муҳим ҳуқуқий-концептуал ҳужжатларни ишлаб чиқиш, институционал механизмларни мувофиқлаштириш истиқболдаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

2.2. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг ўзига хослиги

Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари 25 йил давомида дунё давлатларининг мазкур соҳадаги самарали тажрибасини қўллаган ҳолда ўзига хос йўналишда шакллантирилди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу соҳада давлат сиёсати асосан ёшлар маънавияти, уларнинг ахборотдан фойдаланиш маданиятини ошириш масаласига қаратилди. Бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсати миллий ва хорижий тажриба уйғунлигида шакллантирилди. Шу билан бирга ривожланган давлатлар

тажрибасидан фаркли ўзига хос институционал асос яратилди. Хусусан, тарихий шаклланган миллий ва маънавий кадрларимизни қайта тиклаш жараёни давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу билан халқимизнинг ўз тарихи билан фахрланиш туйғуси қайтадан тикланди, келажакка бўлган ишончи мустаҳкамланди. Мазкур ишлар замирида ёшларни тарихимиз, буюк аجدодларимиз билан фахрланиш, уларнинг олиб борган ишларини холисона баҳолашга ўргатиш мақсад қилинган эди. Бу орқали ёшларимизни турли ғаразли ахборотлар таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, уларнинг ахборот олиш маданиятини шакллантириш вазифаси қўйилди. Мазкур масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Шу мақсадда, *Интернет миллий сегментини шакллантириш* масаласи босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда республика аҳолисининг сони 32 млн.дан ошганлигини, аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини эътиборга олсак, Интернет ва унинг шакллари бўлган – Интернет-телевидение, Интернет-радио, электрон почта, онлайн-видео, ижтимоий тармоқлар, мобиль мессенжерлар каби кўплаб ахборот тарқатиш технологиялари имкониятларидан ёшларнинг маънавияти ва билим даражасини оширишда мақсадли ва оқилона фойдаланиш зарурлиги масаласи қанчалик муҳимлиги аён бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш жозки, UZ миллий домени 1995 йилнинг 29 апрелида ташкил этилган. 2006 йилда UZ ҳудудининг ўзидаёқ иккинчи даражали фаол доменлар сони 3621 дан зиёдни ташкил этган. 2014 йилда бу кўрсаткич 17980 тани ташкил қилган. Бугунги кунда эса UZ ҳудудидаги доменлар сони бу даврда 32 минггага етиб, ўсиш 123%ни ташкил қилган. “UZ” ҳудудидаги миллий ахборот ресурсларининг ривожланиш ҳолати таҳлиliga кўра, Ziyonet тармоғи доирасида таълим ресурслари сони 126 минггага (ўсиш 124%) етди. UMail.UZ электрон почта тизими фойдаланувчилари сони 367 мингдан ошди ва 2015 йилнинг шу даврига нисбатан 165% ўсди. Миллий ахборот ресурсларини, жумладан маҳаллий ижтимоий тармоқларни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти¹.

2016 йилда TAS-IX ҳудудида жойлашган миллий Davra.uz ижтимоий тармоқ ишга туширилди. Ушбу тизим фойдаланувчиларига мобиль операторлар томонидан имтиёзлар бериш ва Davra.uz тизимига кўпроқ ёшларни жалб қилиш керак.

Шунингдек, миллий ахборот майдонида ҳам Ўзбекистон ҳақида объектив маълумотларни кўпайтириш, уларнинг таъсирчанлигини ошириш, ёшларнинг Интернетдаги маълумотлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

– Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати, жаҳонда бўлаётган воқеаларни ёритиб борувчи миллий ОАВнинг сони кўпаймоқда, улар контентининг сифатига эътибор кучаймоқда;

– Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 120 дан ортиқ Интернет провайдер ва операторлар

¹ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йилнинг 9 ойидаги фаолияти сарҳисоби // URL адрес: <http://www.ccitt.uz>

фаолияти лицензиялаштирилди. Уларнинг ҳар бири мижозлар учун ўзига хос тариф режаси, акция ва хизматларни таклиф этмоқда. Провайдерларнинг аксарияти трафик учун тўлов олмасдан UzNet тармоқлари – TAs-IXдан юқори тезликда симли фойдаланиш хизматларини кўрсатмоқда.

Шунингдек, иқтисодиётнинг реал секторида, акционерлик компаниялари, уюшмалар, йирик иқтисодиёт корхоналарида технологияларини жорий этиш бўйича ҳукумат қарорлари асосида ҳозир умумий қиймати 336 млрд. сўмга тенг ахборот тизимлари ва дастурий таъминотларни жорий этиш бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ҳозир умумий қиймати 62,4 млрд. сўмга тенг 81 та лойиҳа амалга оширилди. 2016-2018 йиллар давомида бу йўналишда умумий қиймати 1,1 триллион сўмга тенг 89 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

2016 йилнинг 9 ойида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш тизимида фаолият юритаётган корхоналар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 4,4 триллион сўмни (2015 йилнинг шу даврига солиштирганда ўсиш 115%) ташкил этди, жумладан аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 2,92 триллион сўмни ташкил этди (ўсиш 116%)¹.

Айни чоғда мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора кенгайди. 2016 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ҳажмининг 41,6 фоизга ўсгани, бу кўрсаткич, аввало, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланадиган абонентлар сонининг ўсиши ҳисобидан таъминланганлигини, ҳозирги кунда глобал ахборот маконига кириш хизматларини амалга оширувчи хўжалик субъектлари сони 945 тага, жамоа фойдаланиш пунктларининг умумий сони эса 1053 тага етганлиги (2002 йилда уларнинг сони 88 тани ташкил этар эди), фуқаролар ахборот-коммуникация воситалари орқали турли давлат идораларининг 450 турдаги хизматидан фойдаланиш имконияти яратилганлигини таъкидлаш зарур.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилдаги “Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида”ги ПҚ-1989-сонли қарорига кўра, 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация технологияларни, алоқа тармоқлари ва инфратузилмасини ривожлантириш дастури, электрон ҳукумат тизимини тадбиқ этиш бўйича лойиҳа ва чора тадбирлар рўйхати тасдиқланди, уни амалга оширишни мувофиқлаштирувчи республика комиссияси тузилди.

Ахборот хавфсизлигининг институционал асосларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасида яна бир муҳим ислохотлардан бири бу – бир неча йиллардан буён давлат ҳокимияти органларида жорий этилаётган “электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласининг ҳал этилиши билан боғлиқ жараёнлардир.

Таъкидлаш жоизки, 2015 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Қонунга имзо чекиши жамиятимизда идоралараро, идоралар ва фуқаролар, тадбиркорлар ўртасидаги электрон муносабатларнинг ривожланиши, фуқаро манфаатларининг мустаҳкам ҳимояланиши, Интернет тармоғида таълим-

¹ Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йилнинг 9 ойидаги фаолияти сарҳисоби // URL адрес: <http://www.ccitt.uz>

тарбиявий, фойдали контентнинг яратилиши, ахборотлаштириш соҳасида катта ўзгаришларнинг кенг қамровли янги босқичини бошлаб берди.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, мазкур тизимни ривожлантириш ва унинг қамровини кенгайтиришдаги асосий муаммолардан бири ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласидир. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сон қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 сентябрдаги 250-сонли Қарори қабул қилинди ва унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги қошида “*Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш*” ва “*Ахборот хавфсизлигини таъминлаш*” марказлари ташкил этилди.

Ахборот хавфсизлиги таъминлаш маркази қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ахборот тизимлари хавфсизлиги ва давлат органлари ресурсларини ҳимоялаш;
- ахборот хавфсизлигига хатарларни таҳлили ва тавсифи;
- “электрон ҳукумат” тизимининг ахборот хавфсизлик тизимини такомиллаштириш бўйича қарорларни ишлаб чиқиш;
- ахборот ресурслари ва маълумотлар базаси ахборот хавфсизлигини таъминлашни мувофиқлаштириш;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизими субъектлари фаолиятини ахборот технологияларидан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича мувофиқлаштириш;
- компьютер тизимларига хакерлик хуружлари бўйича маълумотларни тезкор қабул қилиш ва уларнинг олдини олиш бўйича ёрдам кўрсатиш;
- компьютер хавфсизлигининг замонавий хатарлари ҳақида маълумотларни йиғиш, тўплаш ва бошқалар.

Электрон ҳукумат тизимини шакллантириш жараёнида ахборот хавфсизлиги масаласини ҳам биргаликда ҳал этиш мақсадга мувофиқ. Чунки, электрон ҳукумат тизимининг кенгайиши билан, яъни барча давлат ва жамоат органлари, маҳаллий ҳокимиятлар ахборот тизимларининг мазкур тизимга бирлашиши натижасида ахборот ресурслари миқдори ошиб боради. Албатта, бу ерда давлат сирлари, турли конфеденциал характердаги маълумотлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Кўриниб турибдики, ушбу ахборотларга эга бўлишга бўлган ҳаракатлар кучайиб боради. Айнан шу таҳдидлар мавжудлиги сабабли, ахборот хавфсизлиги чора-тадбирларини электрон ҳукумат тизимини жорий этишдан олдин режалаштириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу жараённи амалга ошириш ва бошқаришда давлат ва жамият институтлари фаолиятининг аҳамияти жуда муҳимдир.

Мустақилликнинг 26 йили мобайнида Ўзбекистон Республикасида ОАВ ягона институт сифатида шаклланди ва мазкур институт бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш институти сифатида намоён бўлмоқда. “Тўртинчи ҳокимият” деб аталувчи мазкур

институтнинг ягона тизим сифатида шакллантирилганлиги юқоридаги фикрларимизнинг исботи бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг шаклланишида ОАВ ривожланиши жараёнининг қанчалик аҳамиятга эга эканлигини кўриб чиқамиз.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги (1997 й., 2007 йилда янги таҳрирда қабул қилинган), “Журналистлик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (1997 й.), “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги (1997 й.), “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги (2002 й.) Қонунлари билан тартибга солинади.

2017 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 1514 та оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, 1015 та босма ОАВ, 395 веб-сайт, 100 та ТВ/радио ва 4 та ахборот агентлиги рўйхатдан ўтган. Шулардан, 975 (63,4%) таси нодавлат ОАВ, 539 (36,6%) таси эса давлат ОАВ ҳисобланади. Босма ОАВнинг 54%, веб-сайтларнинг 92%, ТВ/радио ОАВнинг 63% ва ахборот агентликларининг 25% нодавлат ОАВ ҳисобланади. Босма ОАВнинг 68% - ўзбек тилида, 11% - рус тилида, 3% - инглиз тилида ва қолганлари бошқа тилларда нашр этилади. Шунини қайд этиш керакки, ОАВ сифатида рўйхатдан ўтган Интернет-ресурслар сони мамлакатда сўнгги беш йилда 2 баравардан кўпроқ ошган. Жумладан, 2017 йил 1 январь ҳолатига кўра Интернет-ОАВ сони 395 тага етган, уларнинг 363 таси (92%) нодавлат тузилма ҳисобланади. Интернет-ОАВ ҳам ўзбек тилида, ҳам рус, инглиз, француз, немис ва бошқа тилларда ахборот тақдим этмоқда¹.

Дунё ахборот маконида баъзи қудратли давлатлар ҳукмронлик қилишга интилади. Ривожланаётган мамлакатлар эса кўпроқ ўзини ҳимоя қилишга мажбур бўлади. Акс ҳолда, ўша мамлакат катта маънавий зарар кўриши ҳеч гап эмас. Бундай маънавий таҳдидларнинг олдини олиш учун энг самарали йўллардан бири – ахборот истеъмолчиларида, айниқса, ҳали онги тўла шаклланиб улгурмаган ёшларда кучли мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш ва уни муттасил ривожлантириб бориш зарур. Хорижий телевидениелар, радиолар орқали қилинадиган ахборот ҳужумидан ҳимояланиш учун энг самарали йўл – маҳаллий ОАВ орқали аҳолига тақдим этилаётган турли шаклдаги ахборотларни миллий ва маънавий қадриятлар асосида тайёрлаш керакли самараларни беради. Яъни, ахборот хуружларига қарши ОАВдан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Хорижий оммавий ахборот воситалари муттасил тарқатадиган ахборот хуружидан ҳимояланиш йўллари қуйидагича изоҳланади: миллий ахборот инфратузилмасини замон талаблари даражасига кўтариш, миллий оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятида дунёвий давлатлар қабул қилган журналистиканинг сифат стандартларига риоя қилиш, миллий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириб

¹ Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолияти, ривожланиши, эркинлиги кафолатлари тўғрисида таҳлилий маълумотнома (01.01.2017 йил ҳолатига). Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги маълумотларидан // URL-адрес: <http://www.api.uz/ru/content/licence/statistics>.

бориш мақсадга мувофиқдир. Хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиладиган баъзи ахборотлар орқали одамлар онгини манипуляция қилишга ҳаракат қиладиган кучлар талайгина. Улар, айниқса, ёшлар онгини заҳарлашда турли усуллардан фойдаланадилар. Айтайлик, сиёсий латифалар, миш-мишлар, уйдирмалар, таниқли шахсларни обрўсизлантириш, атайин мантиқий хатоларга йўл қўйиш, сохта рейтинг ва сўровлар ўтказиш, қайта-қайта такрорлаб мажбурий ишонтириш, сохта хабарлар, баъзи расмларни монтаж қилиш, атайин ёлғон гапларни тарқатиш орқали қизиқувчан ва ишонувчан ёшлар онгини забт этишга ҳаракат қилинади¹. Шундай шароитда барча журналистлар ахборот маконида юртини ахборот ҳужумлардан ҳимоялашга ҳаракат қилиши тақозо этилади. *Адолатли кураш маърифий кучда намоён бўлади*. Шу маънода, Ўзбекистон ахборот маконининг ўзаро ҳамкорлик имкониятлари кенгайишидан, ҳақиқий миллий, маърифий, хавфсиз майдон бўлиб қолишидан манфаатдордир².

Албатта, юқоридаги каби ахборот таҳдидлари кузатилаётганлигига қарамадан, мамлакатимизда ОАВ фаолияти ўзига хос йўналишда шакллантирилди. Хусусан, қўшни ва хориж давлатларида юз бераётган турли сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий ва бошқа воқеаларга ҳолисона, миллий манфаатлар ҳимоя қилиш нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда муносабат билдириш ОАВ фаолиятининг муҳим мезонига айланиб улгурди. Юз бераётган воқеаларнинг асл моҳиятини чуқур ўрганган ҳолда расмий ҳокимият позициясидан келиб чиқиб, шошилмасдан фикрлар бериш миллий журналистиканинг асосий ютуқларидан бири десак адашмаган бўламиз.

Бу орқали ОАВ ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда миллий манфаатларни ҳимоя қилишнинг муҳим ва етакчи институтига айланди. Тараққиёт йўлини танлаган давлатларда ахборотлашиш қанчалик муҳим ўрин тутаётгани кузатилмоқда. Бугун жамият қанчалик ахборотлашса, унинг миллий манфаатларига хизмат қиладиган ахборотлар шунчалик устувор даражада бўлади. Бундай ахборот ўзга ахборотлар таъсирини пасайтиради, таъбир жоиз бўлса, уни йўққа чиқаради. Ахборотлашган жамиятда ОАВнинг ўрнини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларининг жамият тараққиётидаги ўрни, медиа-тузилмалар ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг замонавий йўллари муҳокама қилиш, миллий журналистиканинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш, юртимизнинг жаҳон ахборот майдонидаги мавқеини оширишга кўмаклашиш, янгиланаётган жамиятда журналистнинг роли, вазифалари ва масъулиятини холис баҳолаш мақсадида анъанавий равишда тегишли тузилмалар билан ҳамкорликда медиафорум ўтказиб келмоқда. Бундан ташқари ҳам ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришга хизмат қиладиган жуда кўп тадбирлар ўтказиб

¹ Қаранг: Мўминов Ф.А. Оммавий ахборот воситалари ва ахборот қарама-қаршилиги. // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг архиви, 2006.

² Қаранг: Абдуазизова Н. Ахборот майдони ҳимояси. // Ўзбекистон матбуоти, 2010. 1-сон, - Б. 27.

келинади. Мақсад – ахборот истеъмолчиларининг талаб ва истакларини қондириб бориш ҳисобланади¹.

Хулоса қилиб айтганда, 26 йил давомида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ўзига хос институционал механизмлар асосида ривожлантирилди. Аввало, ушбу йўналишда давлат ва ҳокимият бошқаруви органларидаги ахборот ҳимояси масаласи қонуний ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу йиллар мобайнида ахборотларни ҳимоялашнинг турли воситаларидан кўр-кўрона фойдаланишга йўл қўйилмади. Аксинча, ушбу соҳадаги нуфузли стандартлаш ташкилотларининг ишончлилиқ стандартларига эга маҳсулотлар ҳамда миллий ишлаб чиқарувчиларимиз томонидан яратилган ҳимоялаш воситалари қўлланилиши қўллаб-қувватланди. Бу орқали миллий ахборот ресурсларининг мустаҳкам ҳимояси таъминланди.

Иккинчи муҳим жиҳат бу - ғаразли ва салбий мазмундаги ахборотларнинг халқимиз маънавияти ва ёшлар тарбиясига таъсирининг олдини олиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳеч кимга сир эмас. ОАВ ва Интернет сайтлари орқали миллий манфаатларимизга мос келмайдиган ахборотлардан ҳимояланиш, доимо огоҳ бўлиш мазмунидаги кўрсатув ва мақолалар мунтазам омма эътиборига тақдим этилмоқда. Бу каби ишларни доимий амалга ошириш самарали натижаларни беради.

Яна бир муҳим жиҳат бу – соҳага оид кадрларни тайёрлаш тизимининг шаклланиши ҳисобланади. Мазкур соҳада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимининг шаклланиши

Янги юз йилликда ахборот телекоммуникация технологияларининг жадал суръатларда ривожланиши бизнинг ҳаёт тарзимизни ўзгартириб, ХХІ асрда ахборот жамиятни шакллантиришнинг асосий омилларидан бирига айланишига сабаб бўлмоқда. Инсон фаолиятининг барча жабҳалари ахборотни қабул қилиш, қайта ишлаш ва ўзлаштириш жараёнлари билан чамбарчарс боғлиқдир. Ривожланишнинг замонавий босқичида ахборот технологиялари жамиятни мўътадил тараққий этишига бевосита таъсир этувчи илмий техникавий тараққиётнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фаолиятнинг юқори суръатларида автоматлашиб бориши ахборот хавфсизлиги кўрсаткичларини пасайиш хатарини кучайтиради. Ахборот технологияларининг кенг тарқалганлиги ва ахборотга ноқонуний эга бўлишнинг мавжудлиги хавф солувчи таъсирларга кўпроқ мубтало бўлади. Шу сабабдан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи доимо долзарб бўлиб қолмоқда.

Ахборот телекоммуникация технологиялари соҳасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш бўйича мамлакатимиз 50 йилдан ортиқ тарихга эга бўлиб, бу йўналиш 90-йилларнинг бошларида янги кўринишда шакллана

¹ Эшбеков Тўлқин. Мафкура майдонида ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув-услугий қўлланма. –Т.: ЎзМУ, 2011. - Б. 15.

бошлади. Бу кўриниш янги соҳа – ахборот хавфсизлиги соҳасини ривожланишига туртки бўлди. Республикамизнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласида асосий эътибор соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларда замонавий таҳдидларга қарши курашиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий вазифаларидан бири бу - таълим сифатини ошириш ҳисобланади. Миллий дастур ва замон талабларига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритувчи таълим муассасаларининг аҳолини яхшилаш масаласида ҳукуматимизнинг бир қатор қарорлари ва режалари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.06.2005 йилдаги №ПП-91-сонли “Ахборот технологиялар соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори асосида Тошкент ахборот технологиялари университетининг (ТАТУ) “Ахборот технологиялари” факультетида электрон коммерция, мультимедиа, компьютер графикаси, автоматлашган бошқарув тизимлари ва ахборотни қайта ишлаш йўналишлари билан бирга ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича ҳам мутахассислар тайёрлана бошланди. Ҳозирда ушбу йўналишлар бўйича 3000 га яқин профессор-ўқитувчилар ўз малакаларини оширдилар. Малака ошириш курсларида асосий эътибор ахборот хавфсизлиги, криптология, криптография, криптоанализ ва бошқаларга қаратилмоқда. “Ахборот хавфсизлиги” йўналиши бўйича таълим олаётган талабалар ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, узатиш ва қабул қилиш жараёнларида ахборотларнинг бутунлигини, ахборот тармоқларига рухсатсиз киришни тақиқлаш, ахборотлардан фойдаланишда махфийликни таъминлаш, ахборот ресурсларидан фойдаланиш тартиби, ахборот ҳимоясининг криптографик усуллари, уларнинг техник ва дастурий таъминоти билан танишмоқдалар. 2006 йилнинг январь ойидан бошлаб фаолият юрита бошлаган “Ўзбек-Ҳинд” ахборот технологиялари марказида ҳам асосий эътибор ахборот хавфсизлиги йўналишида фаолият олиб борувчи жисмоний шахсларнинг билим доираларини кенгайтириш, малакаларини оширишга қаратилган. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ битирувчиларининг асосий қисми Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлимларида, Ўзбекистон миллий телерадио компаниясида, турли вазирлик ва давлат органларида, лойиҳалаш ва илмий-тадқиқот олиб борувчи ташкилотлари ва ўқув юртларида ўз иш фаолиятини олиб бормоқдалар.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУда ахборот технологиялари йўналиши бўйича дипломга эга бўлганлар учун магистратура ташкил этилган бўлиб, магистратурада ахборот хавфсизлиги ўқув курси бўйича 56 соат дарс ўтилади. Бу курсда магистрантлар ахборот хавфсизлигининг асосий тушунчалари ва терминлари, ахборот хавфсизлигига таҳдидлар, хавфсизликни таъминлаш механизми ва ҳимоялаш усуллари, бундан ташқари ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий ишлар ва хизматлар билан танишадилар.

Шунингдек, ахборот-психологик хавфсизлик йўналишида кадрлар тайёрлаш масаласига 2006 йил 7 августда Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши тавсияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 163-сонли қарори асос бўлди. Ушбу қарор асосида 2006-2007 ўқув йилидан бошлаб 21 та гуманитар йўналишидаги олий ўқув юртларида 36 соатли “Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик” ўқув курси киритилди. Шу мақсадда 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамаси тавсияси асосида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси томонидан мамлакатимиз олий ўқув юртларида ушбу фан бўйича маърузачилар этиб тайинланган 75 ўқитувчи малакасини ошириш курслари ўтказилди. Курсларни муваффақиятли битирганларга ушбу фандан дарс беришга рухсат берадиган сертификатлар топширилди¹.

Мазкур курслар дастури Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ишлаб чиқилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда юзага келаётган муаммоларнинг самарали ечими бевосита ахборот соҳасида давлатимиз миллий манфаатларининг мустаҳкам ҳимояланганлик ҳолатининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Таълим муассаларида ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашда қуйидаги талабларга аҳамият берилмоқда:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий хавфсизлик ва таълим соҳаларига доир қонунларга амал қилиш;

– шахс, давлат ва жамият қизиқишларининг мутаносиблигини эътиборга олиш;

– соҳа мутахассисларини тайёрлашда таълим муассаларини рационаллигини танлаш;

– кадрларни бир неча босқичда саралаб олиш (ўқувчи ва профессор-ўқитувчиларни);

– йўналишда махфий ва номахфий ахборот билан ишловчи мутахассисларларни тайёрлаш мутаносиблигини сақлаш;

– ахборот хавфсизлигининг дастурий-аппарат, криптографик, техник, ахборот-психологик, ташкилий ва ҳуқуқий методларини эътиборга олиб, кадрлар тайёрлашнинг ягона тизимини шакллантириш.

Ахборот хавфсизлиги масаласи фақат махсус хизматлар доирасида кўриб чиқилган бўлса, ҳозирда эса шахс, жамият ва давлат манфаатларининг муҳим предмети сифатида шаклланмоқда:

– ахборот замонавий жамиятнинг ривожланишини белгиловчи энг асосий атрибут бўлиб қолмоқда;

– инсон фаолиятининг ҳамма жабҳаларига компьютерларнинг кириб келиши, ахборотлар йўқолишининг янги каналлари ва рухсат этилмаган киришларни пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда;

¹ Мўминов Ф., Баротов Ш. ва бошқ. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013. – Б. 6.

– очик жамият сари интилиш тобора махфий ахборотларни сақланишини қийинлаштирмоқда.

Республикамиз ўқув муассасаларида талабалар билим савиясини замонавий кўринишда шакллантириш мақсадида, ўқув жараёнларига замонавий педагогик технологияларни татбиқ қилиш билан биргаликда, янги ўқув предметларини киритиш ва жорий этиш асосий талаблардан бири ҳисобланмоқда. Янги йўналиш сифатида ўқув жараёнига кириб келаётган ахборот хавфсизлиги предмети, республикамизнинг бир қанча олий ўқув юртларида, касб-ҳунар коллежларида ва лицейларида ўқитилмоқда.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУда ва университетнинг жойлардаги филиалларида ахборот хавфсизлиги йўналишида мутахассислар тайёрланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2016 йил 25 январдаги йиғилишининг 5-сон баёни билан тасдиқланган Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил II ярим йиллиги иш режасининг 10-бандига мувофиқ белгиланган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда вазирлик томонидан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУда “Ахборот хавфсизлиги” факультети ва факультет қошидаги мутахассислик кафедраларини ташкил этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш юзасидан, шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУда “Ахборот хавфсизлиги” факультетини ташкил этиш масаласи Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникацияси хавфсизлиги масалалари бўйича Техник кенгаш мажлисининг 2016 йил 18 июлдаги 3-сон баёнини ва Тошкент ахборот технологиялари университети 2016 йил 29 августдаги 1(661)-сон Кенгашининг университет ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш масаласи бўйича Қарори асосида “Компютер инжиниринги” факультети таркибидаги “Ахборот хавфсизлиги” кафедраси “Ахборот хавфсизлиги” факультети таркибига ўтказилди, ҳамда унинг негизида “Ахборот хавфсизлигини таъминлаш” ва “Криптология ва дискрет математика” кафедралари ташкил этилди¹.

Факультетда қуйидаги йўналишлар бўйича бакалаврлар ва магистрлар тайёрланади.

Бакалавриатура йўналишлари:

- 5330500 - Компютер инжиниринги (“Ахборот хавфсизлиги”);
- 5330300 - Ахборот хавфсизлиги (“Ахборот, коммуникация технологиялари ва сервис”).

Магистратура йўналиши:

- 5А330501 - Компютер инжиниринги (“Ахборот хавфсизлиги, криптография ва криптоанализ”).

Бугунги кунда кафедрада 1 та профессор, 3 та доцент, 10 та ассистент профессор-ўқитувчилар педагогик ва илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кафедрада ўқитиладиган 14та фан бўйича ишчи дастур ва маъруза матнлари тайёрланган.

Мазкур факультетда мунтазам Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги

¹ Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУ сайти. Тузилма – Факультетлар - “Ахборот хавфсизлиги” факультети. // URL-адрес: https://tuit.uz/fakultetlar/axborot_xavfsizligi

томонидан молияланадиган амалий ва фундаментал лойиҳалар ҳамда хўжалик шартномалари, жумладан 2014 ва 2015 йилларда 3 та фундаментал, 2 та амалий ва 2 та хўжалик шартномаси асосида, ўртача йилига 200 млн. сўмдан ортиқ ахборот-коммуникация тизимларида ахборотни ҳимоялаш усуллари ва воситаларини яратиш мавзуларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Факультетнинг бир гуруҳ катта илмий ходим-изланувчилари ва мустақил тадқиқотчилари ушбу илмий-тадқиқот ишлари билан узвий боғланган мавзуларда докторлик диссертацияларини тайёрламоқда.

Лекин, ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланишининг ҳозирги аҳволини ижобий деб баҳолаб бўлмайди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУда ахборот хавфсизлиги йўналишида мутахассислар тайёрланиши аҳволини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

биринчидан, ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича мутахассисларни ўқитишда малакали педагог мутахассислар етишмайди;

иккинчидан, информатика ва ахборот технологиялари ўқув курслари асосида дарслар ташкил этилган;

учинчидан, ахборот хавфсизлиги бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ташкил этиш учун техник ва дастурий воситалардан самарали фойдаланиш имкониятлари йўлга қўйилмаган.

“UzInfoCom” маркази раҳбарининг *“Вазирликларда ахборот хавфсизлиги таъминланганлик ҳолати мониторинги натижалари”* маърузасида, республика вазирликларидаги компьютер тармоқлари хавфсизлигини таъминлаш бўйича ташкилий ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги таъкидланди. Фақатгина, Молия, Ички ишлар ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларида компьютер тармоқлари хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари яхши ташкил этилганлиги айтиб ўтилди¹.

Жумладан, ички ишлар тизимларида жойлашган ҳар бир компьютердаги маълумот ўзига хос даражада махфий ёки конфиденциал бўлиб, ахборот хавфсизлиги масаласи жуда муҳимдир. Ҳозирги кунга келиб ички ишлар тизимларида ахборот хавфсизлиги масаласида бир қанча ишлар амалга оширилди:

Биринчидан, ички ишлар тизими корпоратив компьютер тармоғи ёпиқ тармоқ бўлиб, унга ташқаридан уланиш имкони йўқ;

Иккинчидан, ҳар бир ишчи ўрнига соҳасига қараб ўзига керакли бўлган базаларгагина кириб, ундан фойдаланиш имкони яратилган, яъни ҳар бир фойдаланувчи учун тегишли пароль ажратилган бўлиб, ушбу пароль орқали тегишли базаларга кириш имконига эга бўлади. Улар базадан фақат, сўровлар жўнатиб жавоб олиши ва уни ўзгартириш имкониятига эга. Администратор компютеридан ташқари ҳеч бир ишчи ўридан базадаги маълумотларни ўзгартириш имкони йўқ.

Ахборот хавфсизлиги масаласи ИИВ бўлинмаларида жуда муҳим бўлганлиги сабабли, ҳозирги кунда шу билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд, жумладан:

¹ Баённома №14 “Ахборот-коммуникация технологиялари ва компютерлашни ривожлантириш бўйича координацион кенгаш йиғилиши”. Тошкент ш. 23 март 2016 йил (№ 08-12-28 27.03.2016 й.).

– ИИВ марказий аппаратида ёки бошқа бирон бир ички ишлар органларида ҳам ахборот хавфсизлигига жавобгар махсус бўлим йўқ. Ушбу бўлимни ташкил этиш эса ўзига хос бир қанча муаммоларга эга бўлиб, биринчидан маблағ масаласи бўлса, иккинчидан қонуний хат ҳужжатларнинг етишмаслигидир;

– Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ёки бирон бир масъул ташкилот томонидан давлат бюджет ташкилотларида юқорида кўрсатилган йўналиш бўйича иш олиб борувчи бўлим ташкил этиш бўйича тавсиялар ва йўл-йўриқлар ёки мажбуриятлар белгилаб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– Бундан ташқари, ҳар бир сотиб олинаётган компьютерни ахборот хавфсизлиги талабларига жавоб бериш ёки бермаслигини текшириш муаммоси ҳам мавжуд бўлиб, бу вазифани ҳам юқоридаги бўлим зиммасига юклаш ва керакли техник воситалар билан таъминлашни таклиф этаман. ИИВ бюджет ташкилоти бўлганлиги сабабли, ушбу муаммоларни ечишда шу ишларга масъул ташкилотлар ёрдамига муҳтождир.

Ўзбекистон Республикаси ИИВда ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги ташкилий ишлар яхши йўлга қўйилган, лекин ахборот технологиялари ва хавфсизлиги йўналишида мутахассислар етишмаслиги вазирликларда асосий муаммолардан бири ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги йўналиши ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида асосий таълим йўналиши сифатида ўқитилиши лозим. Лекин айти пайтда, бир қатор ўқув муассасаларида “ахборот хавфсизлиги” фани “ахборот технологиялари” курси ичида бир нечта мавзу орқали ўқитилмоқда. Тайёрланаётган ва қайта ўқитилаётган мутахассисларнинг айнан ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича билим салоҳияти айтарли даражада юқори эмас. Ахборот хавфсизлиги йўналишида ўтилаётган мавзуларда фақат асосий тушунчалар, терминлар, умумий назарий маълумотлар берилади. Ҳаттоки, информатика ва ахборот технологиялар йўналиши бўйича битираётган мутахассислар ҳам иш фаолиятини бошлагандан сўнг билим савияси пастлиги ёки етишмаслиги туфайли, қайта ўқишга мажбур бўлмоқдалар.

Охириги 5 йил ичида “транспорт ва алоқа” соҳаси бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларида 90 мингга яқин мутахассислар тайёрланган¹. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтказилган эксперт сўровлар натижасига кўра, кўпгина битирувчилар етарли билим даражасига эга эмас. Бирор ташкилот ёки ўқув муассасасида иш бошлаётган мутахассис, ушбу ташкилот ёки ўқув муассасаси қўяётган бошланғич иш талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шу сабабдан, ташкилот ёки ўқув муассасаси ёш мутахассисларни қайтадан ўқитиш масъулиятини ўз зиммасига олишга тўғри келмоқда.

Ҳозирда, таълим тизимида хусусий ўқув муассасалари ҳам фаолият олиб бормоқда. Бу ўқув муассасаларини давлат олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан таққослаганда, уларнинг ўқитиш даражаси ва бозор конъюктурасига мослик имкониятлари жиҳатдан анча устун ҳисобланади. Айрим нодавлат ўқув муассасалари, масалан, Microsoft ва Cisco Networking Academia каби

¹ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, –Т.: 2015. – Б. 106.

муассасалар халқаро компаниялар сертификатлари асосида мутахассислар тайёрлайди ва давлат ўқув юртларига нисбатан мукамал ўқитиш тизими жорий қилинган.

Долзарб масалалардан яна бири, малакали мутахассисларнинг ақлий меҳнатга тўланаётган ҳақ миқдоридан қоникмаслиги оқибатида юзага келадиган муаммолар ҳисобланади. Бу муаммолар ичида энг муҳими, соҳа мутахассисларининг меҳнат миграциясидир.

Ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада шакллантириш учун ҳуқуқ-тарғибот органлари мутахассисларининг ҳам ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билимларини ошириш зарур. Биринчидан навбатда, компьютер маълумотлари соҳасидаги жинойтларга қарши курашувчи ҳуқуқни ҳимоя қилиш, суд ва прокуратура органлари мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласини ҳал қилиш керак.

Ахборот хавфсизлиги соҳаси таълим дастури бўйича меъёрий-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш зарур. Бундан ташқари, ушбу соҳада ўқитувчи кадрлар малакасини ошириш бўйича давлат стандартини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги келтирилган мисоллардан шуни таъкидлаш керакки, ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш жараёнини босқичма-босқич ва кечиктирмаган ҳолда ташкил этиш талаб этилади. Ушбу йўналишда мутахассислар тайёрлаётган ўқув муассасалари малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитишни ташкил этишлари зарур.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш ўқув жараёнида юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш учун қуйидаги масалаларни ҳал қилиш мақсадга мувофиқ:

– биринчидан, ўқув-услубий ҳужжатларни қайта ишлаб чиқиш, ўқув дастурларни тузишда амалий ва лаборатория машғулотлари соатини ошириш, машғулотлар давомида визуал электрон ўқув дастурлари, компьютер тармоқларида маълумотлар алмашиш хавфсизлигини таъминловчи техник ва дастурий воситаларидан кенг фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш;

– иккинчидан, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги давлат таълим стандарти ва у билан боғлиқ ҳужжатларни халқаро стандартлар билан солиштирган ҳолда, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун татбиқ этиш;

– учинчидан, ахборот хавфсизлиги соҳаси мутахассислари малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва ахборот хавфсизлиги соҳасига тегишли ўқув-услубий қўлланмалар электрон маълумотлар базасини яратиш;

– тўртинчидан, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ҳуқуқ, бошқарув, иқтисодий-ижтимоий ва техник характерга эга йўналишларида ахборот хавфсизлиги муаммолари бўйича ўқув дастури мажмуини яратиш ва татбиқ этиш;

– бешинчидан, аниқ ва техник фанлар йўналишларида ахборот хавфсизлиги предметининг ўқитилишида, таълим тизими таркибини техник ўқув юртлари ва университетларнинг математика факультети анъаналари билан мослаштириш зарур.

– олтинчидан, халқаро таълим жараёнларида қатнашиш, бевосита тажриба ва малакалар алмашиш;

– еттинчидан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бир қатор вазирлик ва қўмиталар билан биргаликда, давлат ташкилотларида турли лавозимларда ишлаётган раҳбарлар ва ходимларнинг ахборот хавфсизлиги муаммолари бўйича малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, республикада ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Истиқболда амалга ошириладиган вазифалардан асосийлари ўқув-улубий, техник ва дастурий базани такомиллаштириш, ривожланган давлатларнинг шу соҳадаги тажрибаларини татбиқ этиш ҳисобланади.

III БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ, ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

3.1. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари шаклланишининг бугунги ҳолати

Давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси миллий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, давлат сиёсатининг бирламчи масаласига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсати қуйидаги тўрт тамойил асосига қурилган:

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни амалга оширишда Конституция, қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва нормаларига амал қилиш;

– давлат ҳокимияти органлари ва жамоат уюшмаларининг функцияларини амалга оширишда ошкораликни таъминлаш;

– ахборот соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик жараёнлари барча иштирокчиларининг, қандай сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий мақомга эга бўлишидан қатъи назар, фуқароларнинг ахборотни қонуний тарзда эркин қидириш, олиш, бериш, ишлаб чиқариш ва тарқатиш борасидаги конституцион ҳуқуқига асосланган ҳуқуқий тенглигини таъминлаш;

– республикада замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларини жадал ривожлантириш, миллий телекоммуникация тармоқларини такомиллаштириш ва уларни дунё миқёсидаги ахборот тизимларига улаш имконини берадиган техник ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида давлат ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида ахборот хавфсизлигига бўлган таҳдидларни холис ва ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда буни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Шунингдек, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро органларининг Ўзбекистон

Республикасининг ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, уларни қайтариш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ишларини ташкил этади. Айтиш пайтда, жамоат уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар ҳақида аҳолига объектив ахборот бериш, жамиятни сохта ва нотўғри ахборотлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди ҳамда ахборотни ҳимоя қилиш воситаларининг ишлаб чиқилиши, яратилиши, ривожлантирилиши, қўлланиши, экспорт ва импорт қилинишини уларни сертификатлаштириш ҳамда лицензиялаш орқали назорат қилади. Булардан ташқари, давлат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан зарур ҳомийлик сиёсатини амалга оширади, ички бозорни сифатсиз ахборотлаштириш воситалари ва маҳсулотларидан ҳимоялаш чораларини кўради ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга жаҳон ахборот ресурслари ва тизимларига киришга рухсат берилишига кўмаклашади. Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирадиган Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастурининг ишлаб чиқилишини ташкил этиш, жаҳон ахборот тармоқлари ва тизимларининг байналмилаллашуви ҳамда жаҳон ахборот ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шартларига қўшилишига имконият яратиш ҳам давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалари сирасига киради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ягона тизимини яратишга бўлган объектив эҳтиёж ахборотни муҳофаза қилишнинг давлат тизими шаклланишида ва ахборот хавфсизлигининг ҳуқуқий базасининг ривожланишида ўз ифодасини топмоқда. Бугунги кунгача республикамизда ахборот хавфсизлигини таъминлашга доир 10 дан ортиқ қонунлар ва 15 дан ортиқ Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Буларга “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон ҳисоблаш машиналари дастурлари ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонун ҳужжатлари, “Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, “Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорлари ва бошқаларни келтириб ўтиш мумкин.

Шу ўринда, ахборот хавфсизлигига оид тушунчаларни аниқлаб олиш, уларга соҳа мутахассислари томонидан берилган таърифларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади¹.

Ахборот хавфсизлигига таҳдидлар – шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги ҳаётини муҳим манфаатларига хавф солувчи шарт-шароит ва омиллар ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги давлат сиёсати – давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари уни амалга оширишидаги расмий қарашлар ва амалий чора-тадбирлар мажмуи.

¹ Ахборот хавфсизлиги асослари. Маърузалар курси. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – Б. 20-29.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими – мазкур соҳани тартибга солувчи органлар, усуллар, куч ва воситалар мажмуидир. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ушбу соҳада давлат сиёсатини амалга оширишга мўлжалланган ва мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ахборотни муҳофаза қилишнинг давлат тизими ахборотни муҳофаза қилиш соҳасида ташкилотлар фаолиятини лицензиялашнинг осттизимини, ахборотни муҳофаза қилиш воситаларини сертификациясини ва ахборот хавфсизлиги талаблари бўйича ахборотлаштириш объектларини аттестациясини, кадрларни тайёрлаш, махсус алоқа тизимлари, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ташкиллаштириш тизимларини ўз ичига олувчи мураккаб тизимдир.

Ахборотни муҳофаза қилишнинг давлат тизими ахборотни ҳимояловчи техникани қўллайдиган идоралар ва ижро этувчилар ҳамда ҳимоя объектлари мажмуини ифодалайди. Бу тизим ахборотни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқий, ташкилий-бошқарув ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этилади ва фаолият юритади. Шу билан бирга мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва давлат хавфсизлигини ахборот соҳасидаги ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялашга йўналтирилади.


Маълумки, халқаро тажрибага мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими икки асосий йўналишда шакллантирилади.

Биринчи йўналиш – ахборот тармоқлари, тизимлари, манбаларининг ҳимояланганлигини билдириб, ахборот хавфсизлигининг техник жиҳатларини ифодалайди. Ахборотни ҳимоялаш ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари билан боғлиқ.

Иккинчи йўналиш – мафкуравий компонентга асосланади ва ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Яъни, бу - ижтимоий фикр, оммавий онг, омма кайфиятини шакллантириш, тарғибот, ОАВ фаолияти билан боғлиқ мажмуадир.

Шу боис, мазкур икки йўналишни бирлаштирган ҳолда ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, давлат ҳокимияти органлари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармалари фаолиятини мувофиқлаштириш ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг кафолатли таъминланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда *Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асоси* шакллантирилган ва бу қуйидаги муҳим таркибий элементлардан ташкил топган:



Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг конституцион ваколатлари доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ва хизматлари фаолиятини бошқаради, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга рухсат беради, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат хизмати ва органларини шакллантиради, фаолиятини қайта ташкил қилади ва тугатади, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб беради¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши аппарати ўз ваколати доирасида давлат ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича ишларни олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколати доирасида ва ахборот хавфсизлигининг устувор йўналишлари асосида вазирликлар, давлат идоралари, вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек мазкур соҳада амалга оширилаётган давлат дастурларига ажаратилаётган бюджет маблағларининг тақсимотини кўриб чиқади ва ижросини таъминлайди².

Вазирликлар ва давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида Президент ва Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари бажарилишини назорат қилади, мазкур соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий актларни ишлаб чиқади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, -Т.: “�збекистон”, НМИУ, 2015. – Б. 42-50.

² Юқоридаги манбада – Б. 98-99.

Идоралараро ва давлат комиссиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилиб, ўзларини юклатилган ваколат доирасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари конституция ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти кўрсатмаси асосида мамлакат ахборот хавфсизлигининг қонуний базасини шакллантиради.

Суд ҳокимияти органлари ахборот соҳасида давлат, жамият ва шахснинг қонуний манфаатларига қарши уюштирилган тажовузкорлик билан боғлиқ жиноят ишларини суд қилади, фаолияти ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ҳуқуқлари бузилган фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг судга оид ҳимоясини таъминлайди¹.

Вилоят, шаҳар ва туман ижро ҳокимияти органлари ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилиши ҳамда соҳага оид давлат дастурларининг амалга оширилиши юзасидан вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этишга фуқаролар, ташкилотлар ва жамоат уюшмаларини кенгроқ жалб қилиш мақсадида фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда турли тадбирларни амалга оширади².

Шу билан бирга, **Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг куч тизимига** қуйидаги вазирлик ва идоралар киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси республика ҳудудида ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунларнинг бажарилиши устида назоратни амалга оширади³.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ўз ваколати доирасида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат қонуний манфаатларига бўладиган турли тажовузлар билан боғлиқ жиноят ишларини судини амалга оширади ҳамда фаолияти ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг бузилган ҳуқуқларининг суд ҳимоясини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ахборот соҳаси ва компьютер жиноятчилигига оид қонун бузилишларига қарши кураш олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси “қароқчилик” маҳсулотларининг ноқонуний кириб келиши ва олиб чиқиб кетилиши устидан назоратни амалга оширади ва шу орқали республикада муаллифлик ва патентлик ҳуқуқлари бузилишининг олдини олади⁴.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, -Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2015. – Б. 58-63.

² Юқоридаги манбада – Б. 54-58.

³ Юқоридаги манбада – Б. 66-68.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1997 йил 8 июль №ПҚ-1815-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон, 182-модда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси сертификатланмаган аудио ва видео муҳсулотлар, CD-DVD дисклар ва ахборот ташувчилар ноқонуний тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбир амалга оширади, давлат иқтисодий манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ахборот хавфизлиги соҳасидаги солиққа оид жиноятларга қарши кураш олиб боради¹.

Бундан ташқари, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан ташкил этилган **Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, коммуникация тармоқларини ҳимоялаш, дастурий маҳсулотларни, ахборот тизимлари ва ресурсларини ривожлантириш учун замонавий технологияларни жорий этиш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, кадрларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил этиш вазирлик фаолиятининг муҳим вазифалари қаторида киритилди. Электрон ҳукумат тизимини ривожлантириш ва уни ташкил этувчилари ахборот хавфсизлигини таъминлаш вазирлик фаолиятининг муҳим йўналишлари ҳисобланади².

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимининг шаклланиши жараёнида қуйидаги муаммолар юзага келмоқда ҳамда соҳанинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатмоқда:

– ахборот хавфсизлиги соҳасида малакали кадрларнинг етишмаслиги (мутахассисларнинг хорижга чиқиб кетиши);

– кўпгина давлат ташкилотларида ахборот хавфсизлиги бўйича махсус бўлимнинг йўқлиги, ахборот хавфсизлиги таъминлаш вазифаси махсус билимга эга бўлмаган мутахассисларга юклатилган;

– давлат органларида ахборот хавфсизлиги лойиҳа ва тадбирларини тизимли молиялаштиришнинг йўлга қўйилмаганлиги;

– давлат органларида ёппасига лицензияланмаган ва ўғирланган операцион тизим ва офис дастурий маҳсулотларидан фойдаланиш (молиялаштиришнинг йўқлигидан);

– давлат хизматчиларида ахборот хавфсизлиги ва маълумотларни ҳимоялаш бўйича керакли кўникмаларнинг етишмаслиги;

– давлат ташкилотларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фақатгина, компьютер хавфсизлиги (антивирус, firewall) масаласи билан чекланган.

Ушбу муаммоларнинг самарали ечимларини аниқлаш ва уларни ҳал этишнинг қулай механизмларини амалиётга татбиқ этиш учун **ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ягона тизимини** яратиш объектив эҳтиёж сифатида юзага келади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, аввало, вазирлик ва давлат идораларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича **бўлимлари**

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 1997 йил 29 август №ПҚ- 474-I-сон Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; 9-10-сон, 182-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 5-сон, 67-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 2015 йил 4 февраль №ПҚ-4702-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 5-сон, 52-модда.

фаолиятини мувофиқлаштириш талаб этилади. Бунинг учун давлат ҳокимияти бошқаруви органларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда **ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ягона қоидаларни** ишлаб чиқиш лозим. Ушбу жараёнда ахборот хавфсизлиги соҳасида ягона **давлат сиёсатини олиб бориш ваколати юклатилган давлат органини** аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, соҳада юзага келаётган долзарб муаммоларни аниқлаш ҳамда уларнинг ечимлари юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

3.2. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари

Маълумки, *ҳаётий муҳим миллий манфаатлар* – бу миллатнинг тарихий-маданий бирлик сифатида ўзини-ўзи сақлаб қолиши, миллий қадриятларни, жамият ва давлат институтларини етарли даражада ҳимоялаш, шахс, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши ва суверенитетини таъминлаш билан боғлиқ эҳтиёжларнинг чуқур англаб етилган ва эътироф этилган тизимидир.

Ахборот ҳамда ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашдаги асосий *миллий манфаатлар* қуйидагилардан иборат:

– конституцион тузумга қарши қаратилган турли хил ташқи, шу жумладан, бузғунчи мазмундаги ахборотларнинг тарқалиши билан боғлиқ вазиятларни баратараф этиш, шундай вазиятлар юзага келишининг олдини олиш;

– давлат сиёсатини ахборот билан таъминлаш, олиб борилаётган сиёсат ҳақида объектив ахборотни кенг омма, шу жумладан, халқаро ҳамжамиятга етказиш, мамлакат ва дунёда рўй бераётган воқеаларга давлатнинг расмий муносабатини ёритиб бориш;

– аҳолининг ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш;

– жамиятнинг маънавий-маърифий асосларига путур етказишга қаратилган турли мафкуравий таъсир ва ахборот оқимларидан фуқаролар онгини ҳимоя қилиш;

– жамиятнинг маънавий-маърифий қадриятлари, инсонпарварлик ва ватанпарварлик удумлари, мамлакатнинг маданий, илмий салоҳияти сақланиши учун давлат томонидан етарли даражада шароитларни яратиш;

– мамлакатда замонавий ахборот технологияларининг, ахборот индустриясининг ривожлантирилиши, миллий ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишнинг таъминланиши;

– мамлакат ахборот ресурсларининг ноқонуний хуружлардан ҳимоя қилинганлиги, миллий ахборот ва телекоммуникация тизимлари хавфсизлиги мустаҳкам ва етарли даражада таъминланганлиги.

Бугунги кунда ушбу масала давлат даражасида муҳокама этилишига ва унга қарши биргаликда курашишга қарамасдан ахборот хавфсизлигини таъминлашга баъзи бир омиллар тўсқинлик қилиб келмоқда:

- давлат органлар ва ташкилотлари доирасида қабул қилинган ягона стандартнинг мавжуд эмаслиги;
- ахборот хавфсизлиги соҳасига турлича ёндашувлар ва миллий қонунчиликлардаги тафовутлар;
- ахборот соҳасидаги инфратузилмаларнинг ҳар хил даражада ривожланганлиги;
- техник ва дастурий чораларни амалга оширишдаги қийинчиликлар ва ҳ.к.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари тўлақонли шаклланган деб бўлмайди. Ушбу остғизимда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Олдинги бўлимда бир нечта давлат ва жамоат институтларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий вазифалари келтириб ўтилган эди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлашдаги фаолиятини ягона тизимга солиш ишларини кечиктирмасдан амалга ошириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари, нафақат, ахборот инфратузилмаси объектларини, балки шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялашнинг давлат ва жамоат институтларини ҳам қамраб олмақда. Хусусан, Республика маънавий тарғиботи ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари турли кўринишдаги мафкуравий ахборот хуружларига қарши курашиш борасида самарали чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Ушбу марказлар саъй-ҳаракатлари билан ёшларнинг мафкуравий иммунитетини оширишга қаратилган чора-тадбирлари, хусусан, фестиваллар, конкурслар, турли мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим қисмидир. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигига таҳдид сифатида қаралади:

- фуқароларнинг маънавий турмушига, ахборот соҳасидаги конституцион ҳуқуқ ва эркинликларига, индивидуал, жамоавий, ижтимоий онгга ҳамда Ўзбекистоннинг маънавий тикланишига таҳдидлар;
- Ўзбекистон Республикасининг ахборот таъминотида оид давлат сиёсатида таҳдидлар;
- республика ахборот саноати, жумладан, ахборотлаштириш, телекоммуникация ва алоқа воситалари саноатининг ривожланиши, ички бозорнинг ушбу маҳсулотларга бўлган талабининг қондирилиши ҳамда уларнинг жаҳон бозорига чиқиши, шунингдек, республикада ахборот ресурсларининг тўпланиши, сақланиши ва улардан самарали фойдаланилишига бўлган таҳдидлар;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яратилган ахборот-телекоммуникация восита ва тизимларининг хавфсизлигига таҳдидлар.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлиги таъминланиши ҳолатини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Республикада сиёсий ва иқтисодий

ҳаётида юз бераётган туб ўзгаришлар, бевосита ахборот хавфсизлиги ҳолатига ҳам таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, ахборот хавфсизлиги ҳолатини ва бу соҳадаги долзарб муаммо ва йўналишларни аниқлашда янги омиллар юзага келади. Буларни *сиёсий, иқтисодий ва ташкилий-техник* омилларга ажратиш мумкин.

Сиёсий омиллар:

- дунёнинг турли минтақаларида геосиёсий ҳолатнинг ўзгариши;
- ривожланган давлатларнинг ахборот экспансияси, яъни дунёнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва бошқа жараёнларини глобал мониторингини амалга ошириши;
- ҳуқуқий-демократик, ахборот олиш эркинлиги, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантириш тамойиллари асосида давлат сиёсатини олиб бориш;
- ички сиёсий таназзулнинг юзага келиши: давлат бошқарув тизимлари, ҳудудий давлат тузилмалари орасидаги зиддиятлар;
- ички сиёсий блок, иттифоқ, альянслар фаолияти, янги ҳарбий-сиёсий бирлашмаларнинг тузилиши, дунёнинг геосиёсий кучларига таъсири;
- ислохотларни амалга ошириш жараёнида Ўзбекистоннинг хориж давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш;
- терроризм ва экстремизм, криминал вазиятнинг кескинлашуви, компьютер жиноятчилиги сонининг ошиши, айниқса, молия-кредит соҳасида.

Иқтисодий омиллар:

- Ўзбекистоннинг дунё иқтисодий ҳамжамиятига фаол кириб бориши, кўплаб маҳаллий ва хорижий нодавлат тузилмаларининг пайдо бўлиши, яъни, ахборот тарқатувчи ва йиғувчи, ахборотни ҳимоялаш ва ахборотлаштириш воситалари, товар муносабатлар тизимнинг ахборот маҳсулотлари;
- Ўзбекистон ахборот инфратузилмаси ривожланиши манфаатлари асосида хориж мамлакатлари билан кооперацияларни кенгайтирмоқда;
- коммуникацион глобаллашув, бутун дунё иқтисодий жараёни ривожланишига таъсир кўрсатишнинг ўсиши;
- Ўзбекистонда янги ахборот технологияларининг татбиқ этилиши ва ривожланишининг замонавий дунё иқтисодий-технологик ривожланиш даражасидан орқада қолаётганлиги.

Ташкилий-техник омиллар:

- ахборот муносабатлари ва айнан ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг етишмаслиги;
- ахборотлаштириш воситалари, ахборот маҳсулотлари ва хизматлари бозори ривожланиши ва фаолияти жараёнларининг давлат томонидан суст назорати;
- давлат бошқаруви ва молия-кредит соҳаларида ташқи таъсирлардан ва маълумот йўқолишидан ҳимояланмаган ахборотни ҳимояловчи, узатувчи, қайта ишловчи ва сақловчи импорт қилинган техник ва дастурий воситаларнинг кенг қўлланилиши;
- очиқ алоқа ва маълумотларни узатиш тизимлари орқали катта ҳажмдаги ахборотларнинг узатилиши.

Ўзбекистонда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий ҳолати шуни кўрсатмоқдаки, унинг ҳозирги даражаси шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларини етарлича қондирмайди. Давлат органлари ва ташкилотларини ишончли, етарли ва тезкор ахборот билан таъминлаш учун асосли ечимларни қабул қилиш талаб этилмоқда. Бундан ташқари, давлат ахборот ресурсларини ҳимоялаш, ахборотни ҳимоялашнинг ишончли воситаларини ишлаб чиқариш ва ўрнатилган ҳимоя талаблар асосида импорт қилинаётган техник воситаларни текшириш ва фойдаланишга рухсат бериш тизимини яратиш масалаларини ҳам ҳал қилиш лозим.

Шу жиҳатдан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатларини ҳимоялашда бир қатор муаммолар юзага келмоқда. Хусусан, шахс ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид долзарб муаммолар:

– очик ахборотдан шахсларнинг эркин фойдаланиш ҳуқуқининг таъминланиши, шахсий хавфсизлик, маънавий ва интеллектуал ривожланишини таъминлашга йўналтирилган ахборотларни ҳимоялаш;

– турли тузилмалар ва давлат бошқаруви органлари томонидан тўпланадиган шахсга оид маълумотлар базаси, инсонларнинг шахсий ва оилавий ҳаётига тааллуқли маълумотларни айрим кучларнинг ғаразли мақсадларидан ҳимоялаш.

Жамият ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид долзарб муаммолар:

– жамият ҳаётида замонавий ахборот технологияларнинг кенг қўлланиши натижасида келиб чиқувчи ижтимоий-психологик оқибатларнинг истиқболини баҳолаш ва олдини олиш;

– глобаллашув шароитида жамиятнинг маънавий қадриятларини ривожлантириш ва сақлаб қолиш;

– жамиятда ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва механизмларини такомиллаштириш.

Давлат ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид қуйидаги долзарб муаммоларни келтириш мумкин:

– ахборот хавфсизлигини таъминлашда давлат сиёсатини олиб бориш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш;

– хориж давлатлари ва нодавлат ташкилотлари ўзларининг мафкуравий, диний, маданий ва бошқа қарашларини тарғибот қилишда Ўзбекистон ахборот тизимларидан фойдаланишлари;

– давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатини баҳолашда мезон ва кўрсаткичлар тизимини шакллантириш;

– ахборот хавфсизлиги соҳасидаги маҳаллий ва халқаро стандартларни мувофиқлаштириш муаммолари.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини *ҳуқуқий, ташкилий-техник ва иқтисодий гуруҳга таснифлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ.*

Ҳуқуқий муаммолар. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий усуллари жумласига ахборот соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ахборот

хавфсизлигини таъминлаш масалаларига доир меъёрий-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқишни киритиш мумкин.

Соҳадаги ҳуқуқий муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш, республика қонунчилигидаги коллизияларни, Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро битимлар билан боғлиқ зиддиятларни бартараф этиш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида жамоат уюшмалари, ташкилотлар ва фуқароларнинг иштирок этиш механизмлари ҳамда мақсад ва вазифаларини белгилаш;

– ахборотдан ноқонуний нусха кўчирганлик, бузганлик ва ноқонуний фойдаланганлик, нотўғри ахборотни қасдан тарқатганлик, махфий ахборотни ноқонуний ошкор этганлик, хизмат ахбороти ёки тижорат сири бўлган ахборотдан жиноий ва ғаразли мақсадларда фойдаланганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

– чет эл ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг, шунингдек, Ўзбекистон ахборот инфратузилмасини ривожлантириш учун чет эл инвестициялари жалб қилинганида инвесторларнинг мақомини аниқлаштириш;

– миллий алоқа тармоқларини ривожлантириш ҳамда космик алоқа йўлдошларини республикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг устуворлигини қонунан белгилаб қўйиш;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дунё миқёсидаги ахборот ва телекоммуникация тизимлари хизматларини кўрсатадиган ташкилотларнинг мақомини белгилаш ҳамда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш;

– Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш минтақавий тузилмаларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосни яратиш.

Ташкилий-техник муаммолар. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ташкилий-техник муаммолари қуйидагилардир:

– Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш;

– Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органларининг ахборот соҳасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, бу соҳада жиноят ва бошқа қонунбузарликлар содир этган шахсларни фош қилиш, жавобгарликка тортишга қаратилган фаолиятини кучайтириш;

– ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда бу воситаларнинг самарали ишлашини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва такомиллаштириш, ҳимояланган телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, махсус дастурий воситаларнинг ишончлилиқ даражасини ошириш;

– қайта ишланаётган ахборотнинг бузилиши ва йўқ бўлиши, шунингдек, ахборотлаштириш ва алоқа, тизим ва воситаларининг белгиланган иш тартибининг ўзгаришига олиб келадиган махсус таъсирларнинг олдини олиш тизими ҳамда воситаларини яратиш;

– ахборот ва телекоммуникация тизимларининг бир маромда ишлашига хавф соладиган техник мослама ва дастурларни аниқлаш, техник каналларда ахборотнинг ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўймаслик, ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва алоқа каналлари орқали узатишда криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, ахборотни ҳимоялаш борасидаги махсус талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

– ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини сертификатлаштириш, давлат сирини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, ахборотни ҳимоя қилиш усуллари ва воситаларини стандартлаштириш;

– телекоммуникация ускуналари ва автоматлаштирилган ахборотга ишлов бериш тизимларининг дастурий воситаларини сертификатлаштириш тизимини ахборот хавфсизлиги талабларига кўра такомиллаштириш;

– ҳимояланган ахборот тизимларида ишлайдиган ходимларнинг ҳаракатларини назорат қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасига кадрларни тайёрлаш;

– жамият, давлат ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим соҳаларида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги кўрсаткичлари ва хусусиятлари мониторинг тизимини шакллантириш.

Иқтисодий муаммолар. Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг иқтисодий муаммоларига ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни моддий таъминлаш тартибини белгилаш; ахборотни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-техник усуллари амалга ошириш билан боғлиқ ишларни моддий таъминлаш тизимини такомиллаштириш; жисмоний ва юридик шахсларнинг ахборот билан боғлиқ таваккал ҳаракатларини суғурта қилиш тизимини яратиш киради.

Ахборот соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, аввало, ахборот соҳасида қонунийликка риоя қилиш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлатнинг бу соҳадаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилларига асосланиши лозим.

Қонунийлик тамойилига риоя қилиш Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органларидан ахборот соҳасидаги низоларни ҳал қилишда бу соҳадаги муносабатларни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қатъий амал қилишни талаб этади.

Фуқаролар, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилига риоя қилиш эса, жамият ҳаётининг турли соҳаларида бу манфаатларнинг устуворлигини қонунан белгилаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши шаклларида фойдаланишни назарда тутди.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги фаолиятга тааллуқли конституцион ҳуқук ва эркинликларини кафолатлаш давлатнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги энг муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тегишли дастурнинг ишлаб чиқилишини назарда тутди. Давлатимиз ахборот хавфсизлигини таъминлаш сиёсатининг айрим йўналишларини жамият ва давлатнинг алоҳида соҳаларига татбиқ этишнинг амалий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган тегишли ҳужжатларда ўз аксини топади.

Ҳар бир ривожланаётган давлат ахборот ҳимояси масаласини тартибга солувчи ҳуқуқий базани шакллантиришга эҳтиёж сезади. Республикамизда ахборот хавфсизлигини таъминланишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш учун биринчидан, ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш, иккинчидан, ахборотлаштириш соҳасидаги турли ҳолатларни тартибга солувчи ҳуқуқий базани яратиш долзарб масала ҳисобланади.

Ғарб давлатларида ушбу базани ишлаб чиқишда асосий эътибор ахборот соҳасидаги жиноятчилик масалаларига йўналтирилган. Масалан, Буюк Британияда компьютер жиноятчилиги оқибатида йилига 2,5 миллиард фунт стерлинг, Ғарбий Европа мамлакатлари эса 30 миллиард евро атропофиди зарар кўради. Айрим йилларда эса бу кўрсаткич бир неча баробаргача ортиб кетади. АҚШда битта компьютер жиноятчилигидан ўртача 450 минг доллардан бир миллиард долларгача зарар кўрилади. Агар АҚШда ўтган асрнинг 90-йилларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида объектлар ҳимояси учун 20-30 млн. доллар сарфланган бўлса, ҳозирда бу харажатлар миллиардларни ташкил этмоқда. Юқоридаги кўрсаткичлар йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса Ғарб мамлакатларини ахборот ҳимояси бўйича ҳуқуқий масалаларга жиддий эътибор қаратишга мажбур қилмоқда. АҚШда бу соҳадаги биринчи қонун ҳужжати 1906 йилда қабул қилинган, ҳозирда эса ахборот ҳимояси, ноқонуний ҳаракатлар учун жавобгарлик ва компьютер жиноятчилиги бўйича 500 дан ортиқ қонуний ҳужжатлар мавжуд¹.

Республикамизда ҳам мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, ахборот хавфсизлиги таъминланишининг ташкилий-ҳуқуқий асоси мустаҳкамланди. Ҳозирга қадар, ахборот, ахборот хизматлари, ахборот технологиялари ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ 75 га яқин қонуний ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ахборот хавфсизлиги соҳасидаги асосий қонуний ҳужжат “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (24.04.1997 й. № 400–I) ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда ахборот, ахборот мулкдори, ахборотни муҳофаза этиш, ахборот ресурслари, ахборот борасидаги хавфсизлик, махфий ахборот тушунчалари келтирилган.

¹ Журабаев А. А., Рахимов З. Г. Организационно-правовое обеспечение информационной безопасности Республики Узбекистан. –Т.: Uzinfocom. 2005. // URL-адрес: http://ru.infocom.uz/wp-content/download/information_security_24112005_2.html

Меъёрий-хуқуқий асоснинг шаклланиши, мустаҳкамланиши ҳамда татбиқ этилиши жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ахборот хавфсизлиги таъминланишини жадаллаштиради. Республикамизда ахборот хавфсизлиги таъминланишининг замонавий ҳолати ва унинг ҳозирги даражаси шахс, жамият ва давлат эҳтиёжларини етарлича қондирмайди. Давлат органлари ва ташкилотларини ишончли, етарли ва тезкор ахборот билан таъминлаш учун асосли ечимларни қабул қилиш, ахборот ресурслари ҳимояланиши, ўзимизнинг ахборотни ҳимоялаш воситаларимизни яратиш, татбиқ қилиш, ўрнатилган ҳимоя талаблари асосида импорт қилинаётган техник-дастурий воситаларни текшириш ва фойдаланишга рухсат бериш тизими самарадорлигини ошириш талаб этилмоқда.

Ҳимоялаш тизими қафолатланмаган ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилаётган вазирликлар, агентликлар ва давлат ташкилотларидаги ахборот бошқарув тизимларида, маълумотлар алмашиш ҳамда тизимлар ишлаши хавфсизлигини таъминлаш муаммолари юзага келмоқда. Бу анча мураккаб муаммо бўлиб, ҳар бир ахборот бошқарув тизимининг алоҳида хусусиятларига боғлиқ. Афсуски, хавфсизлик муаммосини ҳал қилишнинг қафолатланган умумий ҳал қилиш йўли мавжуд эмас, лекин ҳозирги вақтда ушбу муаммоларнинг ечимини топиш жуда муҳим ҳисобланади.

Республикамизнинг мураккаб таркибли, кўп сонли автоматлаштирилган ахборот тизимли ҳамда ахборот ҳажми катта бўлган вазирликлари ва давлат ташкилотларида ахборотни ҳимоялаш учун, ҳимоялашнинг мажмуали тизимлари ташкил қилинган. Бу тизимлар ахборот хавфсизлиги масаласининг фақат, алоқа таъминланишига тегишли қисмини ҳал қилади, яъни махсус техникалар ишлаши, махфий маълумотларнинг узатилиши ва алоқа каналлари назорати вазибаларини бажаради. Бу тизимлардаги серверлар ва ишчи станциялардаги маълумотлар ҳимояси дастурий восита (масалан, Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Outpost Firewall Pro ver. 3.0.543.5722 дастурий воситаси) ёрдамида ва мавжуд алоқа каналларини ўз ичига олмаган, локал ахборот тармоғи бошқаруви асосида ҳал қилинган. Амалиётдан маълумки, тармоқларда хавфсизликни таъминлаш учун дастурий восита қўлланилганлиги, тизим хавфсизлигининг тўлиқ таъминлаганлигига қафолат бўла олмайди. Биринчидан, тизимда қўлланилаётган операцион тизим ҳамда тармоқдаги техник воситалар хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш, иккинчидан, дастурий воситани тизим хавфсизлик сиёсати талабларига мос ҳолда танлаш талаб этилади. Ахборот-коммуникация, техник-дастурий ва тармоқлар хавфсизлигини таъминловчи воситаларни махсус назоратлардан ўтказмасдан ички тизимларда қўллаш, ахборот хавфсизлиги таъминланиши муаммосини ҳал қилишни янада мураккаблаштиради.

Вазирликлар ва давлат ташкилотларида юқоридаги масалаларни ҳал қилиш учун, барча ахборот хавфсизлиги бўйича фаолият олиб бораётган бўлим ва марказлар имкониятларини бирлаштириш, мутахассисларнинг иш жараёнида техник воситалардан, маълумотлар базасидан фойдаланишини тартибга солиш, назорат қилиш ҳамда улардан фойдаланиш кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўрнида таъкидлаш жоизки, кейинги 10 йил ичида “транспорт ва алоқа” соҳасида олий таълим муассасаларида 160 мингдан ортиқ мутахассислар тайёрланган¹. Мазкур соҳадаги асосий муаммолардан бири, ўқишни битириб иш бошлаётган мутахассислар, иш берувчи ташкилот ёки ўқув муассасаси қўяётган бошланғич иш талабларига тўлиқ жавоб бермаслигидир. Шу сабабдан, давлат ва нодавлат ташкилотлари ёш мутахассисларни ишга қабул қилишда уларнинг билимини синовдан ўтказиб, яхши кўрсаткичга эга бўлган ёшларни ишга қабул қилмоқда. Албатта, яхши билимга эга бўлган ходим ташкилотнинг иш фаолиятини янада такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшади. Айнан, ахборот хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланадиган мутахассисларнинг юқори билим ва малакага эга бўлиши давлат аҳамиятидаги ахборотлар хавфсизлигининг етарли даражада таъминланишидаги муҳим мезон ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлиги соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш учун ҳуқуқ-тартибот органлари мутахассисларининг ҳам ахборот хавфсизлиги соҳасидаги билимларини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида келтириб ўтилган ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ҳал этишда қуйидаги комплекс вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштириш;

– давлат ахборот хавфсизлиги тизимини ушбу соҳада етакчи давлатлар тажрибаси асосида такомиллаштириш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг миллий воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

– ахборот хавфсизлиги учун жавобгар давлат органлари фаолиятини такомиллаштириш ва рағбатлантириш;

– жосуслик ва техник каналлар орқали ахборот чиқиб кетишининг олдини олувчи давлат ахборот хавфсизлиги тизимини ривожлантириш;

– ахборот қуролларининг янги турлари, жосусликнинг техник воситалари, уларни қўллаш усуллари ва оқибатларини таҳлил этиш ва прогноз қилиш;

– миллий ахборот технологиялари, тизим ва воситалари, дастурий таъминотни ривожлантириш ва қўллаш, уларнинг хавфсизлиги, ишончилиги ҳамда ҳимояланганлигини таъминлаш;

– ахборотни хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаштириш ҳамда ахборотни муҳофаза қилиш воситаларини сертификациялаштириш тизимини такомиллаштириш;

– эркин ахборот олиш эҳтиёжи билан ахборотни тарқатиш борасидаги чегаралаш ўртасида зарурий мувозанатни таъминлаш;

– миллий-маданий мерос, ахлоқ меъёрлари ва ижтимоий қадриятларни тарғиб қилувчи ахборот ресурсларини Интернет тармоғи орқали ёйилишини кенг йўлга қўйиш;

¹ Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, –Т.: 2015. – Б. 106.

– ишончли ахборот олиш борасида фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, республикамизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий соҳаларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги асосий вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади:

– ҳимояланаётган ахборотдаги махфий кўринишдаги мавжуд маълумотларни узатишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш;

– ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқий базанинг барқарорлигини таъминлаш учун, унга халқаро стандартларни тўғридан-тўғри қўллаш имконини берувчи механизм ишлаб чиқиш ва функционал стандартлаш усулларини татбиқ қилиш;

– республика миқёсидаги ахборот хавфсизлиги таъминланиши соҳасидаги барча саволларга тўлиқ жавоб берадиган меъёрий-ҳуқуқий, бошқарув ва услубий ҳужжатларнинг тўлиқ мажмуини яратиш;

– ахборот хавфсизлиги таъминланишига масъул бошқарув тизимини ва жавобгар шахсни аниқлаш, соҳадаги ташкилот ва марказлар фаолиятини тартибга солиш;

– ахборотни ҳимоялаш бўйича юзага келадиган зиддиятли ҳолатларни ҳал қилиш тартибини аниқлаш;

– компьютер маълумотлари соҳасидаги жиноятларга қарши курашувчи ҳуқуқни ҳимоя қилиш, суд ва прокуратура органлари мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини шакллантириш;

– олий таълимнинг техник ва гуманитар ихтисосликларида ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва тегишли таълим стандартларини ишлаб чиқиш;

– ахборот хавфсизлиги йўналиши бўйича қўшимча билимлар олиш ва маҳоратни ошириш учун таълим дастурларини яратиш ва шакллантириш, тегишли давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Истиқболда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини янада ривожлантириш учун техник разведкага қарши курашиш, ахборот куролларидан ҳимояланиш ва меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалаларини ҳал этиш талаб этилади. Шу мақсадда, умумдавлат миқёсда ахборот махфийлиги ва тўлиқлигини таъминлашнинг ташкилий тузилмаси фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ғоявий-мафкуравий жиҳатларини қамраб олган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

3.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш чора-тадбирлари

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мавқеини ошириш, миллий хавфсизликка қарши қаратилган турли таҳдидларни бартараф этиш чора-тадбирлари билан узвий боғлиқдир.

Тегишли чора-тадбирларини ишлаб чиқиш билан бирга уларни амалга ошириш тартиби ва механизмларини яратиш лозим. Олдинги параграфларда таҳлил қилинган муаммолар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини янада такомиллаштириш, хусусан, доимий равишда рўй бераётган ахборот таҳдидларини бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган ахборот хавфларини олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, тезкор қарорлар қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунинг учун, бир қатор кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ахборот хавф ва таҳдидларига қарши мустақкам “ахборот тўсиғи”ни яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу “ахборот тўсиғи” қуйидаги муҳим элементларни ўзида бириктиради¹:

1. Миллий Интернет инфратузилмаси;
2. Миллий медиа тузилмаси ОАВ, ТВ ва Интернет:
 - қидирув машиналари, маълумотномалар ресурси;
 - ижтимоий тармоқлар, мобиль мессенжерлар;
 - блоглар, форумлар, тарқатмалар порталлари;
 - анъанавий ОАВ ва ТВ, Интернет-ОАВ;
 - видеохостинг ва фотохостинглар;
 - контентли ресурслар (рейтинглар/таҳлиллар, тарих, фан, таълим, спорт, китоблар, автомобиллар, кино ва бошқалар);
 - ижтимоий тармоқлар ва мобиль қурилмалар учун иловалар;
 - болалар Интернети.
3. Миллий ташвиқот тизими ва воситалари:
 - медиа муҳит таҳлили, Интернет трафик ва ижтимоий тармоқлар мониторинги;
 - Интернет трафикни филтрлаш воситалари;
 - контент учун жавобгарликнинг қонуний асослари (хостерлар, Интернет хизматини таъминловчи ва медиа провайдерлар);
 - контентни тарқатувчи воситалар (ОАВ, блоглар ва ижтимоий тармоқлар);
 - контентни назорат қилувчи куч тизими: ахборот хуружларига қарши курашиш воситалари ва махсус бўлинмалар;
 - ғоявий хизматлар бозори.

Кўриниб турибдики, мазкур чора-тадбирларни амалга ошириш анча вақт ва маблағ талаб этади. Албатта, бугунги кунда мазкур тизимнинг айрим элементлари тўлақонли фаолият олиб бормоқда. Бироқ, ахборот хавф ва таҳдидларини олдини олиш ва бартараф этишда бир ёки бир нечта давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳаракатлари етарли самарани бермайди.

Ахборот воситалари ёрдамида сиёсий режимларни ўзгартириш, ҳарбий тўқнашувларни юзага келтириш каби ҳолатларни “Араб баҳори”, Югославия,

¹ Федоров Д.Ю. Гуманитарные аспекты информационной безопасности. Конспект лекции. – Санкт-Петербург, 2013. - С. 5-6.

Ироқ ва Суриядаги урушлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунинг натижасида бошқа давлатлар суверенитетига таҳдидлар юзага келди.

Бугунги дунё давлатлари суверенитетлар бузилиши даврини бошдан кечирмоқда. Глобаллашув жараёнининг ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари, хусусан, суверенитетлар бузилиши таҳдидининг ҳам таъсири ортиб бормоқда. Мисол учун кўпгина давлатлар иқтисодий суверенитетини йўқотмоқда, бундай давлатлар худудида трансмиллий корпорациялар хўжайинлик қилмоқда. Айрим трансмиллий корпорацияларнинг бюджети баъзи давлатларнинг бюджетидан юқори. Бунда, албатта, бу каби корпорациялар давлатнинг амалдор шахсларини сотиб олиши ва улардан ўз раҳнамоларининг манфаатлари йўлида фойдаланиши эҳтимолдан холи эмас.

Маълум маънода дунёда халқаро ҳуқуқ тизимининг бузилиши кузатилмоқда. Кейинги 20 йил ичида суверенитетлар бузилиши одатда ахборот урушлари орқали амалга оширилмоқда. Бирор давлатнинг ахборот инфратузилмаси устида назорат ўрнатилгани бу ҳаво худудини эгаллаганлик билан бир хил тушунилади. Мисол учун, Ливиядаги “рангли инқилоб” бошланишидан олдин ахборот суверенитетини бузиш ишлари амалга оширилди, сўнгра ҳаво худуди тўлиқ эгалланиб, ҳарбий кучларнинг қаршилиги йўққа чиқарилди.

Бугунги кунда шу йўл билан давлатнинг ахборот суверенитетини бузиб, давлатнинг миллий хавфсизлигига жиддий таҳдидлар юзага келишига шароит яратилиши мумкин.

Ахборот суверенитети (рақамли суверенитет, электрон суверенитет) — алоҳида концепция ҳисобланиб, давлатнинг ўз худудидаги ахборотларни назорат қилиши, ташқи ахборот таъсирларидан мустаҳкам ҳимоя тизими, давлатнинг ахборот ҳужумларига барқарорлиги тушунилади¹.

Ахборот суверенитети тушунчаси ўрнида айрим манбаларда “рақамли суверенитет” ёки “электрон суверенитет” тушунчалари ҳам қўлланилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “ахборот суверенитети” тушунчаси бир қатор давлатларнинг қонунчилигида ҳам мавжуд. Мисол учун, Беларусь Республикаси қонунчилигида “ахборот соҳасида суверенитет” тушунчаси “2016-2022 йй. Беларусь Республикасида ахборотлаштиришни ривожлантириш стратегияси”га киритилган². Унга кўра “ахборот соҳасида миллий суверенитетни таъминлаш орқали миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш” зарурлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, мазкур стратегияда “рақамли суверенитет” термини ҳам учрайди. Ҳужжатда “ахборот технологиялари миллий тармогини ривожлантиришининг муҳим шарти давлат “рақамли суверенитети”ни таъминлаш ҳамда ахборотлаштиришни самарали ривожлантириш ҳисобланади” - деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, Хитой Халқ Республикаси ҳам 2010 йилдан буён “Интернет суверенитети” концепциясини фаол ривожлантириб келмоқда. Бу тушунча “оқ китоб” номи остидаги “Хитойда Интернет” (2015 й.) китобида ўз

¹ Ашманов Игорь, доклад “Информационный суверенитет современная реальность”. 2013. // URL-адрес: <http://ain.ua/tag/iforum>.

² Стратегия развития информатизации в Республике Беларусь на 2016 – 2022 гг. // URL-адрес: <http://e-gov.by/zakony-i-dokumenty/strategiya-razvitiya-informatizacii-v-respublike-belarus-na-2016-2022-gody> (дата обращения: 07.02.2017 г.).

аксини топган¹. Шу билан бирга, “Интернет суверенитети ҳақидаги ғоялар”² номли асарда “Интернет суверенитети бевосита миллий хавфсизлик ва барқорорликка таъсир кўрсатади, бу тушунчани “давлат суверенитети” тушунчаси таркибида қўллаш мақсадга мувофиқ” деган фикрлар келтирилган.

Россиялик тадқиқотчи В.В.Бухариннинг фикрича, “Ғарбий Европа давлатлари учун кўп йиллар мобайнида ахборот суверенитети муаммоси бирламчи эмас эди, лекин маълум даражада суверенитет миллий қонунчилик асосида ҳимояланади. Мисол учун, Швецияда маълумотлар сақланадиган жойни рўйхатдан ўтказишни талаб қилувчи ҳуқуқий меъёрлар мавжуд, Германия қонунчилигида эса давлатга тегишли маълумотларни фақат, давлатнинг ўзи қайта ишлаши қатъий белгилаб қўйилган. Бироқ, сўнгги йилларда кузатилаётган АҚШ Миллий хавфсизлик агентлиги ходимларининг Европадаги АҚШнинг сиёсий ҳамкорлари устидан “электрон кузатув” олиб бораётгани ахборот суверенитети муаммоси бўйича умумевропа музокараларининг бошланишига туртки бўлиши мумкинлигини кўрсатмоқда³.

Ўзбекистон Республикасида “ахборот суверенитети” тушунчаси бирор-бир қонунчилик ҳужжатида назарда тутилмаган бўлса-да, лекин 2017 йил 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 5 йўналишида хавфсизлик, миллатаро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Унда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши мақсад қилинган:

- мамлакатимизнинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш;
- киберхавфсизлик соҳасида ахборот, норматив-ҳуқуқий асослар тизимини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда киберхавфсизликка таҳдидлар турли кўринишларда амалга оширилмоқда. Киберҳужумлар сирасига хакерлар фаолиятини, DDoS-ҳужумлар, вируслар, спамлар ва ҳ.к.ларни келтириш мумкин. Хусусан, ESET антивирус лабораториясининг маълумотларига кўра, Марказий Осиё давлатларида кўпроқ Win32/Bundpil, Win32/Ramnit, Win32/Virut, Win32/Sality каби вирус дастурларининг тарқалиши кузатилмақда. Win32/Bundpil вирусининг тарқалиш даражаси Қозоғистонда - тахминан 11%, Ўзбекистонда – 25%ни ташкил қилмоқда. Бу дастур компьютер тизимида тушгандан сўнг бошқа зарарловчи дастурларнинг тарқалиши учун шароит яратиб беради. Шундан сўнг кибержиноятчилар ушбу тизим орқали ўз ғаразли мақсадларини амалга оширади⁴.

¹ The Internet in China. Information Office of the State Council of the People's Republic of China // China Internet Information Center. 8 June 2010. URL-адрес: http://www.china.org.cn/government/whitepaper/node_7093508.htm (дата обращения: 07.02.2017 г.).

² Муаллиф: Е.Чжен, Хитой Халқ армияси стратегик маслаҳатлашув кўмитасининг аъзоси.

³ Бухарин В. В. Компоненты цифрового суверенитета Российской Федерации как техническая основа информационной безопасности // Вестник МГИМО-Университета. — 2016. — № 6 (51). — С. 76–90.

⁴ Матеев Д. Киберугрозы для Кыргызстана и Центральной Азии: тренды 2014 года // URL-адрес: <http://www.esetnod32.ru>

Россия Федерациясининг Касперский лабораторияси мутахассислари охирги 6 йил ичида 4 та “жанговар” вирусни аниқлади. Ушбу вирусларни таҳлил қилиш натижасида шундай хулосага келиндики, улар мутлақо бир гуруҳ шахслар томонидан шахсий маълумотларни, кредит карталардаги пулларни ўғирлаш ёки давлат органлари фаолиятида турли ноқулайликларни ташкил этиш мақсадида яратилаётгани йўқ. Аксинча, мазкур вируслар айрим давлатларнинг қўллаб-қувватлаши остида яратилаёпти. Мутахассисларнинг баҳолашича, бундай вирусларнинг ҳар бирини яратишга тахминан 100 млн. АҚШ доллар миқдорида маблағ сарфланади. Бундай вируслар сирасида *Stuxnet*, *Flame*, *Duqu*, *Gauss* ва бошқаларни келтириш мумкин.

2010 йил июнь ойида компьютер хавфсизлиги соҳасида фаолият олиб боровчи *VirusBlockada* Беларусь компанияси биринчилардан бўлиб, юқори технологияга асосланган *RootImpider* (кейинчалик *Stuxnet* номини олган) компьютер вирусини аниқлади. 2010 йил охирига бориб, дунё бўйича мазкур вирус билан зарарланган компьютерлар сони 100 мингдан ошиб кетди. Энг кўп зарарланган компьютерлар сони Эрон (58,3%), Индонезия (17,8%) ва Ҳиндистонда (10%) қайд этилди. Мазкур ҳолат *Siemens* компаниясининг 2011 йилги расмий ҳисоботларида ҳам ўз тасдиғини топди. Ҳисоботда келтирилишича, 2011 йилнинг март ойигача *Siemens* компаниясининг sanoat тизимидаги компьютерларида 24 та вируслар билан зарарланиш ҳолати аниқланган¹.

Шуни ҳам айтиш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимизнинг ахборот инфратузилмаларига ҳам бир қатор киберҳужумлар амалга оширилди. Бунинг натижасида фуқароларнинг ахборот олиш имконияти, давлат бошқаруви ва маълумот алмашинуви фаолиятларида жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Мисол учун, ўзларини “CLONE-SECURITY” деб номлаган хакерлар гуруҳи 2013 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг soliq.uz расмий сайтига киберҳужум амалга оширганини тан олган. Маълумотларда келтирилишича, soliq.uz сайтига D-DoS (Distributed Denial of Service) ҳужуми амалга оширилган. Бу эса солиқ тизимида маълумотлар олишни ва солиқ операцияларини тўхтаб қолишига олиб келган. Бундан ташқари, ушбу гуруҳ “Антилағмон” сиёсий акцияси номи остида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг расмий www.mtrk.uz сайтига уюштирилган иккита хакерлик ҳужуми учун ҳам масъулиятни ўз зиммасига олган эди. Шунингдек, 2012 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тиббиёт порталига уюштирилган ҳужум учун ҳам масъулиятни CLONE-SECURITY хакерлар гуруҳи томонидан амалга оширилганлиги ўз исботини топди.

Шунингдек, Озарбайжон Республикасига тегишли бўлган Интернет сайтларида Озарбайжон ва Арманистон Республикалари ўртасида бир неча йиллардан буён можароларга сабаб бўлаётган Тоғли Қорабоғ муаммоси юзасидан Ўзбекистон расмий ҳукумати номидан ёлғон, асоссиз фикрларни жойлаштиришга эришганлар.

¹ Симоненко М. Stuxnet и ядерное обогащение режима международной информационной безопасности. Индекс безопасности № 1 (104), Том 19, 2013. - С. 234-235.

Юқоридаги киберактлардан мақсад – давлат суверенитетининг бузилишига таъсир кўрсатиш, халқаро майдонда давлат мавқеини тушириш ҳисобланади.

Ахборот урушлари турли шаклларда, турли воситалар орқали давом этаётган бир шароитда ахборот суверенитетини қуриш ва мустаҳкамлаш масаласи долзарблигини сақлаб қолади. Ахборот қарама-қаршиликлари шароитида ҳар бир давлат ягона инфратузилма яратишга ҳаракат қилади. Мазкур тизим элементларига миллий қидирув тизимлари, ижтимоий тармоқлар, мобиль мессенжерлар, блоглар, контентли ресурслар ва бошқалар киради. Бундан ташқари, ахборотларни мониторинг қилиш ва трафикни филтрлаш воситаларини ҳам киритиш мумкин.

Бугунги кунда дунёнинг 120 дан ортиқ давлатларида ахборот суверенитетини мустаҳкамлаш, киберхужумлардан ҳимояланиш мақсадида махсус кибер бўлинмалар ташкил этилмоқда. Бу турда кибер қўшин таркибига, албатта, хакерлар жалб этилмоқда. Мисол учун, АҚШнинг Интернетдаги Twitter ёки Facebook ижтимоий тармоқларида миллионлаб аккаунтлари мавжуд. Бу аккаунтларни кибер бўлинма ходимлари (хакерлар) бошқаради. Биргина ходим 50-100 тагача аккаунтларни бошқариши ва турли мазмундаги маълумотларни тарқатиш билан шуғулланиши мумкин. Бу орқали ушбу ходим давлат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим ахборотларни омма эътиборига ҳавола этади. Мисол учун, Twitter ижтимоий тармоғи орқали бирор ижтимоий ёки сиёсий аҳамиятга молик мавзу юзасидан 4-5 мингта “пост” маълум бир “тег”лар билан жойлаштирилади. Бу “тег”лар ярим кун мобайнида “тренд”га айланади. Ушбу мавзу ҳақида ОАВ ёзади, миллионлаб фойдаланувчилар ўқийди ва бу хабар умуммиллий янгилик сифатида қабул қилинади. Бу каби ҳаракатларни Интернет орқали тарқатилаётган бир ёқлама мазмундаги маълумотларнинг таъсирини пасайтиришда фойдаланиш ҳам етарли самара беради.

Умуман олганда, юқоридаги чора-тадбирларни ягона тизимга бирлаштириш, уларни молиялаштиришнинг қулай ечимларини ишлаб чиқиш зарур. Натижада ўзига хос **“ахборот тўсиги”**ни ишлаб чиқишга эришилади.

Юқорида санаб ўтилган ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи институционал асос элементларининг маълум бир қисми бугунги кунда тўлақонли фаолият олиб бормоқда. Ушбу йўналишдаги асосий муаммолардан бири тизим элементлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи ҳисобланади. Ахборот ва киберхужумлар таҳдиди кучайган вақтларда уларнинг фаолият режасини ишлаб чиқиш, иш олиб бориш тартибини ва чора-тадбирлар кетма-кетлигини белгилаб бериш, тезкор қарорларни қабул қилишга кўмаклашиш мувофиқлаштириш органининг асосий вазифасига киради.

Иккинчидан, ахборот хавфсизлиги соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳисобланади. Ушбу чора-тадбирлар сирасига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

– республика ҳарбий ўқув муассасаларида ягона давлат таълим стандартлари асосида ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги мутахассисларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш;

– киберхавфсизлик соҳасида душманга тезкор ва жанговар таъсир кўрсатишнинг замонавий усуллари ўзлаштирган мутахассисларни тайёрлаш тизимини яратиш;

– хориж давлатларида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги етакчи компаниялар ўқув марказларининг фаолиятини ўрганиш, улар билан мутахассислар малакасини ошириш бўйича келишувларга эришиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Учинчидан, халқаро майдонда, хусусан, ахборот маконида Ўзбекистон Республикасининг мавқеини мустаҳкамлашга, миллий манфаатларини ҳимоя қилишга бевосита алоқадор давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда, аввало, ҳар бир давлат органи ва жамоат ташкилотининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган фаолият тартибини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир ташкилотдаги ахборот хавфсизлиги бўйича жавобгар бўлим ёки шахснинг функционал мажбурияти ишлаб чиқилиши керак. Бугунги кунда бир қатор давлат ташкилотларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва маълумотлар ҳимояси масалалари билан “ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва жорий этиш” бўлими мутахассисларининг функционал мажбуриятига киритилган. Албатта, бу жараёнда ахборот хавфсизлиги бўйича мутахассислар бўлиши талаб этилади.

Мисол учун, Хитой Халқ Республикасида давлат миллий манфаатларини очиқ тармоқларда ҳимоя қилишга йўналтирилган махсус “*Ватанпарвар хакерлар*” деб номланувчи ташкилотлар мавжуд. Ушбу ташкилотларда 20 мингдан ортиқ ахборот хавфсизлиги соҳаси мутахассислари фаолият олиб боради. “Ватанпарвар хакерлар” мамлакат миллий хавфсизлигига хавф солувчи “номақбул” ахборот хуружларининг олдини олиш мақсадида турли техник тадбирлар ташкил этади. Мазкур ташкилотлар фаолиятига сиёсатчилар, журналистлар ва бошқа соҳа вакиллари ҳам кенг жалб этилади¹.

Ҳозирги пайтда, дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатда “Интернет ҳимоячилари” гуруҳи ташкил этилган ва уларга йилига 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланмоқда. Масалан, Ҳиндистондаги таълим муассасаларида “электрон хавфсизлик факультет”лари мавжуд. Ҳар йили ушбу факультетни муваффақиятли тугатган талабалар “Интернет ҳимоячилари” сафига ишга қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолият олиб бораётган давлат ва ҳокимият бошқаруви органларидаги алоҳида бўлинмалар, жамоат ташкилотлари қуйидаги уч ёндашув асосида иш юритмоқда:

- 1) Миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича махсус чора-тадбирларни амалга ошириш;
- 2) Электрон ахборотларни ҳимоялашни ҳуқуқий тартибга солиш;
- 3) Кибержиноятчиликка қарши курашиш.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, мазкур уч ёндашув асосида амалга оширилаётган ишларни мувофиқлаштириш натижасида Ўзбекистон

¹ Галия Ибрагимова. Стратегия КНР в области управления интернетом и обеспечения информационной безопасности. Электронный журнал “Индекс безопасности”, № 1 (104), Том 19, 2013.

Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал тузилмасининг фаолиятини доимий йўлга қўйиш имконияти яратилади. Албатта, бу тузилманинг тўлақонли фаолият олиб боришига таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд.

Биринчидан, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини мувофиқлаштириш масаласига бўлган қарашларини шакллантириш зарур. Бу мазкур жараённинг тезлашишига олиб келади.

Иккинчидан, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги фаолиятининг йўналишларини аниқлаб олиш, фавқулодда ҳолатларда биргаликда ҳаракат қилиш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Учинчидан, йирик киберхужумлар амалга оширилган ва кибержиноятчилик авж олган пайтда давлатнинг муҳим стратегик объектларидаги давлат ва ҳарбий аҳамиятга молик ахборотларни химоялаш бўйича тезкор тадбирларни амалга оширишнинг мувофиқлаштирилган йўриқномаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Шунда ҳар бир ташкилот ёки муассаса ушбу йўриқнома асосида фаолиятини олдиндан режалаштиради ва ташкил этади.

Тўртинчидан, ҳозирдан давлат ташкилотларига жорий этилаётган компьютер техникаси ва дастурий маҳсулотларнинг ягона стандартларга мослаштириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини мувофиқлаштирувчи орган сифатида белгилаб, аниқ бир стандарт асосида амалий ишларни бошлаш зарур.

Шунингдек, бу жараёнда малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириб бориш, хориж тажрибасини кенг миқёсда ўрганиш ва жорий этиш ишларини самарадорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашда амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг комплекс тизими юқорида келтирилган йўналишларга асосланиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур чора-тадбирлар хориж давлатларининг ушбу соҳадаги самарали тажрибаси ҳамда Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида соҳада амалга оширилган ислоҳотлар асосида ишлаб чиқилди.

Истиқболда юқоридаги амалий чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ахборот хавфсизлиги таҳдидларини олдиндан аниқлаш тизимини яратиш, профилактик тадбирларни кучайтириш, умуман олганда, “доимий огоҳлик” шиори остида ташкил этилаётган чоралар механизмини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

4.1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришда хориж тажрибаси

Ахборот таҳдидларини бартараф этишга йўналтирилган ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини яратишда ривожланган давлатларда қабул қилинаётган замонавий концепцияларни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, хориж давлатларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари қай тарзда ҳал этилаётганини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда дунё давлатлари ахборот оқимлари устидан ҳукмронлик қилиш мақсадида ахборот технологияларини шиддат билан жамият ҳаётининг барча соҳаларига олиб қираётган бир пайтда, бу соҳада илғор ҳамда ривожланаётган давлатлар ўртасидаги тафовут борган сари катталашаётгани маълум бўлмоқда. Бу ўринда Ўзбекистон шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётини муҳим манфаатларини ҳимоялаш бораси олиб бораётган давлат сиёсати XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб берувчи муҳим омиллардан бири сифатида белгиланди.

Ахборот хавфсизлиги концепцияси мазкур соҳага оид расмий қабул қилинган қарашлар тизими ҳисобланади. Давлатнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ягона сиёсатни амалга оширишидаги асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича АҚШ тажрибаси

Жаҳонда ахборот ва телекоммуникация инфратузилмаси ривожланган давлатлардан бири бўлган АҚШнинг миллий манфаатлари негизида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бораётган концепцияларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин АҚШ ҳукумати ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қарата бошлади. Шу даврдан бошлаб, АҚШда давлат, жамоат ва хусусий ташкилотларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги амалий фаолиятини тартибга солувчи 2400 га яқин қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди¹.

Бу борада АҚШда ахборот ва ахборот-психологик уруш концепциясини амалга ошириш учун етарли асос яратилган ҳамда ахборот соҳасида олиб борилган қарама-қаршилик борасида ўзига хос амалий тажриба тўпланган. Шу билан биргаликда ҳарбий кучни қўлламаган ҳолда ахборот урушини олиб бориш стратегияси изчил равишда амалга оширмоқда.

АҚШ Мудофаа вазирлигининг 1992 йил 21 декабрда “Ахборот соҳасида олиб бориладиган қарама-қаршилик” номли TS3600.1 рақамли Директивасида “душманга қарши курашиш шароитида ўз қўшинларимиз фаолияти

¹ Аверченков, В.И. Системы защиты информации в ведущих зарубежных странах: учеб. пособие для вузов. – Брянск: БГТУ, 2007. – С. 40.

самарадорлиги амалга ошириш мақсадида режалаштириш ва бошқарув тизими фаолиятини ташкиллаштиришда ахборот ресурсларини ҳар томонлама инобатга олиш зарур”лигига бевосита кўрсатма беради¹. Шу пайтдан бошлаб АҚШда ҳарбий илмий тадқиқот институтлари доирасида “бошқарув тизимларига қарши курашиш” борасида изланишлар олиб борилмоқда. Уларнинг асосий мақсади – “душманга қарши туриш билан бир вақтнинг ўзида мунтазам кечаётган ахборот оқимини йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш имконияти”ни назарда тутувчи “ахборот устунлиги”ни яратишдан иборат.

1993 йилда Штаб бошлиқлари қўмитаси Бошқарув тизимларига қарши курашиш (БТҚК) концепциясидаги масалаларнинг барча жабҳаларини ўзида ифода этган МОР 30 меморандумини тарқатди. Бунда БТҚК рақибни ахборотдан маҳрум қилиш, ўзининг бошқарув тизимларини ҳимоя қилган ҳолда рақиб бошқарув тизимларини ишдан чиқариш ёки йўқотиш мақсадида ягона режа асосида психологик операцияларни ўтказиш, оператив ниқоблаш, радиоэлектрон кураш ҳамда бошқарув пунктлари ва алоқа тизимларини жисмонан йўқ қилишга қаратилган чора тадбирлар сифатида таърифланади².

1996 йил февраль ойида АҚШ армияси дала низомининг жанг майдонида куруклик қўшинлари томонидан ахборот урушини олиб боришга қаратилган “ахборот операциялари” FM 106 янги нашри жорий этилди. Унда “ахборот операциялари”га “бир вақтнинг ўзида ўз ахбороти ва ахборот тизимларини ҳимоя қилиш ҳамда душман ахбороти ва ахборот тизимларига қарши қаратилган фаолият” сифатида таъриф берилади. Бунда ҳужумкор ахборот операциялари оператив маскировка, радиоэлектрон кураш, ахборот бошқарув тизимларига дастурий-математик таъсир кўрсатишни ягона ғоя ва режа асосида амалга ошириш, ахборот инфратузилмаси объектларини ишдан чиқариш ҳамда психологик ва махсус ахборот операцияларини барбод қилишни назарда тутуди³.

Штаб бошлиқлари қўмитасининг ягона устави “Ахборот операцияларини амалга ошириш бўйича умумий хатти-ҳаракатлар доктринаси”да ахборот кураши концепцияси янада ривожлантирилди. Хусусан, 1999 йил 27 августда тасдиқланган AFDD 2-5.3 рақамли “АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари психологик операциялари доктринаси”да душманнинг йирик қўшинларига нисбатан ҳаво операцияларини режалаштириш ва тайёрлашда америка қўшинлари қўмондонлигига қуйидагилар тавсия этилади:

– ҳарбий ҳаво кучлари фаолиятларининг ҳам ҳарбий тайёргарлик чоғида, ҳам ҳаво операцияларини режалаштириш ва амалга ошириш чоғида психологик жиҳатларига алоҳида эътибор бериш;

– истиқболдаги операциялар душман қўшинлари узоқ муддатли ва психологик самарали ҳаво зарбалари учун қулай объектга айланишига олиб келувчи шаклда режалаштирилган бўлиши лозим;

¹ Леваков А.А. В США принят план защиты информационных систем // Ж. Jet Info, - №8 (87) - 2000. – С. 12.

² Жуков В. Взгляды военного руководства США на ведение информационной войны // Зарубежное военное обозрение, №1, 2001. – С. 47.

³ Леваков А.А. В США принят план защиты информационных систем // Ж. Jet Info, - №8 (87) - 2000. – С. 12.

– душман шахсий таркиби руҳий-психологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиш мақсадида ҳарбий ҳаво кучлари режалаштириш органи таркибига психологик операциялар бўйича мутахассисларни жалб этиш;

– психологик таъсир даражасини ошириш мақсадида операция мазмунидан фойдаланиш¹.

Айни пайтда АҚШда ахборот, телекоммуникация, ҳисоблаш ва кадрлар ресурсларини “матрица” шаклида ташкил қилиш тамойили тобора ривожлантирилиб бормоқда. Унда ўзгарувчан мураккаб вазиятда юзага келувчи масалаларни ҳал этишга қаратилган “виртуал ташкилотлар” манфаатлари йўлида ўзгарувчан, хавфсиз ва марказлашган тақсимот амалга оширилади. Бу борада Пентагон 2020 йилгача АҚШ Қуролли кучлари ривожланишининг ягона концепциясига биноан дунёнинг исталган нуктасида ҳаракатчан ва компакт гуруҳларни реал воқеликда бошқаришни назарда тутувчи “Глобал ахборот матрицаси”ни (Global Information Grid) ташкил қилади².

Ахборот ресурслари тақсимлашни ташкиллаштириш борасида “матрица” ёндашувига яна бир мисол Миллий хавфсизлик агентлигининг “Эшелон” тизими орқали эфир ва телекоммуникация тармоқларидан қўлга киритилган маълумотларни қайта ишловчи ҳисоблаш ресурслари тақчиллигини ҳал этиш мақсадида амалга оширилган “Ground Breaker” лойиҳасини келтириш мумкин³.

Бугунги кунда хориж давлатлари ва унинг ҳарбий фаолияти тўғрисида ижобий ва мақбул образини яратиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш АҚШ ҳукумати таркибидаги глобал коммуникация бошқармаси (Office of Global Communications) зиммасига юклатилган. Ахборот соҳасида Пентагон фаолияти ва Давлат департаментининг ижтимоий дипломатиясини Миллий хавфсизлик кенгашининг сиёсий гуруҳи (US National Security Council Policy Group) мувофиқлаштириб боради. Ушбу ташкилотлар биргаликда стратегик аҳамият касб этувчи “таъсирчанликни бошқариш чора-тадбирлари” вазифаларини ҳал этувчи ягона мувофиқлаштирилган ва яхши молиялаштириладиган тизимни ташкил қилади. Расмий маълумотларга кўра фақат Яқин Шарқ бўлимининг бюджети йилига 750 млн. АҚШ долл.ни ташкил этади⁴.

Шу билан бирга, АҚШда ахборот қарама-қаршилиги фаолияти фақат ҳарбий ўлчам билан чекланиб қолмайди. Бугунги кунда ахборот инқилобидаги кескин ривожланиш билан боғлиқ бўлган, бошқа соҳаларни, биринчи навбатда, иқтисодиётни, қамраб олувчи ҳамда узоқ муддат давом этувчи стратегик қарама-қаршилиқнинг тубдан фарқ қилувчи янги шакли фаол равишда жорий этилмоқда. Стратегик ахборот қарама-қаршилигини олиб бориш ёндашувлари иккинчи авлодининг ривожланиши ва такомиллашиши истикболда ҳарбий кучдан фойдаланишни бекор қилинишига олиб келиши мумкин. Зеро, мувофиқлаштирилган ахборот акциялари ушбу қатъий чораларга зарурият қолдирмайди. Бунда қарама-қаршилиқнинг иккинчи авлодини бирор-бир

¹ Гахов А. Психологические аспекты применения авиации в современных условиях // Зарубежное военное обозрение, - №11 - 2004. – С. 39-40.

² Шишкин Г. В войнах будущего главное компьютер, а не танк // Эхо планеты, - №5 - 2005. – С. 8-9.

³ Леваков А.А. Анатомия информационной безопасности США // Jet Info, - №6 - 2002. – С. 27.

⁴ Гахов А. Психологические аспекты применения авиации в современных условиях // Зарубежное военное обозрение, - №11 - 2004. – С. 34.

шаклга солиш ҳозирча мураккаблигича қолмоқда ва унинг истиқболини таҳлил қилиш услублари тўлиқлигича ишлаб чиқилмаган¹.

Хусусан, АҚШ Президентининг 1999 йил 30 январдаги PDD-68 рақамли директиваси асосида International Public Information Group (IPIG) номли янги тузилма жорий этилди. “Хорижий ҳукуматлар, ташкилотлар ва айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва фаолиятига” таъсир кўрсатиш мақсадида олинган маълумотлардан керакли вақтда фойдаланиш ушбу ташкилотнинг вазифаси этиб белгиланган. Мазкур ташкилотнинг тузилишига АҚШ Марказий разведка бошқармаси сезиларли ҳисса қўшди. Шундай қилиб, америкалик мутахассислар яқин келажакда ахборот курашида етакчи устунликга эга бўлиш ва ўз навбатида можароли вазиятларни қуролли аралашувларсиз ўз фойдаларига ҳал қилиш имкониятини қўлга киритишлари мумкинлигини таъкидлайдилар².

Шунингдек, компьютер технологиялари асосида маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашни қўллашдан келадиган фойдага қарамай, АҚШ Сенати “ялпи ахборот хабардорлиги” лойиҳасини амалга татбиқ этишдан аввал, мониторинг дастурини амалга ошираётган Пентагондан махфийлик ҳуқуқини бузмаслик борасидаги етарли далилларни тақдим этишни талаб қилмоқда³.

Таъкидлаш жоизки, сезиларли равишда янги радиоэлектрон тизимлар ва компьютер технологияларини ишлаб чиқариш ва қўллаш имкониятига эга ҳамда ахборот урушини олиб бориш концепцияларига асосланган АҚШ нафақат сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда, балки жаҳон ахборот инфратузилмаси соҳасида ҳам етакчилик ролини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқда. Бунда АҚШ Қуролли кучларида нисбатан бой ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган ахборот урушини олиб бориш усуллари, бир томондан, ўтмишда ўзининг ижобий томонларини кўрсатган, бошқа томондан эса, бугунги кунда душманга оператив ва жанговар таъсир кўрсатишнинг янги услубларини ташкил қилади.

Шу билан бирга, ҳарбий хатти-ҳаракатлар билан биргаликда ахборот урушини олиб боришнинг асосий жиҳатлари яқин келажакда устувор аҳамият касб этади. Сиёсий ва иқтисодий соҳаларда устунликка эришиш ва уни таъминлашда ахборотдан фойдаланиш тенденцияси нафақат назарий жиҳатдан ривожланиши, балки ўзининг амалий қўлланилиш соҳаларини кенгайтиради. Бу эса ривожланаётган давлатлар истиқболда ўзларига нисбатан кўрсатиладиган ахборот таъсирига тайёр туришларини тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинаётган ахборот хавфсизлиги концепциялари ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг асосий қоида ва йўналишларини белгилаб беради. АҚШнинг мазкур соҳага оид концепцияларида “ахборот уруши”ни олиб боришнинг ҳужумкор стратегияси кўзда тутилган. Аксарият давлатлар ҳимоя позициясини ўз концепцияларининг бош тамойили этиб белгилаган.

¹ Гриняев С. Взгляды военных экспертов США на ведение информационного противоборства // Зарубежное военное обозрение, №8, 2001. – С. 54.

² Юкоридаги манбага қаранг.

³ Роговский Е.А. Распространение Int-технологий в США // США-Канада, №12, 2004. – С. 110.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигининг концептуал асослари шакллантирилмоқда, бунда асосий урғу шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоялашга йўналтирилган. Бу борада АҚШнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажрибасининг ахборот инфратузилмаларини, жамият ҳаётининг ахборот ташкил этувчилари хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларини ўрганиш ҳамда жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Франция тажрибаси

Бугунги кунда ер юзининг деярли барча давлатлари кун тартибида ҳал этилиши зарур бўлган долзарб муаммолар қаторида ахборот хавфсизлигига йўналтирилган таҳдидлардан ҳимояланишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу туфайли, дунёнинг барча мамлакатларида ушбу муаммони ҳал этиш юзасидан назарий ва амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар янада такомиллаштирилмоқда.

Францияда ахборот соҳаси ва у билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш масаласида тегишли давлат тузилмалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бир қаторда хусусий компаниялар ҳам иштирок этиб келмоқда. Бу эса Франциянинг ахборот соҳасида қўлга киритган катта ютуғи саналиб, ҳозирда Европа Иттифоқи мамлакатлари ичида ахборотга бўладиган хавф ва таҳдидлардан энг яхши ҳимояланган давлат сифатида эътироф этилади¹.

Ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича барча ташкилий тузилма ва марказлар ҳамда компаниялар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи орган “Хавфсиз ахборот тизими” миллий агентлиги ҳисобланади. Ушбу агентликнинг асосий функцияси ахборот тизимлари ва уларнинг хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, телекоммуникация ва алоқа воситаларини ҳимоя қилиш бўйича тактик-техник вазифаларни бажариш, ахборот хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини назорат қилиш, соҳа бўйича халқаро музокараларда иштирок этиш ва профессионал кадрлар тайёрлашдан иборатдир².

Францияда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими бошқа давлатлардан фарқ қилиб, ушбу соҳага полиция ҳам жалб қилинган. Ҳозирги кунда Франция полициясининг барча минтақавий бўлимларида ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмалари фаолият олиб боради. Мазкур бўлинмаларда телекоммуникация соҳасидаги мутахассислардан ташқари электрон жиноятчиликнинг кенг кўламлилигини ҳисобга олиб, бошқа ихтисослик вакиллари ҳам полиция фаолиятига жалб қилинган.

Шунингдек, мазкур давлатда ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича хусусий компаниялар фаолиятининг йўлга қўйилганлигини ҳам кузатишимиз мумкин. Ушбу компаниялар ўз фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилиш

¹ Информационная безопасность в Европе // URL-адрес: <https://sites.google.com/site/bezopasnostfrancii/extra-credit>. Дата обращения: 12.06.2017 г.

² Димлевич Н. Информационные войны в киберпространстве - Франция и Германия // URL-адрес: <https://interaffairs.ru/news/show/613>

органлари билан ҳамкорликда ташкил қилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, ахборот ҳимояси соҳасидаги компанияларни ташкил қилиш ва бошқариш ваколати хавфсизлик тизимида меҳнат қилган собиқ офицерларга берилиши мумкин¹.

Бундан ташқари, Францияда давлат томонидан марказлаштирилган филтрлаш тизими жорий этилган бўлиб, унинг мақсади болаларни ирқчиликка оид ва неофашистик йўналишдаги сайтлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Франция қонунчилиги талаблари асосида Google ўзининг баъзи хизматларини давлат даржасида филтрлайди².

Шу билан бир қаторда, ахборот хавфсизлиги борасида барча жараёнлар, жумладан, давлатнинг ахборот сиёсати, амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши каби бир қанча меъёрларни ўз ичига олган Назорат органи (Commission Nationale de l' Informatique et des Libertes - CNIL) фаолияти йўлга қўйилган. Ушбу орган ахборотга оид ҳуқуқбузарликларни ўрганиб чиқади ҳамда уларга нисбатан тегишли чоралар кўради. Жазо чоралари иқтисодий санкция, жарима ва озодликдан маҳрум этиш кўринишларида бўлиши мумкин³.

Шунингдек, Францияда идентификация қилинмаган фуқароларга ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Ушбу тартибни бузган Интернет провайдерлари учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган. Қонунга биноан маҳаллий серверлар орқали ахборот тарқатаётган барча муаллифлар ўзи ҳақидаги ҳамма маълумотларни киритиш мажбурияти мустаҳкамлаб қўйилган.

Францияда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ЕИнинг бошқа мамлакатларидан бирмунча фарқ қилиб, унинг ўзига хослиги шундаки, ахборот соҳасини тартибга солишда алоҳида қонунлар эмас, балки жиноят, меҳнат ва фуқаролик кодексларидан фойдаланилади. Шундай бўлсада, мазкур соҳани назорат қилувчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганлигини кўришимиз мумкин⁴.

Жумладан, 1971 йилда Франция Миллий ахборот дастури (Plan Calcul) қабул қилинган бўлиб, унда компьютер ва телекоммуникацияларни ривожлантириш ҳамда уни жамиятнинг барча соҳаларига татбиқ этиш режалари белгилаб олинган. Соҳа бўйича кейинги ишлаб чиқилган чоратadbирлар ушбу дастурда белгиланган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган⁵.

Шу билан бир қаторда, 2004 йил “Маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун кучга киритилиб, унда ахборот билан боғлиқ барча соҳаларнинг ушбу тармоқдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган. Бундан ташқари, ахборот хавфсизлиги соҳасига қаратилган янги таҳдид ва

¹ *Аверченков В.И.* и др. Системы защиты информации в ведущих зарубежных странах: Учебное пособие. 3-е издание. – М.: Издательство “ФЛИНТА”, 2011. – С. 96-98.

² *Гусев А.В.* Зарубежный опыт борьбы с преступлениями в сфере Интернета. 2010. - С. 2-3. // URL-адрес: <http://www.pravo.by/conf2010/reports/Gusev.doc>

³ Законодательство Франции в сфере защиты персональных данных и информационной безопасности. // URL-адрес: <http://uipdp.com/solutions/services/consulting/legislation/eu/france.html>. Дата обращения: 12.06.2017 г.

⁴ Информационная безопасность в Европе. // URL-адрес: <https://sites.google.com/site/bezopasnostfrancii/extra-credit>. Дата обращения: 12.06.2017 г.

⁵ Законодательство Франции в сфере защиты персональных данных и информационной безопасности. // URL-адрес: <http://www.uipdp.com/solutions/services/consulting/legislation/eu/france.html>. Дата обращения: 12.06.2017 г.

хавфларнинг кўчайиб бориши сабабли шахс, жамият ҳамда давлат манфаатларига шунингдек, иқтисодиётга зарар етказётган таҳдидларни бартараф этиш мақсадида 2011 йилда “Ахборот хавфсизлигини ҳимоя қилиш” стратегияси ишлаб чиқилди. Мазкур стратегияда кибержиноятчилик ва кибертерроризм асосий эътибор қаратилган тармоқ сифатида қаралганлигини кўришимиз мумкин¹.

Ҳозирги вақтда Франция ЕИнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳуқуқий жиҳатдан қаттиқ назорат остига олинган етакчи давлатларидан бири сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикасида эса ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими энди ривожланаётган соҳалардан бири бўлиб, уни такомиллаштиришда хорижий мамлакатлар ижобий тажрибасини ўрганишга зарурат туғилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилиш мумкинки, Франция ахборот хавфсизлигини таъминлашда ўзига хос сиёсат олиб боради. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, унда давлат ташкилотлари, хусусий компаниялар ва халқаро Интернет қидирув тизимлари фаолиятининг ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

Франциянинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимида қўллаётган куйидаги тажрибаларини миллий ахборот хавфсизлиги тизимига татбиқ этиш ўз самарасини беради:

– ахборот хавфсизлигини таъминлашда иштирок этадиган хусусий компаниялари фаолиятини амалиётга татбиқ этиш;

– мамлакатда фаолият юритаётган провайдерлар томонидан филтрлаш тизимини йўлга қўйиш.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Хитой Халқ Республикаси тажрибаси

Интернет тармоғини ноқонуний контентдан ҳимоялашда қатъий чора тадбирлар ҳам етарли самара бермоқда. Хусусан, Интернет миллий сегментини назорат қилиш бўйича самарали механизмларни қўллаётган давлат Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ҳисобланади. Бу давлатда Интернетни назорат қилиш тизими марказлашган бўлиб, назорат қилиш ва тозалашнинг қатъий усул ва чора-тадбирлари қўлланилмоқда. Бу борада “Олтин қалқон” (Great Firewall of China) лойиҳаси асосида ишлар олиб борилмоқда. Лойиҳа асосида хавфсизликни таъминлаш учун веб-саҳифаларни филтрлашда калит сўзлар ва сайтларнинг “қора рўйхати” тузилган. Сайтларга IP-адреслари бўйича чекловлар ўрнатилган.

Хитойда Интернет-кафедан фойдаланувчилар учун мажбурий рўйхатдан ўтиш йўлга қўйилган, шунингдек, қонунга қарши чоп этилган ахборотларни назорат қилиб турувчи Интернет-полицияси ҳам фаолият юритади.

Қонунга мувофиқ 2005 йилда иш бошлаган янгиликлар сайтлари қайта рўйхатдан ўтиши керак эди. Бу тадбир Интернет сайтларини порнография ва қонунга қарши маълумотлардан тозалаш мақсадида ўтказилган. Ҳозирда барча

¹ Законодательство Франции в сфере защиты персональных данных и информационной безопасности. // URL-адрес: <http://www.uipdp.com/solutions/services/consulting/legislation/eu/france.html>. Дата обращения: 12.06.2017 г.

Интернет провайдерлари ўз сайтларидаги барча маълумотлар учун жавобгар ҳисобланади.

Статистик маълумотларга кўра, порнографик сайтлар ҳам фойдаланувчилар томонидан энг кўп кириладиган сайтлар ҳисобланади. Бунга сабаб, ахлоқсизликни тарғиб этувчи контентга эга маҳсулотларни анъанавий усул билан тарқатиш тақиқланган, лекин уни виртуал усулларда олиш эркиндир.

2009 йилнинг 1 июлидан Хитойдаги барча компьютерларга порнография ва ахлоқсиз мазмундаги маълумотларга Интернет-филтрлар қўйилиши кўриб чиқилди. Мазкур филтрлар мамлакатда сотувга чиқарилган барча компьютерларга ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзида ўрнатиб чиқарилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, ҳукумат барча Интернет провайдерларини ва Интернет-кафеларни қатъий назорат остига олди .

Бугунги кунда Хитой Интернет тармоғи тизими тўртта асосий тармоқдан иборат бўлиб улар қўйидагилардан иборат: ChinaNet - Ахборот саноати вазирлигига тегишли етакчи тижорий тармоқ, Golden Bridge Network - Jitong корпорациясига тегишли кичик тижорий тармоқ, China Science & Technology Network- илмий тармоғи, China Educational & Research Network - таълим масканлари ва академик институтларни бирлаштирувчи тармоқлар ҳисобланади.

Хитойда Интернет-технологияларини тартибга солиш давлат сиёсати ва миллий мафкура билан боғлиқликда олиб борилади. Хитой Коммунистик партияси ҳокимиятда монополияни сақлаб қолиш мақсадида, анъанавий ОАВни назорат қилиб келган. Интернетнинг пайдо бўлиши билан ўз назоратига хавф сезди ва бу масалада филтрлаш технологиялари, киберполиция назорати ва тарғиботни бирга қўллаган ҳолда чоралар кўриб келмоқда. Ўтган асрнинг 90-йиллар бошларида жамоат хавфсизлиги органлари барча бўғинларида ахборот хавфсизлиги устидан назорат ўрнатилган. Хитой “милиция тўғрисида”ги қонун ва тегишли қонунлар, қонуности ҳужжатлари жамоат тартиби органига ахборот хавфсизлигини назорат қилиш вазифасини топширади. Жамоат милициясининг таркибидаги Интернет-полициясининг асосий вазифалари қилиб қўйидагилар белгиланган:

- ахборот тизими хавфсизлик даражаси мезонларини аниқлаш ва уларни ҳимоялашнинг аниқ усулларини топиш;
- олинган маълумотларни Интернет фойдаланувчисига етказиш;
- Интернетда хавфсизлик режимини ўрнатиш;
- электрон маълумотлар, ҳужжатлардан фойдаланишда юзага келган жиноий иш материалларини юритиш;
- компьютер вируслари ва бошқа хавфли ахборотлардан огоҳлантириш механизмларини ишлаб чиқиш;
- ахборот маҳсулотларини сотилишига давлат рухсатини беришда аниқ усулларини ишлаб чиқиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш ва йўналтириб бориш;
- Интернет тармоғидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш.

Хитой ўн минглаб киберцензурачилар ва киберполиция ходимларига эга бўлган дунёдаги ягона давлат ҳисобланади. Улар барча ҳудудий жамоат тартиби бюрolarида ўз бўлимларига эга. Уларнинг вазифаси давлат сирларини сақлаш бўлсада, амалда Интернетни ҳукуматга қарши қаратилган деструктив ахборотлардан тозалаш ишларини бажаради. Маълумотларга кўра, киберполиция ходимлари томонидан охириги 10 йилда юзлаб Интернет қоидабузарлари жиноий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, Хитойда Интернетни назорат қилувчи органлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин¹:

- Давлат ахборот Кенгаши бошқармаси (Интернет – тарғибот маъмурий бюроси ва жамоат фикрини ўрганиш маркази);
- Хитой коммунистик партияси марказий кенгашининг тарғибот бўлими (Интернет Бюроси ва Ахборот ва жамоатчилик фикри бюроси);
- Ахборот саноати вазирлиги (Интернетда ноқонуний ва ахлоқсиз ахборотни рўйхатга олиш маркази);
- Жамоат хавфсизлиги вазирлиги (Компьютер назорати ва текшириш бюроси).

Интернет устидан асосий назорат биринчи икки орган томонидан олиб борилади. Ахборот саноати вазирлиги Интернет назоратида бевосита иштирок этмайди. Охириги икки орган порнография, фирибгарлик, зўравонликка оид маълумотларни чеклаш билан шуғулланади.

Хитой миллий Интернет сегментида ахборот хуружларига қарши курашишда икки ост тизим фаолиятини ажратиш мумкин.

Бу жараёнда Хитой фанлар академияси муаммога илмий томондан асосланиб ечим йўллари кўрсатиб беради, Ахборот саноати вазирлиги (Интернетда ноқонуний ва ахлоқсизликни тарғиб қилувчи ахборотларни рўйхатга олиш маркази) эса амалий томондан кўрсатмалар беради.

Бундан ташқари, Хитой тармоқлараро ахборот маркази (CNNIC) қуйидаги вазифаларни амалга оширади²:

- асосий конституциявий тамойилларнинг бузилишларини аниқлайди ва бартараф этади;
- миллий хавфсизликка таҳдидлар, маълумот чиқиб кетиши, ҳокимиятни ағдаришга қаратилган чақириқлардан огоҳлантиради;
- порнографик материалларни тарқатиш ва бошқа жиноят турларининг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;
- инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситувчи, ҳақоратловчи маълумотлар тарғиботи юзасидан мониторинг амалга оширади.

Шунингдек, Хитой Интернетга уланиш пунктлари, Интернет-кафелар, фойдаланувчиларни рўйхатга олиш ва ахборот воситалари устидан назорат ўрнатиш бўйича дунё давлатлари амалиётидан ташқари махсус чоралар ҳам кўрган. Масалан, ҳукумат томонидан “Олтин қалқон” (Great Firewall of China) номли махсус дастур қабул қилинган. Унга кўра, 2001 йилдан Хитой ҳукумати

¹ Ибрагимова Г. Стратегия КНР в области управления интернетом и обеспечения информационной безопасности. Индекс безопасности № 1 (104), Том 19, 2013. - С. 174-177.

² Statistical Report on Internet Development in China, January, 2011, Published by China Internet Network Information Center (CNNIC)

миллий Интернет домени атрофида “электрон девор” куришни бошлади. Лойиҳанинг мақсади қилиб – давлат идоралари ва ОАВда ахборот хавфсизлигини таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланди. Мазкур лойиҳа асосида ҳукумат Интернетнинг миллий сегментидаги барча маълумотларни текширади. Агар тизим тақиқланган терминни топса, у манба серверига ҳамда олувчи компьютерига маълумот оқимини тўхтатиш буйруғини жўнатади.

Бундан ташқари, Хитой ҳукумати Интернетни тартибга солишни бир қатор қонун ҳужжатларида келтириб ўтган. Жумладан, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялаш масаласида ҳам тартибга солишлар амалга оширилмоқда. 1990 йил қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқ тўғрисида”ги қонунга кўра, компьютер дастури маҳсулотлари илк бор муаллифлик ҳуқуқи бўйича ҳимояланадиган объектлар мезонига тенглаштирилди. 1991 йил “Компьютер дастурларини ҳимоялаш тўғрисида” низом компьютер тизимлари хавфсизлигини ҳимоялаш соҳасидаги илк меъерий ҳужжат ҳисобланади. 1994 йил Давлат Кенгаши “Компьютер ва ахборот тизимларини ҳимоялаш тўғрисида”ги низомни эълон қилди.

Бугунги кунда ХХРда Интернет ахборот тизимини ҳимоялашнинг самарали тизими ишлаб чиқилган бўлиб, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асослари ҳам такомиллаштирилиб борилмоқда. Шу сабабли ушбу давлат ахборот хавфсизлиги тизимининг айрим жиҳатларидан республикамиз ахборот хавфсизлигини таъминлаш жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича Эрон Ислом Республикаси тажрибаси

Эрон Ислом Республикаси (ЭИР) ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизими мураккаб ва кўп тармоқли тузилма ҳисобланади. Мазкур тизимга ахборот маконида давлат ва жамият миллий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган бўлиб, ушбу тизим қуйидаги таркибий тузилмалардан ташкил топган.

Кибермакон Олий Кенгаши (Supreme Council of Cyberspace)

Кибермакон Олий Кенгаши (Shoray-e Aali-e Fazaye Majazi) ЭИРда ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун масъул энг юқори ҳукумат органи ҳисобланади. Ушбу тузилма 2012 йилнинг ахборот маконида давлатнинг сиёсий ва миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган¹. Кибермакон Олий Кенгаши таъсис этилгач, Эрондаги киберхавфсизликка масъул барча ташкилотлар ушбу янги ҳукумат органига юқоридаги мақсадни амалга оширишда кўмаклашиш вазифаси топширилди².

Ушбу Кенгаш таркибига Президент, суд ҳокимияти ва парламент раҳбарлари, давлат томонидан юритилувчи радио ва телевидение тизими

¹ حکم تشکیل و انتصاب اعضای شورای عالی فضای مجازی // URL: <http://farsi.khamenei.ir/message-content?id=19225>.

² Siboni G., Kronenfeld S. “Iran and Cyberspace Warfare,” *Military and Strategic Affairs* 4, no. 3 (Dec. 2012): 83–87, // URL: http://www.inss.org.il/uploadImages/systemFiles/MASA4-3Engd_Siboni%20and%20Kronenfeld.pdf; “The Supreme Council of Cyberspace: Centralizing Internet Governance in Iran,” *Iran Media Program* (Annenberg School for Communication, University of Pennsylvania, April 8, 2013), // URL: <http://www.iranmediaresearch.org/en/blog/227/13/04/08/1323>.

бошлиқлари, Ислом инқилоби кўриқчилари Корпусининг қўмондони, ахборот вазири, телекоммуникация, маданият, илм-фан вазирлари киради.

Кибер мудофаа гуруҳи (Cyber Defense Command)

2010 йил ноябрь ойидан буён Кибер мудофаа гуруҳи (Gharargah-e Defa-e Saiberi) деб номланган ташкилот Эронда Куролли кучлар (ҚК) бирлашган штабининг (Setad-e Kol-e Niruhay-e Mosalah) тузилмаси бўлган пассив фуқаровий мудофаа ташкилоти (Sazeman-e Padafand-e Gheyr-e Amel) раҳбарлиги остида фаолият олиб бормоқда¹.

Пассив фуқаровий мудофаа ташкилоти 2003 йилда ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, таркибида ҚК ва ҳукуматнинг турли вазирлик ва ташкилотларининг вакиллари бўлган “Пассив фуқаровий мудофаа бўйича доимий кўмита” учун масъул ҳисобланади. Мазкур доимий кўмитанинг котибияти 2011 йилнинг августигача Президент бошқаруви остида бўлган, кейинчалик оятуллоҳ А.Хуманай ва М.Аҳмадинажод келишган ҳолда уни ҚКнинг олий қўмондонлигига ўтказди². Кўмита котибияти эҳтимолли уруш ҳолатида мамлакат инфратузилмасига етказиладиган зарарни камайтириш мақсадида бир неча ҳукумат ташкилотлари ва агентликларни ҳарбий хужумга ноҳарбий жавоб қайтариш фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланади.

Ушбу гуруҳ ташкил этилган кундан бошлаб, унга киберхужумлардан мудофаа вазифаси юклатилган. Лекин, шунга қарамай, келажакда бу гуруҳнинг ўзи ҳам киберхужум операцияларига жалб этилиши эҳтимолдан холи эмас. Пассив фуқаровий мудофаа ташкилотидан ташқари Телекоммуникация, Мудофаа, Ахборот ва Саноат вазирликлари Кибер мудофаа гуруҳининг аъзолари саналади.

Эрон кибер армияси (Iran's Cyber Army)

Эрон кибер армияси ахборот технологиялари бўйича юқори малакали мутахассислар ва шахси ошкор қилинмайдиган профессионал хакерлардан таркиб топган гуруҳ бўлиб, расман рўйхатдан ўтмаган ва бугунгача ҳеч қайси агентлик ёки ҳукумат ташкилоти унинг учун жавобгарликни ўз бўйнига олмаган. Шунга қарамай, баъзи манбаларга кўра, унинг Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг таркибий қисми эканлиги айтилади³.

Кибер армиянинг техник имкониятлари шундаки, у ҳозирга қадар бир нечта хорижий ОАВ материаллари, “Twitter” ижтимоий тармоғи ва бошқа Ғарб ҳукумат веб-сайтларининг материалларини ноқонуний қўлга кирита олган⁴.

“Google” компаниясининг ижрочи директори Э.Шмитнинг “CNN” телеканалига берган интервьюсига кўра, Эрон кибер мутахассислари разведка хакерлиги орқали Интернетда ахборот оқимини қўлга киритишга муваффақ бўлган, яъни хакерлар бу оқимни Даниядан Эронга, сўнгра қайтадан Данияга йўналтиришга эришган. У эронлик хакерлар маҳоратига яхши баҳо бериб, улар

¹ The Iranian Cyber Threat. URL: <https://phoenixts.com/blog/the-iranian-cyber-threat-part-1-irans-total-cyber-structure>

² Passive Civil Defense Organization. // URL: <http://www.iranwatch.org/iranian-entities/passive-defense-organization>

³ Iranian Cyber Army. // URL: https://en.wikipedia.org/wiki/Iranian_Cyber_Army.

⁴ Twitter hack by “Iranian Cyber Army” is really just misdirection. // URL: <https://www.theguardian.com/technology/blog/2009/dec/18/twitter-hack-iranian-cyber-army-dns-mowjcamp>.

киберхужумларда ноодатий усул ва воситалардан самарали фойдаланади, - деб таъкидлайди¹.

2011 йилнинг сентябрида Эрон хакерлари 300 минг эронлик Интернет фойдаланувчиларини шахсий akkaунтларидан маълумотларни олиш мақсадида 500 та Интернет хавфсизлик сертификатларига киберхужумлар уюштиришгани маълум бўлди². Нидерландия ҳукумати хакерлар томонидан мамлакатнинг Интернет хавфсизлик фирмаси “DigiNotar”га хужум қилинганини таъкидлади. Нидерландия Адлия вазирлиги “Yahoo”, “Facebook”, “Microsoft”, “Skype”, “AOL”, “Tor Project” ва “WordPress”, шунингдек Исроилнинг МОССАД ва Британиянинг MI-6 каби махсус хизматлар томонидан юритиладиган веб-сайтларга жўнатилган сохта сертификатга эга фойдаланувчилар рўяхатини чоп этди³.

Эрон хакерлари махсус хакерлик коди яширинган форсча имзо қолдирган, худди 2011 йилнинг март ойида Эрон фуқаролари томонидан бузиб кирилган АҚШнинг хавфсизлик фирмаси “Comodo”га қарши ёзувга ўхшаш бўлиб, қуйидагича имзо чекилган: “Олий раҳнамога (оятуллоҳ А.Хуманай) жоним фидо!”⁴.

Шунингдек, 2009 йил май ойида Американинг Интернет хавфсизлиги билан шуғулланувчи Мудофаа технологиялари (Defense Tech) компанияси Эронни дунёдаги энг кучли кибер салоҳиятга эга беш давлат қаторига киритди⁵. 2009 йилдаги Президентлик сайловлардан сўнг кибер армия ўз салоҳиятини янада оширди ва унинг операциялари ҳам янада мураккаблашди.

Бундан ташқари, Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг сиёсий маҳкамаси собиқ раҳбари Я.Жаванийнинг таъкидлашича, корпус дунёда катталиги жиҳатдан бешинчи ўринда турувчи Кибер армияга эга⁶. 2011 йил ноябрь ойида Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг Техрондаги собиқ кўмондони Х.Ҳамадоний Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг Техронда иккита киберкураш марказлари борлигини айтиб ўтган⁷.

“Басиж” қаршилик кучлари

Эрон Кибер армияси ва Кибер мудофаа гуруҳига қўшимча тарзда Интернет операциялар бўйича камроқ малакага эга бўлсада, “Басиж” қаршилик кучлари ҳам бу борада катта маблағ сарфлайди.

2007 йилда “Басиж” қайта ташкил этилгач, унинг қуролли қисмлари Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг қуруқликдаги кучларига айланди,

¹ House Passes Republican-Proposed Payroll Tax Cut Extension; Interview with Senator Rand Paul; Interview With Jon Huntsman. Dec. 13, 2011. // URL: <http://edition.cnn.com/TRANSCRIPTS/1112/13/ebo.01.html>.

² Iranians hit in email hack attack. 6 Sep. 2011. // URL: <http://www.bbc.com/news/technology-14802673>.

³ Hackers spied on 300,000 Iranians using fake Google certificate. SEP 6, 2011. // URL: <http://www.computerworld.com/article/2510951/cybercrime-hacking/hackers-spied-on-300-000-iranians-using-fake-google-certificate.html>.

⁴ Hacking in the Netherlands Took Aim at Internet Giants. SEPT. 5, 2011. // URL: <http://www.nytimes.com/2011/09/06/technology/hacking-in-the-netherlands-broadens-in-scope.html>.

⁵ Platov V. Iran and Modern Cyber Warfare, Dec. 24, 2014. // URL: <http://www.globalresearch.ca/iran-and-modern-cyber-warfare/5421360>.

⁶ Bucala P. Iranian Cyber Strategy: A View from the Iranian Military, Nov. 24, 2015. // URL: <https://www.criticalthreats.org/analysis/iranian-cyber-strategy-a-view-from-the-iranian-military>.

⁷ Mansharof Y. Iran's Cyber War: Hackers In Service Of The Regime; IRGC Claims Iran Can Hack Enemy's Advanced Weapons Systems; Iranian Army Official: The Cyber Arena Is Actually The Arena Of The Hidden Imam' August 25, 2013. The Middle East Media Research Institute. // URL: https://www.memri.org/reports/irans-cyber-war-hackers-service-regime-irgc-claims-iran-can-hack-enemy-advanced-weapons#_ednref14.

“Басиж”нинг катта қисмини ташкил этувчи ноҳарбий қисмлари эса тузум душманлари билан киберкураш олиб борувчи “юмшоқ уруш” учун масъул бўлди¹.

“Басиж” аъзоларининг аксарияти профессионал кадрлар эмас ва асосан қуйи ижтимоий синфга тегишли бўлганликлари сабабли, бу ярим ҳарбий тузилмадаги энг асосий кибер фаолият бу компьютер ва Интернет билан ишлаш, аъзолар билан блогларда ёзишмалар олиб бориш маҳоратидан иборат². “Басиж” аъзолари тузум учун муҳим саналган саҳифаларга ва тузумни танқид қилинишига қарши курашувчи ижтимоий сайтларга ҳисобсиз мулоҳазалар ва шарҳлар ёзади.

Бу умумий фаолиятдан ташқари, ташкилот ичида “Басиж” Киберхавфсизлик кенгаши ҳам тузилган бўлиб, унинг вазифалари сирасига Ислом инқилоби кўриқчилари корпуси мутахассислари назорати остида хакерлардан фойдаланиш ҳам киради. Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг Техрон бўлинмаси собиқ кўмондони Ҳ.Ҳамадонийнинг кенгаш фаолияти юзасидан қилган маърузасида 1500 га яқин кибер отрядлар тайёрланганини айтган³.

“Басиж” ва Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг Киберхавфсизлик кенгаши фаолиятини янада кенгайтириш борасида кенг кўламли режаларига қарамай, бу орган ҳали ҳам қийин бўлмаган хакерлик, сайтлар ва электрон почталарда оддий операциялар ўткази олувчи тажрибасиз кадрлардан таркиб топган, мураккаб операциялар устида эса Ислом инқилоби кўриқчилари корпусининг Кибер армияси иш олиб боради.

Эрон Кибер полицияси (Iranian Cyber Police)

2009 йил сентябрда полиция бош командори Исмоил Аҳмади-Могҳадам Кибер полиция ташкил этилиши ҳақида эълон қилган⁴. Ушбу махсус полиция қисми 2011 йил январь ойида “FATA Police” (форс тилидаги кенгайтмаси ахборот яратиш ва алмашиш кибер полицияси) номи остида ташкил этилди. “FATA Police”нинг асосий вазифаси Интернет жинойтлари, қаллоблик, шахсий маълумотларни ўғирлаш ва ахборот таҳдидларига қарши кураш ҳисобланади.

Полициянинг кибермакондаги энг асосий фаолияти – бу Интернет фойдаланувчиларини назорат қилишдир. Улар Интернет провайдерлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради⁵.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш лозимки, ахборот хавфсизлиги соҳасида Эрон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, Интернет орқали мамлакат аҳолисини, айниқса ёшларни дунё билан виртуал алоқа қилиш имкониятларини, шунингдек чет эл махсус хизматлари ва

¹ The Iranian Cyber Threat, SEP.12, 2013 // URL: <https://phoenixts.com/blog/the-iranian-cyber-threat-part-1-irans-total-cyber-structure/>.

² Rubin M. Basij Organization Enters Cyber Operations Dec. 1, 2014. // URL: <https://www.aei.org/publication/basij-organization-enters-cyber-operations/>.

³ Gertz B. Iran Cyber Threat: Tehran girds military, industry for cyber war as Iranian attacks abroad continue, Feb. 23, 2014. // URL: <http://flashcritic.com/iran-cyber-threat-tehran-girds-military-industry-cyber-war-iranian-attacks-abroad-continue/>.

⁴ Ebrahimi. Iran's government & Internet Crackdown, July 11, 2011. // URL: <http://ireport.cnn.com/people/Ebrahimi>

⁵ Bastani H. Structure of Iran's Cyber Warfare dec. 3, 2012. // URL: <http://www.strato-analyse.org/fr/spip.php?article223>

ташкilotларининг кибер воситалар орқали суқилиб киришини имкон қадар чеклашни мақсад қилинган.

Юқоридагиларга асосланиб хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда дунё давлатлари ахборот маконида ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳам хужумкор, ҳам ҳимоя позициясини биргаликда олиб бормоқда. Албатта, ҳеч бир давлатнинг бу борадаги тажрибасини “ягона модель” сифатида қўллаш имконияти йўқ. Чунки, ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларидан, иқтисодий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантирмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, бу йўналишда Ўзбекистон ҳам ўзига хос тажрибага эга. Лекин, хориж давлатларининг илғор тажрибаларини доимий равишда ўрганиш, улардаги самарали деб топилган механизмларни миллий тизимларга жорий этиш фойдадан холи эмас.

Шу мақсадда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– “Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш (Франция тажрибаси);

– Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибида махсус ахборот ҳимояси билан шуғулланувчи бўлинмаларни ташкил этиш масаласини кўриб чиқиш (АҚШ тажрибаси);

– миллий Интернет провайдерлари даражасида Ўзбекистон миллий манфаатларига ёт ғояларни тарқатувчи сайтларни филтрлаш тизимларини жорий этиш (Хитой тажрибаси).

Истиқболда Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш масаласи юзага келиши мумкин бўлган ахборот таҳдидларининг кўлами ва таъсир даражасини таҳлил қилиш орқали ҳал этилади. Бунда, албатта, ахборот таҳдидларининг олдини олиш тадбирларини мунтазам ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, ахборот соҳасида Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқи ғаразли кучларнинг фаолиятини доимий ўрганиб бориш, уларга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда ривожланган хориж давлатлари тажрибасини мунтазам ўрганиб бориш талаб этилади.

Бундан ташқари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ташкilotлар доирасидаги иштирокини ҳам таҳлил қилиш ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

4.2. Минтақавий ташкilotлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлиги

Ўзбекистон Республикаси минтақавий ташкilotлар доирасидаги хавфсизлик бўйича ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини аъзо давлатлар суверенитети, конституциявий тузумини ташқи ахборот таҳдидларидан ҳимоялаш масаласига қаратади. Глобал миқёсда давлат яхлитлиги ва

барқарорлигига хавф соладиган ахборот таҳдидларининг кучайиб бориши шароитида уларни олдини олишда бир давлат миқёсида қабул қилинаётган қарорлар ҳамда кўрилаётган чора-тадбирлар етарли самарани бермайди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси минтақавий ташкилотлар доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни ташқи сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида белгилади. Хусусан, Ўзбекистоннинг хавфсизлик соҳасидаги илк ҳамкорлиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) форматида йўлга қўйилди. Хусусан, 1992 йилда Тошкентда “МДҲга аъзо давлатлар Куролли Кучларининг махфийлигини таъминлаш ва бошқарув тизимининг ахборот таъминоти тўғрисида”ги келишув имзоланди. МДҲ доирасида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга асос бўлган ҳужжат “МДҲга аъзо давлатлар ахборот хавфсизлиги концепцияси” 1999 йил ҳукумат раҳбарлари Кенгашида қабул қилинди¹. Концепцияда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг мақсад, вазифа ва тамойиллари белгиланди.

Ҳамкорликнинг кейинги босқичида, хусусан, 2004 йил декабрь ойида МДҲга аъзо давлатларнинг ахборотлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаши қарорига асосан ахборот хавфсизлиги бўйича комиссия ташкил этилди. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш воситалари ва тизимларини яратиш бўйича тажриба алмашишни ташкил этиш, соҳага оид ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ва шакллари юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш Комиссия фаолиятининг муҳим йўналишлари сифатида белгиланди. Шунингдек, давлат органлари ўртасидаги ахборот тизимлари ва ресурсларининг ҳимояланганлигини таъминлашга қаратилган умумий позицияларни шакллантириш, куч ва воситаларни бирлаштириш вазифаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ўтган давр мобайнида Комиссия томонидан ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бир қатор муҳим ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва мазкур ҳужжатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокидаги йиғилишларда, парламентлараро ассамблеяларда қабул қилинди. Булар:

– ахборотлаштириш соҳасида МДҲга аъзо давлатлар ҳамкорлиги стратегияси ва 2010 йилгача бўлган даврда стратегияни амалга оширишдаги фаолият режаси (ахборот хавфсизлиги масаласи ҳам назарда тутилган) (2006 й.)²;

– ахборот хавфсизлиги соҳасида МДҲга аъзо давлатлар ҳамкорлиги концепциясини амалга оширишнинг комплекс режаси (2008 й.);

– ахборот жамиятини қуриш ва ривожлантиришда МДҲга аъзо давлатлар ҳамкорлиги стратегияси ва 2015 йилгача бўлган даврда стратегияни амалга оширишдаги фаолият режаси (ахборот хавфсизлиги масаласи ҳам назарда тутилган) (2012 й.);

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида МДҲга аъзо давлатларнинг миллий қонунчилигини уйғунлаштириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар (2012 й.);

¹ Вопросы информационной безопасности и СНГ. <http://pravouch.com/pravovoe-regulirovanie-mejdunarodnoe/voprosyi-informatsionnoy-bezopasnosti-15115.html> (последнее посещение — 25 марта 2015 г.).

² Донос А. СНГ укрепляет единое информационное пространство. Опубликовано: Журнал “Information Security /Информационная безопасность”, №7, 2009.

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида МДХга аъзо давлатлар ҳамкорлиги тўғрисидаги келишув (концепцияни амалга оширишнинг комплекс режасини бажариш доирасида) (2013 й.).

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан МДХ терроризм, экстремизм ва ахборот хуружлари таъсирини камайтиришда ва уларга қарши курашишда ягона ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда амалий чора-тадбирларни мувофиқлаштириш майдони бўлиб хизмат қилиши таъкидланди¹. Бу жараёнда Ўзбекистон ташаббуслари бошқа аъзо давлатлар томонидан қўллаб-қувватланиб, ижобий баҳоланган.

Яқин Шарқ давлатларида юз берган “араб баҳори” воқеалари, бир қатор МДХ давлатларидаги давлат тўнтаришлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатларни ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлашда ҳамкорликни йўлга қўйиш заруратини кўрсатди.

Маълумки, ахборот хавфсизлиги масаласи 2006 йилда Шанхай шахридаги саммитда кун тартибига қўйилди. Саммит якунида ШХТга аъзо давлат раҳбарларининг халқаро ахборот хавфсизлиги бўйича баёноти қабул қилинди. Ушбу баёнотда замонавий шароитда АКТнинг жинсий, террористик ҳамда ҳарбий-сиёсий мақсадларни амалга оширишда қўлланилиши халқаро хавфсизликка таҳдид ва давлат сиёсий-ижтимоий ҳаётининг издан чиқишида муҳим омил бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Шу асосда ахборот таҳдидларига қарши курашишда халқаро ахборот хавфсизлиги (ХАХ)ни таъминлаш бўйича ШХТга аъзо давлатлардан экспертлар гуруҳи ташкил этилди. Шунингдек, 2000 йилдаги Екатеринбург декларациясида ХАХ таъминлаш муаммосининг долзарблиги халқаро алоқалар тизимининг муҳим элементи эканлиги белгилаб қўйилди².

Яна бир ахборот таҳдидларига қарши курашиш йўли сифатида 2007 йилда Ўзбекистон томонидан *умумий ахборот маконини* яратиш ташаббуси илгари сурилди³. 2010 йилдаги Тошкент декларациясида ҳам ахборот хавфсизлиги давлат суверенитети, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг таъминланишида муҳим омил эканлиги таъкидлаб ўтилди⁴.

2012 йил 27 март куни Тошкент шахрида ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг мажлисида ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш масалалари кўриб чиқилди ва ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг компьютер тизимларидан террористик, сепаратистик ва экстремистик мақсадларда фойдаланиш хавфининг олдини олиш ҳамда унинг йўлига тўсиқ қўйиш борасидаги қўшма чора-тадбирлари юзасидан келишиб олинди.

¹ Выступление Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Совета Глав государств СНГ. г. Минск, 2014 г.

² Екатеринбургская декларация глав государств — членов Шанхайской организации сотрудничества, <http://www.infoshos.ru/ru/?id=48> (последнее посещение — 25 марта 2015 г.).

³ Цивилизационная идеология для ШОС. Информационная цивилизация. XXI век. <http://www.info21.ru/second.php?id=108>. (последнее посещение — 25 марта 2015 г.).

⁴ Ташкентская декларация десятого заседания Совета глав государств — членов Шанхайской организации сотрудничества. Информационный портал ШОС. 2010, 11 июня, <http://www.infoshos.ru/ru/?id=74> (последнее посещение — 25 марта 2015 г.).

Бугунги кунда дунёдаги ҳеч бир муаммони алоҳида бир давлатнинг саъй-ҳаракати билан ечиб бўлмайди. Жумладан, хавфсизлик ва экология муаммолари камида минтақа миқёсидаги ҳамкорликни тақозо қилади. Шу маънода ШХТ билан БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг расмийлаштирилиши икки томон учун муҳим масалаларни ечишда баҳамжихат ҳаракат қилишга кенг йўл очади. БМТнинг Осиё ва Тинч океани учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), наркотиклар ва жиноятчилик бўйича қўмитаси, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази каби тузилмалари ШХТ билан анчадан буён ҳамкорлик қилиб келмоқда. Қабул қилинган Қўшма декларация бу ҳамкорликнинг имконият ва салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

ШХТ давлатлари халқаро хавфсизликка таҳдид солаётган кибержиноятчиликнинг олдини олишда давлатлар ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим деб ҳисоблайди. Бу борада, 2013 йил сентябрь ойида ахборот хавфсизлиги бўйича ташкил этилган “Инфофорум-Шанхай” конференциясида ШХТ Бош котибининг ўринбосари Мирзошариф Жалолов “ШХТ давлатларининг кибертаҳдидларни олдини олишдаги ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган ташаббусларини БМТ майдонида ҳам илгари суриш муҳим аҳамиятга эга” - деб таъкидлаб ўтди.

Ушбу йўналишда 2011 йил сентябрь ойида ШХТга аъзо давлатлар, хусусан, Россия, Хитой, Ўзбекистон, Тожикистон томонидан БМТ бош ассамблеясида кўриб чиқиш учун халқаро ахборот хавфсизлигига оид конвенция лойиҳаси тақдим этилди. Ушбу лойиҳада аъзо давлатлар томонидан тасдиқланган “ХАХни таъминлашда ахлоқ қоидалари” номли ҳужжат ишлаб чиқилди. Таклиф этилган ҳужжатда ахборот маконида ҳар бир давлатнинг ҳаракатларини тартибга солувчи қоидалар киритилди, хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан ноқонуний ҳаракатларни амалга оширишда фойдаланишга йўл қўймаслик белгилаб қўйилди.

Шунингдек, ҳужжат қоидалари ахборот воситалари орқали ташкил этиладиган террористик, экстремистик ёки жиноий фаолиятга қарши курашишда БМТга аъзо давлатларни ўзаро ҳамкорлик қилишга чақиради. Шу билан бирга, Интернетнинг хавфсиз ва барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида уни бошқаришнинг кўп томонлама ва демократик механизмларини яратиш зарурлиги белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, Интернетдан ҳарбий мақсадларда фойланишни чеклаш қоидалари киритилди ҳамда давлатларга Интернет миллий сегментида керакли чораларни ўзлари кўриши қоидалари илова қилинди¹.

Бирок, бу таклиф этилган қоидалар БМТ бош ассамблеясида иштирок этаётган давлатлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмади. Айниқса, АҚШ ва унинг яқин ҳамкорлари томонидан ҳужжатга нисбатан танқидий қарашлар

¹ Письмо постоянных представителей Китая, Российской Федерации, Таджикистана и Узбекистана при Организации Объединенных Наций от 12 сентября 2011 г. на имя Генерального секретаря. A/66/359. Генеральная Ассамблея. Организация Объединенных Наций. 14 октября 2011 г. <http://rus.rusemb.org.uk/data/doc/internationalcoderus.pdf>.

билдирилиб, таклиф этилаётган механизмлар Интернет устидан давлат назоратини ўрнатишга уриниш сифатида баҳоланди¹.

Шунингдек, АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатлари бу ташаббусга сўз ва ахборот олиш эркинлигининг бузилиши, Интернетдан фойдаланишни чекланиши каби фикрлар билан эътироз билдирди. Хусусан, АҚШ давлат департаменти катта маслаҳатчиси Мишель Маркоффнинг фикрича, “Россия ва Хитой Интернет ресурслари устидан ўрнатилган ҳукумат назоратини оқлашга ва бу орқали давлат хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилапти” - деб таъкидлади. Унинг фикрларига изоҳ сифатида, Вашингтондаги “Хаффингтон пост” (The Huffington Post) нашрининг ёзишича, “АҚШ Россия ва Хитойдан фарқли равишда “киберхавфсизлик”ни устувор йўналиш сифатида белгилаб, компьютер тармоқларида қандай мазмундаги ахборотлар тарқалишидан қатъи назар, унинг ишончилиги, барқарорлиги ва дахлсизлигини катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Лекин ОАВ, хусусан, Интернет орқали тарқатилаётган ахборотларнинг мазмуни бошқа давлатлар учун аҳамиятсиз эмас, чунки бу ҳолат давлатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигига таҳдид солиши мумкинлиги билан эътиборга моликдир. Шу сабабли, бу давлатлар ахборот хавфсизлиги масаласини халқаро кодекс сифатида олиб чиқишга ва бу ташаббусларга дунё давлатларининг хайрихоҳлик билдиришига ҳаракат қилмоқда”. Бугунги кунда минтақа давлатлари Интернет тармоғини тартибга солиш масаласига ўз миллий манфаатлари нуктаи назаридан ёндашмоқда.

2016 йилдаги ШХТ Тошкент саммитида ҳам ўзаро ҳамкорлик, давлат суверенитетини ҳурмат қилиш ва бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, хавфсиз, холис ва очиқ ахборот маконини яратишга доир саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди. Хусусан, ШХТнинг 2025 йилгача ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди².

2017 йил 8-9 июнь кунлари бўлиб ўтган ШХТ Остона саммитида ҳам ахборот хавфсизлигини таъминлашга оид фикрлар билдирилди ва тегишли келишувларга эришилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида ёшларни турли ёт ғоялардан асраш, уларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, комил инсон бўлиб вояга етишида давлатлараро ҳамкорликнинг аҳамиятини, ШХТга аъзо давлатлар халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, ахборот хавфсизлигига таҳдид солаётган хавфларга қарши фаол, изчил кураш олиб бориши кераклигини таъкидлади³.

Шунингдек, Президентимиз бу борадаги фикрларини давом эттириб, *“Бугунги кунда халқаро террорчи гуруҳлар ва бузгунчи кучлар ўз фаолиятида ахборот технологияларини янада кенгроқ қўлламоқда ва бу орқали ёвуз ғояларини ёйиб, ёшларимиз онгини заҳарламоқда”* - деган фикрларни билдирди.

¹ Демидов О. Обеспечение международной информационной безопасности и российские национальные интересы. Индекс Безопасности. №1 (104). 2013. - С. 122.

² Самадов А, Ўрмонов С. ЎЗА мухбирлари. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити якунлари. 24.06.2016 й. // URL-адрес: http://uza.uz/oz/politics/shankhay-amkorlik-tashkilotining-toshkent-sammiti-24-06-2016?sphrase_id=2046761

³ Ўрозов Абу Бакир, Қурбонбоев Темур, ЎЗА мухбирлари. ШХТнинг Остона саммити. 09.06.2017 й. // URL-адрес: http://uza.uz/oz/politics/sh-tning-ostona-samiti-09-06-2017?sphrase_id=2046800

Шу билан бирга, Президент Шавкат Мирзиёев ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг фаолияти ва ваколатларини кенгайтириш юзасидан фикр билдириб, мазкур тузилмага *глобал ахборот майдонида юзага келадиган таҳдидлар мониторинги ва уларга қарши курашиш* ваколатларини беришни таклиф қилди¹.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришда халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида илгари сурилаётган ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташаббуслар муҳим аҳамиятга эга. Чунки, ахборот хуружлари ва таҳдидларидан ҳимояланишда минтақавий тузилмаларнинг фаолияти ҳам жуда катта ўрин тутди. Бу тузилмалар орқали юз бераётган ахборот таҳдидларига қарши биргаликда ҳаракат қилиш механизмларини ишлаб чиқиши ва уларни амалга ошириш имкониятлари кенгайди.

Хулоса қилиб айтганда, бундан буён МДХ ва ШХТ давлатлари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳамкорликдаги лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этади ҳамда уларни халқаро майдонда илгари суришга ҳаракат қилади. Минтақавий ташкилотлар доирасидаги тенг ҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорлик Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб қолади.

4.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш истиқболлари

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги кунга келиб замонавий жамиятни ахборот ва телекоммуникация технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сўнгги йилларда, республикада ахборот ва телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш фойдаланувчиларга юқори сифатда кўрсатиладиган хизматлар сонини кескин равишда ошишига олиб келади. Телекоммуникация тармоқлари орқали фойдаланувчиларга юқори сифатда хизмат кўрсатишда энг эътибор қаратиладиган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бу - ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг самарадорлиги ҳисобланади.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш муаммоси бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу муаммо кўп қиррали бўлиб, махфийлик, тўлиқлик, ахборотга мурожаат қилишни таъминлаш каби масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ахборот соҳасининг ривожланиши телекоммуникация тармоқлари ва тизимлари орқали узатиладиган ахборот оқимлари ҳажмларининг кўпайиб бориши билан тавсифланади. Ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган усул ва технологияларни яратиш бўйича саъй-ҳаракатларга қарамасдан уларнинг заифлиги нафақат камайиб, балки доимий равишда ошиб бормоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ШХТнинг Остона саммитидаги нутқи. 2017 йил 9 июнь. // URL-адрес: http://uza.uz/oz/politics/sh-tning-ostona-samiti-09-06-2017?sphrase_id=2748549. Мурожаат санаси: 2017 йил 13 июнь.

Бугунги ҳаётимизни Интернет, Интранет ва локал компьютер тармоқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ахборот технологиялари туфайли узоғимиз яқин, мушкулумиз осон бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таъкидланганидек, жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди¹.

Республикамизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол ва соғлом вояга етказиш, аҳолининг замонавий компьютер технологияларидан самарали фойдаланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим масканлари, ахборот-ресурс марказлари Интернет тармоғига уланган, ёшларнинг турли ахборот манбаларидан фойдаланиши учун кенг имкониятлар яратилган.

“Интернет-кафе” деб номланадиган марказларга бугун ҳар қадамда кўзимиз тушади. Ундан фойдаланувчиларнинг кўпчилиги эса ёшлардир. Шундай экан, ёшлар бу ерда бўш вақтларини қандай ўтказмоқда, деган савол туғилиши табиий. Албатта, бундай масканлар ёшларнинг билимини бойитиши, тил ўрганиши ва дунёни билишига хизмат қилмоқда. Бироқ, ҳамма ҳам Интернетдан тўғри мақсадларда фойдаланмоқда, десак адашамиз. Айрим ёшларнинг ижтимоий сайтларда туну кун бесамар “кезиш”лари, на ўзига, на ўзгага нафи тегмайдиган ҳар хил жангари ўйинлар билан вақт ўтказаётгани ҳам сир эмас.

Айрим ёшлар беихтиёр ахборот олиш, ахборот тарқатиш субъектига айланиб қолаётганини билиб-билмай Интернетдан турли жангари видеолавҳалар ва миллий ўзлигимизга путур етказадиган маълумотларни кўчириб олиб, дўстларига тарқатмоқда. Бу ёшларнинг онги ва маънавиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқимиз фарзанд тарбиясига, айниқса, унинг меҳр-оқибатли, билимли ва иродали бўлиб вояга етишига алоҳида эътибор беради. Лекин, афсуски, бугунгидек глобаллашув даврида ёшларимизни турли ёт ғоялар, ҳар хил ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш осон эмас, шу сабабли бу масалага енгил-елпи қараб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тобора кучайиб бораётган мафкуравий ахборот хуружларига қарши амалдаги қонунчиликка қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда, бундан ташқари янги қонун ҳужжатлари лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, 2012 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг қонунчилик ташаббуси асосида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ва Жиноят кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун жавобгарлик янада кучайтирилди.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008. – Б. 83.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек, уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш мазкур жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат, деб квалификация қилиниши белгиланди. Шунингдек, эндиликда нафақат порнографик, балки зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш учун ҳам юридик жавобгарлик белгиланди¹.

Халқимизнинг асрлар давомида сайқалланган қадриятлари тизимида фарзанд тарбияси масаласи алоҳида ўринга эга. Бугунги кунда ҳам юртимизда ёшлар сиёсати, хусусан, таълим-тарбия соҳасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Қисқа давр ичида мазкур йўналишда кўплаб ишлар амалга оширилди. Мактабгача ва ўрта таълимни янада такомиллаштириш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ёшлар билан ишлаш тизимидаги муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, фарзандларимизни соғлом қилиб вояга етказиш, уларни турли зарарли иллатлар, хуружлардан ҳимоя қилиш доимий эътиборда. Зеро, бугунги кунда ахборот воситаларидан аксарият ҳолларда жамият ривожига ва тинчлигига раҳна солиш, ёшлар, айниқса, болалар соғлиғига зиён етказиш, уларнинг онги ва дунёқарашини торайтириш, миллий ва умуминсоний қадриятлардан узоқлаштириш, иродасини заифлаштириш каби ғаразли ва паст мақсадларда фойдаланилаётганлиги сир эмас.

2017 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида маъқулланган **“Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги² янги Қонун бу борада яна бир муҳим қадам бўлиб, миллий қонунчилигимиз базасини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

6 боб, 27 моддадан иборат янги қонун мазмун-моҳиятига кўра, болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш борасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Ушбу муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, кўлами ва иштирокчилари билан боғлиқ жиҳатларни камраб олади.

Қонунда ахборот маҳсулоти ва унинг ёш таснифи, ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш, ахборот маҳсулотининг айланиши ҳамда болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот ва бошқа шу каби қатор тушунчалар мазмуни батафсил ёритилган.

Қонунда назарда тутилган муҳим институционал ўзгаришлардан бири бу - ахборот хавфсизлиги соҳасидаги устувор вазифаларни амалга оширишда иштирок этувчи орган ва муассасалар тизими ҳамда уларнинг ваколатларининг

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш // 130-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎПҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2017 й., 13-сон, 194-модда // URL-адрес: http://lex.uz/Pages/GetAct.aspx?lact_id=111453

² Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда.

аниқ белгиланишидир. Жумладан, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги *махсус ваколатли давлат органи* сифатида белгиланган. Мазкур органга соҳадаги давлат сиёсатини амалга ошириш, ушбу йўналишда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат дастурлари ишлаб чиқиш, соҳага оид қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш каби қатор ваколатлар берилган.

Шу билан бирга қонунда бу жараёнда вояга етмаганлар ишлари бўйича Республика ва ҳудудий идоралараро комиссиялари ҳамда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ваколатлари ва иштироқи ҳам мустаҳкамланган.

Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги вазифа ва ваколатларнинг бундай кенг кўламда тақсимланишининг ўзиёқ ушбу соҳанинг нечоғлик долзарб аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг *истиқболли устувор йўналишлари* сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин:

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини яратиш ва такомиллаштириш, шунингдек, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган миллий қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритишни амалга ошириш;

– дунё миқёсидаги ахборот ва телекоммуникация тизимлари хизматларини кўрсатадиган ташкилотларнинг мақомини белгилаш ҳамда уларнинг фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш;

– ахборот хавфсизлигини таъминлаш минтақавий тузилмаларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асосни яратиш;

– Интернетда ахборот хавфсизлигини таъминлаш фаолиятида жамоат уюшмалари, ташкилотлар ва фуқароларнинг иштирок этиш механизмлари ҳамда мақсад ва вазифаларини белгилашни амалга ошириш;

– ижро ҳокимияти органларининг ахборот соҳасидаги қонунбузарликларнинг олдини олиш ва уларга чек қўйиш, бу соҳада жиноят ва бошқа қонунбузарликлар содир этган шахсларни фош қилиш, жавобгарликка тортишга қаратилган фаолиятини кучайтириш;

– Интернет ахборотидан ноқонуний нусха кўчирганлик, бузганлик ва ноқонуний фойдаланганлик, интернетда нотўғри ахборотни қасддан тарқатганлик, махфий ахборотни Интернет орқали ноқонуний ошкор этганлик, хизмат ахбороти ёки тижорат сири бўлган ахборотдан жинойий ва ғаразли мақсадларда фойдаланганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларини такомиллаштириш ва келгусида улар назоратини кучайтиришни йўлга қўйиш;

– чет эл ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари ва журналистларининг Ўзбекистон тўғрисида Интернет орқали ноҳолис ахборотларни чиқарганлиги учун аниқ жазо турларини белгилашни янада кучайтириш;

– миллий алоқа тармоқларини ривожлантириш ҳамда космик алоқа йўлдошларини республикада ишлаб чиқаришни йўлга қўйишнинг устуворлигини қонунан белгилаб қўйиш.

Бундан ташқари, республикамизда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник усулларини ҳам такомиллаштириб бориш талаб этилади. Шу мақсадда келгусида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

– Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг техник тизимини такомиллаштириш ва хориж тажрибасидан фойдаланиш;

– ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ҳамда бу воситаларнинг самарали ишлашини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш, қўллаш ва такомиллаштириш, ҳимояланган телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, махсус дастурий воситаларнинг ишончлилиқ даражасини ошириш;

– қайта ишланаётган ахборотнинг бузилиши ва йўқ бўлиши, шунингдек, ахборотлаштириш ва алоқа, тизим ва воситаларининг белгиланган иш тартибининг ўзгаришига олиб келадиган махсус таъсирларнинг олдини олиш тизими ҳамда воситаларини яратиш;

– ахборот телекоммуникация тизимларининг бир маромда ишлашига хавф соладиган техник мослама ва дастурларни аниқлаш, техник каналларда ахборотнинг ноқонуний ўзлаштирилишига йўл қўймаслик, ахборотни сақлаш, қайта ишлаш ва алоқа каналлари орқали узатишда криптографик ҳимоя воситаларидан фойдаланиш, ахборотни ҳимоялаш борасидаги махсус талабларнинг бажарилишини назорат қилиш;

– ҳимояланган ахборот тизимларида ишлайдиган ходимларнинг ҳаракатларини назорат қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасига кадрларни тайёрлаш;

– жамият, давлат ҳаёти ва фаолиятининг энг муҳим соҳаларида Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги кўрсаткичлари ва хусусиятлари мониторинг тизимини шакллантириш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, давлат ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида ахборот хавфсизлигига бўлган таҳдидларни холис ва ҳар томонлама таҳлил қилади ҳамда буни амалиётга тадбиқ қилади. Шунингдек, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи (вакиллик) ва ижро органларининг Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, уларни қайтариш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш ишларини ташкил этади. Айни пайтда, жамоат уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳодисалар ҳақида аҳолига объектив ахборот бериш, жамиятни сохта ва тенденциоз ахборотлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини қўллаб-қувватлайди ҳамда ахборотни ҳимоя қилиш воситаларининг ишлаб чиқилиши, яратилиши, ривожлантирилиши, қўлланишини назорат қилади.

Булардан ташқари, келгусида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарувчиларга нисбатан зарур ҳомийлик сиёсатини амалга ошириш, ички

бозорни сифатсиз ахборотлаштириш воситалари ва маҳсулотларидан ҳимоялаш чораларини такомиллаштирилиб борилади. Давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирадиган Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш дастурининг ишлаб чиқиши ташкил этиш, жаҳон ахборот тармоқлари ва тизимларининг байналминаллашуви ҳамда жаҳон ахборот ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлик шартларида қўшилишига имконият яратиш ҳам давлатнинг келгусида ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифалари сирасига киради.

Истиқболда ҳам ахборот соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланиб қолади. Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, аввало, ахборот соҳасида қонунийликка риоя қилиш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлатнинг бу соҳадаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилларига асосланиши лозим бўлиб қолади.

Фуқаролар, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги манфаатлари мувозанатини сақлаш тамойилига риоя қилиш эса, жамият ҳаётининг турли соҳаларида бу манфаатларнинг устуворлигини қонуний белгилаш, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг жамоатчилик томонидан назорат қилиниши шаклларида фойдаланиши назарда тутади. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги фаолиятга тааллуқли конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш давлатнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашда устувор йўналишларни, долзарб муаммоларни аниқлаш ва муҳим чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда тегишли дастурлар қабул қилиш талаб этилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашда ахборот хуружларини уюштираётган манбаларни доимий мониторинг қилиб бориш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади. Бунинг учун эса, жамият ҳаётида замонавий ахборот технологияларнинг кенг қўлланилиши натижасида келиб чиқувчи ижтимоий-психологик оқибатларини истиқболи ва ахборот сайтларини мониторингини амалга оширувчи дастурий воситаларни яратиш ва татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган **бешинчи йўналиши** доирасида республиканинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, *ахборот*

хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилик кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалалари назарда тутилган¹.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Ҳаракатлар стратегияси”да назарда тутилган ахборот хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги вазифаларни бажариш учун, аввало, қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади. Жумладан:

Ҳуқуқий соҳада:

- “Ўзбекистон Республикаси ахборот хавфсизлиги концепцияси” лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Шахсий маълумотларни ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганларни ахборот хуружларидан ҳимоялаш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш тўғрисида”ги Қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Ташкилий соҳада:

- Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштирувчи ягона давлат органини белгилаш ва мазкур органнинг фаолият дастурини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминланиш ҳолатини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини яратиш;
- ахборот-психологик хавфсизликни таъминлашнинг ягона тизимини яратиш;
- ахборот хавфсизлиги соҳасида кадрларни тайёрлашнинг ягона тизимини яратиш;
- миллий медиа тузилма (ОАВ, ТВ, радио ва Интернет) фаолиятини такомиллаштириш;
- ягона миллий ташвиқот тизимини яратиш;
- “Болалар Интернети” лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Техник соҳада:

- Ўзбекистон Республикасида маълумотлар ҳимоясини таъминлаш воситаларини сертификатлаш ва фаолиятни лицензиялаш тизими фаолиятини такомиллаштириш;
- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида электрон маълумотларни ҳимоялаш тизимининг ягона моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- миллий Интернет (Интранет) инфратузилмасини такомиллаштириш.

Умуман олганда, юқорида келтирилган ҳуқуқий, ташкилий ва техник чора-тадбирлар қисман амалга оширилаётган бўлсада, бироқ, ахборот маконида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль ПФ-4947-сон фармони “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларига қарши қаратилган ғаразли ҳаракатлар амалга оширилганда “ягона ҳаракатлар механизми” ишлаб чиқилмаганлиги учун тезкор ва ҳолисона жавоб қайтариш тизими фаолияти етарлича самара бермайди. Шу мақсадда, “ягона ҳаракатлар механизми” ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу йўналишдаги тегишли чора-тадбирлар мувофиқлаштирувчи орган томонидан ҳуқуқий, ташкилий ва техник асосга таянган ҳолда олиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, айнан шу жиҳат Ўзбекистон Республикасида ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ташкил этади. Истиқболда Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш масаласи замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг яратилиши, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларга кенг жорий этилиши шароитида ўз аҳамиятини йўқотмайди.

ХУЛОСА

XX асрда юз берган ахборот инқилоби “ахборот асри” деб аталувчи XXI асрда ҳам глобал ҳаётнинг барча соҳаларида улкан ўзгаришлар ясади. Ахборотнинг глобаллашуви жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, диний ва ахлоқий ҳаётида фавқулодда аҳамият касб эта бошлади. Дунёнинг етакчи мамлакатлари, ҳатто алоҳида шахслар учун ахборот-коммуникация технологияларига эгалик қилиш ва бошқариш стратегик мақсадга айланди. Айтиш мумкинки, айна замонгача ҳали ҳеч қачон ахборотнинг аҳамияти бунчалик улкан бўлмаган. Ахборотнинг глобаллашуви, оммавий ахборот ва коммуникация воситаларининг ривожланиши баробарида дунё давлатлари учун глобал ахборот маконида ўз *миллий манфаатларини ҳимоя қилиш* муаммоси кун таркибидаги муҳим масалалардан бирига айланди.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай демократик жамиятнинг тараққиёт йўлида ахборот миллий манфаат учун хизмат қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб олгандагина, унинг функционал вазифаси ўз ифодасини топган бўлади. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш, ижтимоий фикрни шакллантириш ва ривожлантириш, давлат ҳамда фуқаролик институтларининг ўзаро ижтимоий мулоқотида ҳам ахборот муҳим восита сифатида етакчи ўрин эгаллайди.

Шу жиҳатларни эътиборга олганда, “ахборотни ҳимоялаш” ва “ахборотдан ҳимояланиш” тушунчалари, айнан, “миллий манфаат”, “миллий хавфсизлик” тушунчалари билан узвий боғлиқликда эканлигини таъкидлаш жоиздир. Миллий манфаатлар эса ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳимояланадиган асосий жиҳат ҳисобланади.

Шу билан бирга, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асоси – давлатнинг ахборот соҳасидаги сиёсатини мамлакатда миллий хавфсизликни таъминлаш давлат сиёсати билан чамбарчас боғлайди. Бунда ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асоси давлат сиёсатининг асосий ташкил этувчиларини яхлит бир бутунликка бириктиради. Бу эса ахборот хавфсизлигининг роли ва унинг мамлакат миллий хавфсизлиги

тизимидаги мавқеини белгилайди. Ахборот соҳасидаги Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини, уларга эришишининг стратегик йўналишларини ва уларни амалга ошириш тизимларини ўзида акс эттирувчи мақсадлар яхлитлиги давлат ахборот сиёсатини англатади.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш жараёнида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга:

1. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг давлат сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш;

2. Ахборот хавфсизлигига таҳдидларни аниқлаш, баҳолаш ва истиқболни белгилаш шакл, усул ва воситаларини такомиллаштириш;

3. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш куч ва воситаларининг самарадорлигини баҳолаш усул ва мезонларини ишлаб чиқиш;

4. Халқаро майдонда Ўзбекистон миллий манфаатларини ҳимоя қилиш учун дунёдаги қамрови кенг бўлган йирик ОАВ ва Интернет сайтлари билан ҳамкорликни давом эттириш ва кенгайтириш;

5. Замонавий геосиёсий вазият ҳамда “ахборот курули”нинг қўлланилиш таҳдидининг мавжудлигини эътиборга олиб, мамлакат ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-амалий асосларини ривожлантириш;

6. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг хавфсизлик учун муҳим жабҳаларида технологик мустақилликни таъминлаш, мамлакатнинг муҳим ахборот-телекоммуникация тармоқларида миллий дастурий маҳсулотларни қўллаш;

7. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва илмий-техник масалаларини ҳал этиш мақсадида халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш;

8. Компьютер ва кибержиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида ҳамкор давлатларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликни кучайтириш.

Шу билан бирга, мазкур монографияда муаллиф томонидан ёритилган Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантириш масаласини умумий ҳолда қуйидагича изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, ахборот хавфсизлиги соҳасида биргина қонунчилик базасини яратиш ва турли меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш орқали етарли натижаларга эришилди деб бўлмайди. Бунда меъёрий ҳужжатлар, қоида ва стандартларни ишлаб чиқиш жараёнининг очиклигини таъминлаш талаб этилади.

Иккинчидан, мавжуд ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг самарали фаолияти унинг таркибий тузилмасининг мувофиқлашган ҳолдаги ҳаракатларига боғлиқ. Мисол учун, дунё ахборот майдонида Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига қарши қаратилган ахборотлар, ғоявий мафкуравий таҳдидлар пайдо бўлди. Бу маълумотлар турли ахборот манбалари орқали тарқатилмоқда. Бу ҳолатда ушбу “ахборот босими”ни тезкорликда пасайтириш, расмий ва асосланган жавобларни қайтариш масаласи қўйилди. Албатта, бу жараёнда тизимнинг ҳар бир элементи, бу ОАВ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи, жамоат

ташкiлотлари ва бирлашмалари ва ҳ.к.лар бўладими, ўз функционал мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Лекин, охир-оқибат юзага келган вазиятга баҳо берилганда ёки унинг оқибатлари ўрганилганда кўпгина камчиликлар кўзга ташланади. Айнан ушбу мисол асосида хулоса қиладиган бўлсак, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларининг мувофиқлаштирилмаган ҳолда, яъни “ягона ҳаракатлар механизми” асосида ишлар ташкил этилмаганлиги сабабли, ахборот таҳдидларига қарши ўз вақтида ва тезкор жавоб қайтариш чораларининг кечикиши кузатилади.

Учинчидан, ахборот хавфсизлиги соҳаси миллий хавфсизлик тизимининг ажралмас қисми эканлигини эътиборга олган ҳолда ахборот таҳдидларини аниқлаш, уларнинг таъсир даражасини баҳолаш, таҳлил қилиш усулларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу жараёнда илмий ва социологик тадқиқотлар ўтказиш институтлари фаолиятини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Тўртинчидан, бугунги кунда кибертаҳдидларнинг ортиб бориши натижасида давлат ва ҳокимият бошқаруви органларининг маълумотлар базаларида сақланаётган ахборотларни ҳимоялаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишда юқори ишончилиikka эга ҳимоя тизимларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳокимият бошқаруви ҳамда ҳуқуқ тартибот органларининг маълумотлар базаларини ягона марказга (Data Center) бирлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда, албатта, ташкилий, техник ва молиявий масалалардан ташқари маълумотлар ҳимояси масаласига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки, ҳозирда амалга оширилаётган киберҳужумлар, айнан, давлат сирларини ошкор этишга, сиёсий аҳамиятга эга ахборотларга, шахсларга тегишли маълумотларга эга бўлишга қаратилган. Шу сабабли, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг институционал асосларини ривожлантиришда унинг қонуний ва ташкилий асосларини мустаҳкамлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, дунёда ахборот омилининг аҳамияти ортиб бориши билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам мураккаблашиб боради. Демак, бугунги “ахборот асри” даврида миллий манфаатларни ҳимоялаш ҳар доимгидан ҳам муҳимроқ масала ҳисобланади. Бу борада ушбу тизимнинг ҳуқуқий, ташкилий ва техник асосларини доимий такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси, -Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2015.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”ги 1993 йил 7 май 848-ХП-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – №5. – 232-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги 2002 йил 12 декабрь 439-П-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – №1. – 2-м.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрь 560-П-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – №1-2. – 10-м.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги 2003 йил 11 декабрь 562-П-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – №1-2. – 12-м.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги 2004 йил 29 апрель 611-П-сон қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – №20. – 230-м.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ахборотни криптографик муҳофаза қилишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 3 апрель ПҚ-614-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – №14. – 140-м., – 2013. – 45-сон, – 584-м.
8. Ўзбекистон Республикасининг 1060-ХП-сонли “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги 1994 йил 6 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 5. – 136-м.
9. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-30-сонли “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 2006 йил 4 апрель қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 14. – 112-м.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-91-сонли “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 2 июнь қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 22. – 157-м.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1730-сонли “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 21 март қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – № 13. – 139-м.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2042-сонли “Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 20 сентябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – № 39. – 508-м.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1989-сонли 27.06.2013 й. “Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 27 июнь фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1997 йил 8 июль №ПҚ-1815-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 7-сон, 182-модда.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги 1997 йил 29 август №ПҚ-474-I-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2000 й., 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; 9-10-сон, 182-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 5-сон, 67-модда.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 296-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1572-сонли “Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 8 июль қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 2011 йил 7 ноябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – № 45-46. – 472-м.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 250-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 16 сентябрь қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – №38. – 492-м.; – 2015. – №26. – 338-м.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4702-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”ги 2015 йил 4 февраль фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – №5. – 52-м.

19. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-395-сонли “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги 2015 йил 9 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – 49-сон. – 611-м.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

21. Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-444-сонли “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни 2017 йил 8 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 37-сон, 976-модда.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27-сонли “Давлат ахборот ресурслари ҳамда уларни шакллантириш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун масъул бўлган давлат органлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2006 йил 20 февраль қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2006. – № 8. – 51-м.; 2007. – № 7–8. – 65-м.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 31 декабрь қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 2. – 17-м.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 87-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2015 йил 10 апрель қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2015. – №15. – 178-м.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 17 декабрь қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, –2015. – №50. – 628-м.

26. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш // 130-модда биринчи қисмининг санкцияси Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 29 мартдаги ЎРҚ-421-сонли Қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 13-сон, 194-модда.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

27. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.:, 1998.

28. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Т.:, 2002.

29. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.:, 2008.

30. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.:, 2011.

31. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.:, 2010.

32. Выступление Первого Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Совета Глав государств СНГ. г. Минск, 2014 г.

33. Каримов И.А. “Жамиятимиз мафқураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин” // Баркамол авлод орзуси (Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш борасида публицистик мулоҳазалар) – Т.: “Шарқ”, 1998.

34. Выступление Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на международном форуме “Один пояс, один путь”. г. Пекин, 15 мая 2017 г.

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ШХТнинг Остона саммитидаги нутқи. Остона ш. 2017 йил 9 июнь.

III. Монография ва махсус адабиётлар (ўзбек ва рус тилларида)

36. Абдуллаев И. Информатизация и глобализация. –Т.: УМЭД, 2002.

37. Аверченков В.И. Системы защиты информации в ведущих зарубежных странах: Учебное пособие. – Брянск, 2008.

38. Аль-Бухари Мухаммад Абдусаттор. Общественные отношения как цель международного информационного обмена. -Т.: ТашГИВ. 2000.

39. Бобокулов И.И. Умаров Х.П. Хавфсизлик асослари. Ўқув қўлланмаси. – Т.: ЖИДУ, 2010. - 179 бет.

40. Борсиков В.С., Водолазкий В.В. Современная технология безопасности. Москва: “Нолидж”, 2000.

41. Волчинская Е. К. Защита персональных данных. Опыт правового регулирования. – Фонд защиты гласности МИД. “Галерея”. 2001.

42. Галатенко В. А. Основы информационной безопасности. - М.: Интернет - Университет информационных технологий, 2005.

43. Ганиев С.К., Каримов М.М., Ташев К.А. Ахборот хавфсизлиги. Ахборот-коммуникацион тизимлари хавфсизлиги. – Т., 2008.

44. Жураев Т. Миллий манфаатлар ва миллий хавфсизлик. Т.: “Академия”, 2007.

45. Кабулов Р.К., Абдурахманов Э.С. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Т., 2009.
46. Каримов И.М., Тунгунов Н.А. Ахборот хавфсизлиги асослари: Дарслик – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. – 98 б.
47. Каримов И.М., Тургунов Н.А., Кадиров Ф., Самаров Х.К., Иминов А.А., Джаматов М.Х. Ахборот хавфсизлиги асослари: Маърузалар курси. – Т., Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013.
48. Куняев Н.Н. Правовое обеспечение национальных интересов Российской Федерации в информационной сфере. Монография. Логос, 2015.
49. Муродова Ш. Проблемы обеспечения информационной безопасности Республики Узбекистан в условиях глобализации. Монография – Т., 2008.
50. Мукаев Р. Т. Политология. Пособие для общеобразовательных учебных заведений. Москва. И. Д. “Дрофа”, 1997.
51. Мўминов Ф., Баротов Ш. ва бошқ. Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2013.
52. Муҳаммадиев Ж.Ў. Ахборот хавфсизлиги: муаммо ва ечимлар: Монография. – Т., 2011.
53. Петров В.И., Апарина К.Г. Основы информационной безопасности. Учебное пособие. - М.: МГТУ ГА, 2014. - 52 стр.
54. Смирнов А.А. Обеспечение информационной безопасности в условиях виртуализации общества. Опыт Европейского Союза. Монография. ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2012.
55. Стрельцов А.А. Обеспечение информационной безопасности России. Теоретические и методологические основы / Под ред. В.А. Садовниченко и В.П. Шерстюка. –М.: МЦНМО, 2002.
56. Угрозы информационной безопасности в кризисах и конфликтах XXI века / Под ред. – А.В. Загорского, Н.П. Ромашкиной. – М.: ИМЭМО РАН, 2015.
57. Федоров Д.Ю. Гуманитарные аспекты информационной безопасности. Конспект лекции. – Санкт-Петербург, 2013.
58. Эрназаров Қ. Т., Маматова Ё. М., Тошалиев И. Э., Эрназаров Ш. Қ. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т., 2002.
59. Эшбеков Тўлқин. Мафкура майдонида ахборот-психологик хавфсизлик. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ЎЗМУ, 2011.
60. Ярочкин В.И. Информационная безопасность: Учебник для студентов вузов. — М.: Академический Проект; Гаудеамус, 2-е изд. 2004.

IV. Илмий мақолалар (ўзбек ва рус тилларида)

61. Абдуазизова Н. Ахборот майдони химояси. // Ўзбекистон матбуоти, 2010. 1-сон.
62. Бобокулов И.И. Хавфсизликнинг ҳуқуқий негизи. Тафаккур, № 2, 2010. -Б. 84-85.
63. Бухарин В.В. Компоненты цифрового суверенитета Российской Федерации как техническая основа информационной безопасности // Вестник МГИМО-Университета. — 2016. — № 6 (51).
64. Демидов О. Обеспечение международной информационной безопасности и российские национальные интересы. Индекс Безопасности. №1 (104). 2013.
65. Жумаев О. Информацион борлик // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2004.– № 4. – Б. 31–36.

66. Жўраев Н.К. Ахборот-психологик хавфсизлик: тажриба ва муаммолар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 16–19.
67. Ибрагимова Г.Р. Стратегия КНР в области управления интернетом и обеспечения информационной безопасности. Электронный журнал “Индекс безопасности” № 1 (104), Том 19, 2013.
68. Куняев Н.Н. Механизмы обеспечения национальных интересов Российской Федерации. Вестник РУДН, серия Юридические науки, 2010, № 3.
69. Мўминов Ф.А. Оммавий ахборот воситалари ва ахборот карама-қаршилиги. // Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг жорий архиви, 2006.
70. Умаров И. Ахборот хавфсизлигини баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари // “Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари. 2012 йил 9 ноябрь.
71. Умаров Х. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг назарий асослари // Педагоглар малакасини оширишда таълим-тарбиянинг замонавий усуллари. Илмий-услубий ва амалий мақолалар тўплами. –Т.: NOZ-SHEDEVVR, 2008. – Б. 16-17.
72. Умаров Х. Теоретические аспекты исследования “информационной безопасности” // Актуальные вопросы международных отношений. Сборник научных статей. –Т.: ТашГИВ, 2010. – С. 3-6.
73. Умаров Х. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда АҚШ тажрибаси // Сборник научно-практической конференции “Актуальные вопросы информационно-психологического противоборства на современном этапе. –Т.: Объединенный штаб Вооруженных сил Республики Узбекистан, 2011. – С. 78-82.
74. Умаров Х. Давлатлар фаолиятида сиёсий-стратегик тадқиқотлар аҳамияти // Замонавий халқаро муносабатлар ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари. Илмий конференция материаллари. –Т.: ЖИДУ, 2011 йил 28 июнь. – Б. 9-15.
75. Умаров Х. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий масалалари // Ёшларни ахборот-психологик хуружлардан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт. Республика илмий-амалий конференция материаллари. –Т.: ЎзМУ, 2012 йил 9 ноябрь. – Б. 41-45.
76. Хўжанов Б. ва бошқалар. Конфликтлар ечимида инфорацион воситаларнинг аҳамияти // “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари”, – Тошкент, 2000, №3-4, – Б. 15-18.
77. Хўжанов Б. Геосиёсатда “миллий манфаат” тушунчаси // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. – № 1. – Б. 81–87.
78. Хўжанов Б. Минтақавий хавфсизликни таъминлашнинг геосиёсий жиҳатлари // “Замонавий халқаро муносабатларнинг хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ЖИДУ, 2011. – Б. 162-167.
79. Хўжанов Б. Халқаро муносабатларни ўрганишдаги илмий ёндашувлар ва уларнинг ўзига хослиги // “Замонавий халқаро муносабатларнинг хусусиятлари ва Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари” мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ЖИДУ, 2014. – Б. 110-115.
80. Шамсиева И. Ёш авлод маънавий ривожига Интернетнинг таъсири ва ахборот-психологик хавфсизлик муаммоси // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.– Тошкент, 2007. – № 1. – Б. 31–36.

V. Диссертация авторефератлари

81. Алимов Р. Информационные процессы в сфере обеспечения стабильности и безопасности в условиях глобализации (на примере Центрально-азиатского региона): автореферат дис...канд.полит.наук.. –Т.:, 2001.

82. Атаманов Г. Информационная безопасность в современном российском обществе: Социально-философский аспект: автореферат дис. ... кандидата философских наук: Волгогр. гос. ун-т Волгоград, 2006.

83. Бахметьев В. Формирование системы безопасности России в условиях глобализации: информационный аспект: автореферат дис. ... кандидата социологических наук. Ин-т соц.-полит. исслед. РАН Москва, 2006.

84. Бородин А. Информационная безопасность в современной России: политологический анализ: автореферат дис. ... кандидата политических наук. Рос. гос. пед. ун-т им. А.И. Герцена. Санкт-Петербург, 2009.

85. Вербенко Б. Информационная безопасность России в контексте современного политического процесса: Сущность, проблемы обеспечения : автореферат дис. ... кандидата политических наук. Рос. акад. гос. службы при Президенте РФ Москва, 2004.

86. Ибрагимова Г.Р. Глобальное информационное пространство в условиях формирования нового мирового порядка: автореферат дис... канд. полит. наук. Т.: УМЭД. 2012.

87. Иншаков М. Обеспечение информационной безопасности России в условиях становления глобального информационного общества : автореферат дис. ... кандидата политических наук : Акад. труда и соц. отношений. Москва, 2007.

88. Кисляковский А. Административно-правовое обеспечение информационной безопасности: автореферат дис. ... кандидата юридических наук. Всерос. науч.-исслед. ин-т МВД РФ Москва, 2003.

89. Крылов Г. Международный опыт правового регулирования информационной безопасности и его применение в Российской Федерации : автореферат дис. ... кандидата юридических наук. Моск. гос. инженерно-физ. ин-т. Москва, 2007.

90. Кулаков В. Региональная система информационной безопасности: угрозы, управление и обеспечение: автореферат дис. ... доктора технических наук. Воронеж. гос. техн. ун-т Воронеж, 2005.

91. Литвиненко О. Проблемы обеспечения информационной безопасности в постсоветских странах (на примере Украины и России): автореферат дис... канд. полит. наук. Киевский ун-т им. Т.Шевченка. — К., 1997.

92. Мартиросян Т. Правовое обеспечение информационной безопасности Российской Федерации: автореферат дис. ... кандидата юридических наук. Всерос. науч.-исслед. ин-т МВД РФ Москва, 2005.

93. Мунаваров М.З. Императивы внешней политики Республики Узбекистан в условиях глобализации и информатизации международных процессов: автореферат дис... канд. полит. наук. Т.: УМЭД. 2007.

94. Пеньков И. Обеспечение информационной безопасности Российской Федерации в глобальной сети Интернет: политологический анализ: автореферат дис. ... кандидата политических наук. Моск. гос. техн. ун-т им. Н.Э. Баумана. Москва, 2005.

95. Полякова Т. Правовое обеспечение информационной безопасности при построении информационного общества в России : автореферат дис. ... доктора юридических наук. Рос. правовая акад. М-ва юстиции РФ. Москва, 2008.

96. Сафронова И. Политические проблемы обеспечения международной информационной безопасности: автореферат дис. ... кандидата политических наук. Моск. гос. ин-т междунар. отношений Москва, 2006.

97. Сорокин Д. Проблемы правового обеспечения информационной безопасности России в условиях глобализации информационного пространства: автореферат дис. ... кандидата юридических наук. Сев.-Зап. акад. гос. службы Санкт-Петербург, 2006.

98. Толипов Ф. Формирование концепции национального интереса Республики Узбекистан в контексте глобального политического развития: автореферат дис. ... канд. полит. наук. УМЭД. –Т.: 1997.

99. Хасанов У. Национальные интересы Республики Узбекистан и проблемы безопасности в Центральноазиатском регионе. автореферат дис. ... канд. полит. наук. Т.: УМЭД. 2003.

100. Чернов А. Становление глобального информационного общества: проблемы и перспективы. – М.: Издательско-торговая корпорация “Дашков и К0”, 2003.

VI. Интернет материаллари, давлат стандартлари ва статистик ҳисоботлар

101. Information technology – Security techniques –Evaluation Criteria for IT Security. Part 1: Introduction and general model. ISO/IEC 15408_1:1999.

102. Information technology – Security techniques –Evaluation Criteria for IT Security. Part 2: Security functional requirements. ISO/IEC 15408_2: 1999.

103. Information technology – Security techniques –Evaluation Criteria for IT Security. Part 3: Security assurance requirements. ISO/IEC 15408_3: 1999.

104. Libicki M. What is information warfare? – Washington DC: NDU Press, 1995.

105. Marilyn Tremaine. A Business Model for Evaluating the Feasibility of Keypad Biometrics to Prevent Identity Theft // Report. Rutgers the State University of New Jersey.

106. O’z DSt ISO/IEC 15408-1:2016. Информационная технология. Методы обеспечения безопасности. Критерии оценки безопасности информационных технологий. Часть 1: Введение и общая модель. Агентство “УЗСТАНДАРТ” Узбекское агентство стандартизации, метрологии и сертификации // URL-адрес: <http://www.standart.uz/ru/page/view?id=143>

107. Statistical Report on Internet Development in China, January, 2011, Published by China Internet Network Information Center (CNNIC).

108. The Internet in China. Information Office of the State Council of the People's Republic of China // China Internet Information Center. 8 June 2010. URL-адрес: http://www.china.org.cn/government/whitepaper/node_7093508.htm (дата обращения: 07.02.2017 г.).

109. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йилнинг 9 ойидаги фаолияти сарҳисоби // URL адрес: <http://www.ccitt.uz>

110. Ахборот-коммуникация технологиялари изохли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашр. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю. ва бошқ. – Т.: БМТ ТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010.

111. Ашманов Игорь, доклад “Информационный суверенитет современная реальность”. 2013. // URL-адрес: <http://ain.ua/tag/iform>.

112. Вопросы информационной безопасности и СНГ. // <http://pravouch.com/pravovoe-regulirovanie-mejdunarodnoe/voprosyi-informatsionnoy-bezopasnosti-15115.html> (последнее посещение — 25 марта 2015 г.)
113. Гахов А. Психологические аспекты применения авиации в современных условиях // Зарубежное военное обозрение, - №11 - 2004.
114. Голубев В.А. Компьютерная преступность - угрозы и прогнозы // URL-адрес: http://www.crime-research.ru/interviews/golubev_interv06. Дата: 08.02.2007.
115. Гусев А.В. Зарубежный опыт борьбы с преступлениями в сфере Интернета. 2010. - С. 2-3. // URL-адрес: <http://www.pravo.by/conf2010/reports/Gusev.doc>.
116. Дергачев В. Киберинтернационал поколения NET. // URL-адрес: http://dergachev.ru/geop_events/160111.html
117. Димлевич Н. Информационные войны в киберпространстве - Франция и Германия // URL-адрес: <https://interaffairs.ru/news/show/613>.
118. Донос А. СНГ укрепляет единое информационное пространство. Опубликовано: Журнал “Information Security/ Информационная безопасность”, №7, 2009.
119. Екатеринбургская декларация глав государств — членов Шанхайской организации сотрудничества, <http://www.infoshos.ru/ru/?id=48> (последнее посещение - 25 марта 2015 г.).
120. Жуков В. Взгляды военного руководства США на ведение информационной войны // Зарубежное военное обозрение, №1, 2001.
121. Журабаев А. А., Рахимов З. Г. Организационно-правовое обеспечение информационной безопасности Республики Узбекистан. –Т.: Uzinfocom. 2005. // URL-адрес: http://ru.infocom.uz/wp-content/download/information_security_24112005_2.html
122. Законодательство Франции в сфере защиты персональных данных и информационной безопасности. // URL-адрес: <http://uidp.com/solutions/services/consulting/legislation/eu/france.html>. Дата обращения: 12.06.2017 г.
123. Имиджи иностранных государств в региональных СМИ. / Под ред. Мозолина А.В. –М.: Исследовательский центр “Аналитик”, 2012.
124. Информационная безопасность в Европе // URL-адрес: <https://sites.google.com/site/bezopasnostfrancii/extra-credit>. Дата обращения: 12.06.2017 г.
125. История организации и принципы функционирования глобальной компьютерной сети Интернет. Роль и значение современных информационных технологий в государственном управлении. UZINFOCOM. -Т., 2008.
126. Леваков А.А. В США принят план защиты информационных систем // Ж. Jet Info, - №8 - 2000.
127. Леваков А.А. Анатомия информационной безопасности США // Jet Info, - №6 - 2002.
128. Матеев Д. Киберугрозы для Кыргызстана и Центральной Азии: тренды 2014 года // URL-адрес: <http://www.esetnod32.ru>. Дата обращения: 12.06.2017 г.
129. Методы и средства обеспечения безопасности. Критерии оценки безопасности информационных технологий. Государственный стандарт Узбекистана. – Т.: Узбекское агентство стандартизации, метрологии и сертификации, 2009.
130. Мирзаев Фулом, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари. Ахборот асри ва касри. Интернет сайтидаги мақола // URL-адрес: <http://www.fikr.uz/blog/poems/11623.html>

131. Мухаммадиев Ж. Ў. Ахборот хавфсизлиги, уни таъминлашнинг усуллари ва тамойилла-ри. –Т.: ТДЮИ, 2014. // <http://huquqburch.uz/uz/view/1200>.
132. Общая теория национальной безопасности / под общ. ред. А.А.Прохожева. Изд. 2 / - М.: Изд-во РАГС, 2005.
133. Письмо постоянных представителей Китая, Российской Федерации, Таджикистана и Узбекистана при Организации Объединенных Наций от 12 сентября 2011 г. на имя Генерального секретаря. А/66/359. Генеральная Ассамблея. Организация Объединенных Наций. 14 октября 2011 г. <http://rus.rusemb.org.uk/data/doc/internationalcodorus.pdf>.
134. Самадов А, Ўрмонов С. ЎзА мухбирлари. Шанхай хамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити якунлари. 24.06.2016 й. // URL-адрес: http://uza.uz/oz/politics/shankhay-amkorlik-tashkilotining-toshkent-sammiti-24-06-2016?sphrase_id=2046761
135. Симоненко М. Stuxnet и ядерное обогащение режима международной информационной безопасности. Индекс безопасности № 1 (104), Том 19, 2013.
136. Стратегия развития информатизации в Республике Беларусь на 2016–2022 гг. // URL-адрес: <http://e-gov.by/zakony-i-dokumenty/strategiya-razvitiya-informatizacii-v-res-publike-belarus-na-2016-2022-gody> (Дата обращения: 07.02.2017 г.).
137. Ташкентская декларация десятого заседания Совета глав государств — членов Шанхайской организации сотрудничества. Информационный портал ШОС. 11 июня 2010 г., <http://www.infoshos.ru/ru/?id=74> (последнее посещение — 25 марта 2015 г.).
138. Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида Низом. 1999.
139. Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, –Т.: 2015.
140. Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари фаолияти, ривожланиши, эркинлиги кафолатлари тўғрисида тахлилий маълумотнома (01.01.2017 йил ҳолатига). Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги маълумотларидан // URL-адрес: <http://www.api.uz/ru/content/licence/statistics>.
141. Ўрозов Абу Бакир, Курбонбоев Темур, ЎзА мухбирлари. ШХТнинг Остона саммити. 09.06.2017 й. // URL-адрес: http://uza.uz/oz/politics/sh-tning-ostona-samiti-09-06-2017?sphrase_id=2046800
142. Фатьянов В.М. Сетевые сообщества как пространство трансформации ценностных ориентаций студенческой молодежи. Материалы XIII Международной научной конференции молодых ученых и аспирантов “Наука. Образование. Молодежь”. – Майкоп: редакционно-издательский отдел АГУ, 2016.
143. Хусаинова Ж. Европейский союз: Информационные агентства в Кыргызстане должны использовать все законные возможности для отстаивания своих прав. // URL-адрес: <http://www.24kg.org/election2011/105660-tujgunaaly-abdraimov-v-kyrgyzstane-vopros.html>
144. Цивилизационная идеология для ШОС. Информационная цивилизация. XXI век. <http://www.info21.ru/second.php?id=108>. (последнее посещение — 25 марта 2015 г.).
145. Шишкин Г. В войнах будущего главное компьютер, а не танк // Эхо планеты, - №5, - 2005.

ТЕРМИНЛАР ГЛОССАРИЙСИ

Ахборот — манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар.

Ахборот асри (даври) – XX асрнинг ўрталарида бошланган. Турли мамлакатларнинг олимлари ахборот даври аниқ қачон бошланганини турлича изоҳлашади. Бу масалага уч хил қараш мавжуд: 1) Норберт Винернинг “Кибернетика ёки жонли мавжудот ва машинада бошқарув ва боғланиш” китоби чоп этилган йилдан; 2) АҚШдаги тўртта университет ўз компьютер тизимларини бирлаштирган йилдан; 3) собиқ Совет иттифоқи фазога биринчи сунъий йўлдошни учирган йилдан бошланган.

Ахборот борасидаги хавфсизлик — ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимояланганлик ҳолати¹.

Ахборот жамияти – замонавий цивилизациянинг ривожланиш даражаси. Ахборот ва билимлар ролининг жамият ҳаётида, жами ички маҳсулотда ахборот-коммуникация технологиялар улушининг ортиши, инсонларнинг ўзаро самарали ўзаро ахборий алоқада ишлашани таъминловчи глобал ахборот маконининг яратилиши, уларнинг дунё ахборот ресурсларига уланиши ва уларнинг ахборот маҳсулотларига ва хизматларига бўлган ижтимоий ҳамда шахсий эҳтиёжларининг қондирилиши билан тавсифланади².

Ахборот инфратузилмаси - ахборот макони тузилмасининг ушбу маконда ахборот оқимлари яратилиши ва айланишини таъминловчи қисми. Ахборот инфратузилмасининг асосий белгилари: инфратузилма элементларининг сифатга оид ва миқдорий таркиби; элементларнинг маконда жойлашиши ва ўзаро алоқаси; элементлар ва бутун инфратузилманинг ахборот самарадорлиги ва ўтказиш қобилияти. Ахборот инфратузилмасининг асосий элементлари: телекоммуникациялар; ахборот тармоқлари; ахборот ресурслари; ахборот соҳасида хизмат кўрсатиш тизимлари. Қўшимча элементлари: ахборот инфратузилмасининг ривожланиш ва фаолиятини таъминлаш тизимлари³.

Ахборот қарама-қаршилиги - бу атроф дунёдаги бирор ҳодисага нисбатан муносабатда бўлишда аудиторияга ўз қарашлари, фикрини тикиштиришга ҳамда қарши томон ғояси ва нуқтаи назарини инкор этувчилик роли билан таъсир кўрсатишга интилишдир.

Ахборот қуроли - ахборот инфратузилмасига қарши қаратилган жами ихтисослаштирилган (физик, ахборот, дастурий, радиоэлектрон) услублар ва воситалар. Улар инфратузилманинг бутунлай ёки унинг алоҳида элементларининг вазифалари ва хизматларини вақтинчалик ёки тиклаб бўлмас даражада ишдан чиқариш учун мўлжалланган⁴.

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунидан.

² Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашр. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю. ва бошқ. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 – Б. 20.

³ Ўша жойда. – Б. 21.

⁴ Ўша жойда. – Б. 30.

Ахборот мулкдори — ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

Ахборот ресурслари — алоҳида ҳужжатлар, ҳужжатларнинг алоҳида тўпламлари, ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқа ахборот тизимларидаги) ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг тўпламлари;

Ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори — ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

Ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг эгаси — қонун билан ёки ахборот ресурсларининг, ахборот тизимларининг мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборот ресурсларига ёхуд ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс;

Ахборот соҳаси — субъектларнинг ахборотни яратиш, қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият соҳаси;

Ахборот соҳасида шахс ва жамият манфаатларига тазйик ўтказиш - инсон ва фуқаронинг очиқ ахборотга эга бўлишига, қонун билан тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишга бўлган ҳуқуқдан фойдаланишни чеклаш тушунилади. Булар эса шахсий хавфсизликни, маънавий ва ақлий ривожланишни таъминловчи ахборотлар ҳисобланади. Бундан ташқари, индивидуал, “виртуал ахборот” майдонини, унинг руҳий фаолиятга таъсир этиш технологияларидан фойдаланиш имконини шакллантириш ҳисобига жамоатчиллик онгини чалкаштириш имкониятларини кенгайтириш шахс манфаатларига бўлган энг хавфли тажовуз ҳисобланади.

Ахборот тазйиқи – бу ўзаро ахборот муносабатларида бўлган объектлар ўртасидаги қарама-қаршилиқларни объектлардан бирининг ёмонлашуви томон куч билан ўзгартиш киритиш мақсадида зарар етказиш йўли билан ҳал этиш усулидир.

Ахборот таҳдиди – жамият ахборот соҳасининг фаолиятига хавф туғдираётган жами омиллар ва омиллар гуруҳлари”¹.

Ахборот технологияси — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар;

Ахборот тизими — ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

Ахборот хавфсизлиги – 1) ахборот муносабатларининг субъектларига номақбул зиёнларни келтириши мумкин бўлган табиий ёки сунъий хусусиятли тасодифий ёки қасддан қилинган таъсирдан ахборот ва таъминлаб турадиган

¹ Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашр. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю. ва бошқ. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 – Б. 26.

инфраструктуранинг муҳофаза қилинганлиги¹. 2) ахборотнинг чиқиб кетиши, сохталаштирилиши, нусха олиниши, ўзгартирилиши, ошкор бўлиши, бузилиши, камал қилинишига олиб келувчи берухсат тасодифан ёки қасддан қилинган амаллардан муҳофазаланганлиги. Конфиденциаллик, бутунлик ва киришимлилиқ ахборот хавфсизлигининг тавсифномаси бўлиб ҳисобланади².

Ахборот эгаси — қонунда ёки ахборот мулкдори томонидан белгиланган ҳуқуқлар доирасида ахборотга эгалиқ қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Ахборотлашган жамият – ахборот технологияларининг ривожланганлик даражаси нуқтаи назаридан асосий талабларга жавоб берувчи жамият. Бундай давлатда асосий фаолияти ахборот билан ишлашдан иборат шахслар жамият аъзоларининг 50 фоизидан юқори бўлиши ҳамда газета, журнал, радио, телевидение, компьютер, Интернет ва уяли телефонлар билан таъминланганлар сони турли идоралар ва аҳолининг асосий қисмини ташкил этиши зарур.

Ахборотлаштириш — юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни.

Ахборотни муҳофаза қилиш – Ахборот эгаси манфаатларига зарар келтиришнинг олдини олиш ёки қийинлаштиришга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий ва техник тадбирлар комплекси³.

Ахборотни муҳофаза этиш — ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари.

Ахборотнинг глобаллашуви – бу замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, маълум бир мамлакат доирасида ва муайян бир давлат манфаатини ҳимоя қилувчи ахборотларни ишлаб чиқиш ва ер курраси бўйлаб тарқатиш демакдир. Бундай имкониятларга ҳамма давлатлар ҳам эга эмас. Технологиялари кучли давлатлар бундан кенг фойдаланмоқда. Ахборотнинг глобаллашуви, бир томондан, ижобий натижалар (масалан, жамият ҳаётини замонавий, демократик усуллар асосида ташкил этиш бобида) берса, иккинчи томондан, халқаро муносабатларда турли давлатлар ўртасида ахборий, рақамли тенгсизликка олиб келади.

Ахборот-психологик кураш - бу бошқа мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳида мавжуд ижтимоий тизимни бўшаштириш, жамият ахлоқини издан чиқариш, ривожланиш миллий дастурига путур етказиш, шунингдек ўз кадриятлари ва турмуш тарзини тўғридан-тўғри экспорт қилиш мақсадида ахборот хизмати ҳамда кўпорувчилик билан шуғулланувчи хизматларнинг ўзаро ҳамкорлигидир.

Ахборот-психологик хавфсизлик - фуқаролар, уларнинг алоҳида гуруҳлари ва ижтимоий қатламлари, шунингдек умуман олганда аҳолини салбий ахборот-психологик таъсирлардан муҳофаза қилинганлик ҳолати^{”1}.

¹ Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашр. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю. ва бошқ. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 – Б. 27.

² Ўша жойда. – Б. 28.

³ “Ахборот технологияси. Ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва таърифлар” ЎзДСт 2927:2015. – Б. 30.

Жамиятнинг ахборотлашуви - бу маълум бир давлат ёки жамиятда ахборот технологияларининг кескин ривожланиши натижасида содир бўладиган ҳолат.

Махфий ахборот — фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборот.

Оммавий ахборот- чекланмаган шахслар доираси учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуал ва бошқа хабар ва материаллар².

Очиқ ахборот тизими – жойлаштирилган ахборотни тўсиқсиз олиш мумкин бўлган тизим. Интернет очиқ ахборот тизимининг энг кўзга кўринган туридир. Шу билан бир қаторда ахборотни қабул қилиш имкониятига эга бўлган тизимларни ҳам шундай деб аташади (масалан, айрим олимлар сонни асосли равишда очиқ ахборот тизими деб ҳисоблашади).

Рақамли тенгсизлик (бўлиниш, узилиш) – рақамли ахборот технологияларидан фойдаланиш нуқтаи назаридан дунё давлатларининг барабар бўлмаган ҳаволи. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар кучли ахборот технологияларига эга ва улар бошқа давлатлар билан бўлган муносабатларида мазкур устуворликни ўз фойдаларига ишлатмоқдалар, масалан, компьютер, принтер ва бошқа шу каби жиҳозларни бошқа давлатларга қиммат нархларда сотмоқдалар ва ҳ.к. Энг муҳими, ахборот технологиялари ривожланган давлатлар бошқа мамлакатлар халқларини ўз ғоялари таъсири доирасида сақлаб турмоқчи бўлаяпти.

Ҳаётий муҳим миллий манфаатлар – хавфсизлик субъектлари томонидан англаб етиладиган, тизимга солинадиган, тегишли сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйиладиган, маълум тарихий даврда давлатнинг мавжуд бўлиб қолиши, фаровонлиги ва тараққиётнинг зарур ҳамда ҳимоя қилиниши шарт бўлган шахс, жамият ва давлатнинг объектив эҳтиёжларидир.

Ҳужжатлаштирилган ахборот — идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

Цивилизациялар (маданиятлар, тамаддунлар) тўқнашуви – Гарвард (АҚШ) университетининг профессори Самюэл Хантингтон ғояси. Муаллиф дастлаб 1993 йилда шундай номдаги мақоласини эълон қилди. Мақолага турли минтақа ва мамлакатларнинг мутахассислари муносабат билдириб, айримлари С.Хантингтонни қўллаган бўлса, аксарият олимлар унга қарши чиқди. Жавобларни йиғиб, С. Хантингтон 1996 йилда шундай номда китоб чоп этди ва ўз нуқтаи назарида қолиб, уни ривожлантиришга ҳаракат қилди.

¹ “Ахборот технологияси. Ахборот хавфсизлиги. Атамалар ва таърифлар” ЎзДСт 2927:2015. – Б. 31.

² Ахборот-коммуникация технологиялари изоҳли луғати. Қайта ишланган, тўлдирилган иккинчи нашр. Муаллифлар жамоаси: Амиров Д.М., Атаджанов А.Ю., Атаджанов Д.Ю. ва бошқ. – Т.: БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 2010 – Б. 178.